

А.С.П.

Д.Г.



# ЛИВАН ХИКОЯЛАРИ




И (название)  
250.



# ЛИВАН ҲИКОЯЛАРИ

ОТ



УЗССР ДАВЛЯТ БАДИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ - 1962

Қишиларнинг оғир ҳәтидан, орзу-умид ва биллурдай соғ муҳаббатидан бажс этувчи ливан ҳикоялари ранго-рангdir.

Муҳаммад Иброҳимнинг «Парчалар» ҳикоясини ўқир эканмиз, кўча-кўйда дилдираб шиша парчалари йигиб юрган қизча Марям кўз олдимиизга келади. У ўқиш, кувноқ ҳаёт кечириш ўрнига, рўзгор ташвиши билан овора.

Атоқли ёзувчи Сельми Саёҳ ўзининг «Дираниялик Хайфа қиссаси» ҳикоясида кечакундуз ёр йўлига қўз тиккан, зулм ва ҳақоратларга чидам билан бардош берувчи вафодор аёл Хайфа образини яратса, Марун Аббуд «Йўқ, тақсир» ҳикоясида эски урф-одатларга қарши бош кўтарган, дин аҳларидан ҳам, эл-юрт маломатидан ҳам қўрқмайдиган ёшларни, баҳт-саодат учун курашга чорловчи Ситт ал-Байт хоним образини яратади.

Тараққийпарвар ёзувчиларнинг бу тўпламдан ўрин олган ҳикоялари китобхонни Ливан ҳалқи ҳаёти билан таништирур, деган умиддамиз.

Ливан ҳикоялари.

160 бет.

Рассказы писателей Ливана.

Т., Ўзадабийнашр, 1962.

И (Ливан)

## СУЗБОШИ

Ливан адабиёти — ҳозирги замон араб адабиётининг ажралмас бир қисмидир. Ўтган асрнинг охири ҳамда асримизнинг бошларида Ливан ёзувчилари араб адабиётининг тараққиётига каттагина ҳисса қўшдилар.

Биринчи жаҳон урушига қадар Сурия, Фаластин билан бирга Ливан ҳам Туркия империясига киради. Ливан араб мамлакатлари билан тили, маданияти, иқтисадий ва географик мавқеининг яқинлиги жиҳатидан ягона бирликни ташкил қиласарди.

Ливан ҳамда Сурия халқлари ўз мустақиллиги учун, мамлакатларини турклар зулмида озод қилиш учун, биржон, бир тан бўлиб кураш олиб бордилар. Кўп вақтлардан буён Яқин Шарққа кўз олайтириб, уларни ўз мустамлакаларига айлантириш, халқини эса қуллик асоратига солиш учун уринниб келаётган европалик йиртқич мустамлакачиларга қарши умумий кураш ҳам уларни бирлаштируди.

Усмонликларнинг асрлар бўйи ўтказган зулми, сўнгра эса империалистларнинг шафқатсиз ҳукмронлиги кенг халқ оммасини даҳшатли қашшоқликка маҳкум этди. Буларнинг барчаси эса, қачонлардир равнақ топиб гуллаган Сурия ҳамда Ливан маданиятини сўзсиз тушкунликка олиб келди. Мустақиллик учун кураш олиб борганиларни таъқиб қилишда, халқ ҳаракати ва шу каби илфор ғояларнинг барча кўринишларини бостиришда «маданиятли» мустамлакачилар қонхўр турк сultonни Абдулҳамиддан жуда кам фарқ қиласарди. Ҳар қандай адабий фаолият бир неча йиллардан буён деярли таъқиб қилиниб келарди.

Ливан ёзувчиларининг ўз миллий маданиятларига қизиқиши мана шундай оғир шаронтларда айниқса ортди. Уни ҳозирги замон талаби даражасинга кўтариш, ундаги асрлар бўйи яратилиб келган энг яхши томонларни сақлаш ва ривожлантириш учун ҳаракат кучайди.

Турк ҳукмронлиги даврида, айниқса Абдулҳамид ўрнатган

тартиб ҳукм сурған даврда Ливан ёзувчиларининг илғор қисми ўз ватанларини тарқ этиб Мисрга, Америкага ва Европанинг бешиқта мамлакатларига кетиб қолишга мажбур бўлгандилар.

Шуни айтиш керакки, XIX асрнинг охириларига келиб Сурядан, айниқса, Ливандан Жанубий ҳамда Шимолий Америкага кетиб қолиш кучаяди. Шимолий Америкадаги араб мустамлакасида беш юз миннга яқин киши бор эди.

Бу ерда ана шу муҳожир ёзувчиларининг адабий оқими пайдо бўлди. Бу оқим XX асрнинг дастлабки Йигирма йили мобайнида ҳозирги замон араб адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Цензура ва адабиётниң эски қонунларидан халос бўлган бу ёзувчилар дастлабки даврдаёқ адабиётдаги эски услубни енгиб, ўринга янги стиљ, янги услуб, чунончи, прозада шеър ёзиш, новелла яратишга киришдилар. Бунда муҳожир ёзувчиларининг илғор ғарб адабиёти билан танишилиги ҳам қўл келди.

Биз, бу тўпламда совет ўқувчиларини шу оқимнинг уч вакили бўлган Ливанинг кўзга кўринган ёзувчилари билан танишитирамиз. Бу оқимнинг пешқадам ёзувчиларидан бири Жубран Халил Жубран (1883—1931) эди. У ўзининг адабий фаолиятини мелодраматик кичик-кичик ҳикоялар ёзишдан бошласа-да, бу асарларда ўша даврга ва жамиятга нисбатан анча дадил, исёнкор кайфиятлар берилган. Ёзувчи дин кишанларинга, чет эл зулмнига қарши, Суря ҳамда Ливан халқининг ҳуқуқсизлнгига қарши бош кўтариб чиқади. «Бўйсунмаганлар» тўпламига кирган ҳикояларнда энг яхши ерларни эгаллаб олган руҳоний ҳам феодалларга қарши нафрат қайнаб тошади; ижтимоий тенгсизлик ваadolatсиэликка қарши ғазаб, қатъий норозилик куйи янграб туради.

«Бониялик Марта» новелласида ёзувчи Жубран, ўтмиш феодал сарқитларига қарши Ливан аёлларининг тенг ҳуқуқли бўлишини ҳимоя қилиб чиқади.

Жубран ҳикояларида тасвиirlанадиган муҳаббат доимо соғ ва гўзалдир. Мана шундай муҳаббат йўлида унинг қаҳрамонларидан Варда ал-Хоний бойлиқ, роҳат-фароғат ва иззат-эҳтиромдан вуз кечиб, ўз севганининг фақир хонадонига кетади, бу билан у кенг тарқалган реакцион ахлоқни рад этади.

Бу оқимнинг иккичи бир вакили Михаил Нуайме (1889 й. туғилган) ўз ҳикояларини Ливан аёлларининг ҳаётига бағишилайди. Америка билан араб мамлакатлари ўртасидаги масофа анчэ узоқ ва ўзаро алоқа қилиб турниш мушкул бўлганинг сабабли лиганиллар Нуайме ҳикояларини ўз вақтида ўқий олмасдилар. Шунга қарамай биз уни ҳозирги замон араб адабиётидаги реалистик новелланинг асосчини деб атай оламиз.

Михаил Нуайме рус мактабларида: дастлаб «Рус — Фаластил

жамияти»нинг Назарета (Фаластин) даги мактабларида бирнида, сўнгра эса Полтавада таълим олган.

«Пушкин, Лермонтов ҳамда Тургеневларнинг нағис санъатидан, Гоголининг ўткир заҳарханда кулгиси, Толстойнинг жозибадор реализми, Белинскийнинг баркамол адабий фаолиятидан таълим олган мендай бир киши Россияни тарқ этар экан (1911), араб адабиётидаги турғунлик очиқ-ойдин намоён бўлди. Бу нарса менни гангитиб қўйди» деб ёзади Нуайме. Шунинг учун ҳам Нуайменинг ҳозирги замон араб адабиётининг кўзга кўринган ҳақиқий танқидчиси эканини тушуниш қийин эмас.

Амин Райхоний (1879—1940) ўн икки ёшинда ўз қариндошлири билан бирга Ливандан Шимолий Америкага кетади. У ўспиринлик даврида америка газеталарида, театрларида ишлади ва мамлакат ҳаётини ҳар томонлама ўрганди. Уолт Уитмен ижодининг таъсири остида Райхоний араб адабиётида янги адабий форма — прозада шеър ёзиши расм этди. У 1901 йилда араб муҳожирлари жамиятининг илтимоси билан Нью-Йоркда «Диний таассуфга қарши» деган қизиқ темада доклад қилди. Ливанлик Маронит<sup>1</sup> Райхоний диний ақидалардан барвақт қутулиб кетди. Райхонийнинг ватандошлари бўлмиш клерикал ҳамда консерватив гуруҳдагилар унинг бу хатти-ҳаракатини ҳеч қачон кечира олмасдилар. Халқни ҳақиқий душманларига қарши курашдан чалғитишда империалистларга ҳар доим қўй келадиган тинимсиз диний низолар Райхонийни чуқур қайғуга солди.

Ҳаёт ҳақида чуқур мулоҳаза юритиб, уни синчилаб ўргана бошлагач, «озод мамлакатдаги» цивилизациянинг мунофиқлик асосига қурилганлигини тушунади. Дастрабки асрларида Америкадаги «озодлик»дан завқлангани кўриниб турса, кейинчалик бориб шу мамлакатдаги қарама-қаршиликини шафқатсиз равишда очиб ташлайди. «...Адолат ҳам тенглик ҳукм сурган эркин, мустақил республикалари шуми ҳали!» — деб ёзган эди у.

Райхоний Америкада яшаркан бутун фикру ҳаёли жонажон халқида эди. Унинг ҳаётини зўр өътибор билан тинмай кузатиб боради. У ўзининг мақола ва ҳикоялари билан биринчи жаҳон уруши йилларида Ливанда бир неча бор қонли жиноятлар қилган турк деспотизмига қарши курашади. Машҳур Ливан жамоатарбоби Жорж Ханинг айтишича, ўша йиллари учдан бир одам очликдан нобуд бўлган. Ливан ватанпарварларининг қатл этилиши ҳамда очлик оғатини Райхоний ўзининг «Байрутда бир кун»

<sup>1</sup> Маронит — Маронитлар христиан динига қарашли бир тоифа, Суря ҳамда Ливанда тарқалган (тарж.).

деган очеркида тасвирлайди. Ливан бўйлаб саёҳат қилиб юргандэ ёзувчининг бошидан ўтган ҳақиқий бир воқеа «Юксак сарой» ҳикоясига асос қилиб олинган. Аслзодаларнинг машнати, мағрурлик, шу билан бирга молу дунёга сажда қилиши мана шу кичкина ҳикояда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Райхоний энг яхши ерларни эгаллаб токзор қилиб олган незуитлар устидан аччиқ кулади. Бир парча нон учун Ливан деҳқонлари бу ерларда пешона тери тўқадилар. «О биродар, эркингни, қўлингни, фаҳмингни менга бер! Шуларнинг эвазига мени сенга бир парча нон, бозор тарозусида ўлчанган имон ва донишмандлик тақдим қиласман, борига шукур қилишни ўргатаман!». Райхоний ва Жубранийларнинг ибодатхонадан четлатилганликлари ҳам бежиз эмасди. Руҳонийлар ҳэтто Жубранинг ўлигини христиан қавмида дағи этишдан ҳам бош тортдилар.

Марун Аббуд (1886 йилда туғилган) ўз ижодини ҳалқ турмушидаги хурофот ҳамда феодал сарқитларига қарши курашга бағишилайди. Бу жиҳатдан унинг «Йўқ, тақсир...», «Чўқинтириш кечаси» ҳикоялари ажralиб туради.

Руҳонийлар орасидан етишиб чиқсан Марун Аббуд диннинг хурофот ва бидъатларини яхши билади, тиш-тирноғи билан уларга қарши курашади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, очлик, қашшоқлик, ишсизлик иатижасида ҳар йили ўн мингга яқин одам Ливанини ташлаб кетишга мажбур бўларди. Кичкина бир мамлакат учун бу сон ҳаддан ташқари кўпдир. Бундай ҳолининг ёзувчиларни ташвишга солиши табиийдир. Решад Даргутнинг икки ҳикояси ана шу масалаларни ёритиб беради. Бу мотив Селма Саендинг (1889 йилда туғилган) ҳикоясида ҳам бор. «Хайфи Дирания қиссаны»да ливанлик ёш аёлнинг турмушда ҳамда дарбадарлик оқибатида учраган баҳтсиз ҳаётиг тасвирланади.

«Бодомдан ширин» — бу ёш ёзувчи Муҳаммад Иброҳим Дарабининг (1929 йилда туғилган) автобиографик ҳикояси бўлиб, бунда автор фақат катталарнингини эмас, гўдакларнинг бошига ҳам ташвишлар солган урушдан ҳалқ чеккан жабру ситамларни ҳикоя қиласди. Порлоқ ҳаёт учун хўжайниларига қарши кураш олиб бораётган ишчилар ҳамкорлиги «Парчалар» ҳикоясида тараннум этилади.

Ливан ҳалқининг чет эл империалист босқинчиларига қарши олиб бораётган озодлик курашини совет ҳалқи хайриҳоҳлик билан кузатиб бормоқда. Совет китобхонлари, ҳикоялари ушбу тўпламга кирган ёзувчиларнинг ҳаётни ва ижодини қизиқиш билан ўрганишларига шубҳа йўқ.

*К. В. Оде-Васильева*



АМИН РАИХОНИЙ

БАЛАНД САРОИ

Меҳмондўст Иса ал-Малюф исмли олимникида турдим. Уч шоир ўғлоннинг отаси, бу олижаноб киши Захледа истиқомат қиласди. Хайр-маъзур қилиб сафар ҳассамни олдим-да, Захлени тарк этдим. Аввалгидек бу гал ҳам сафаримнинг бехатар бўлишига олло таоло мадад бергай деб умид қиласдим. Захледан чиққаҷ, Бекаа яланглиги бўйлаб кетган тош йўлдан жануби-ғарбга қараб йўл олдим. Дала бўйлаб кетган йўлнинг икки томони токзор бўлиб, ишкомларда катта-катта бошли узумлар кўм-кўк япроқларга яшириниб олган. Бу ердаги узумлар энг яхши ва серҳосиллар. Ҳар бир буш узум бу ерларни чопишда, хомток қилишда пешона тер тўккан, ўз санъатини намойиш этган қўлларга тасаннолар ўқириди. Узумзорлар Бекаанинг кўрки ва ифтихоридир. Булар

орасига жойлашган уйлар ҳам оддийгина бўлиб, ортиқ-ча ҳашамли бачкана эмасди. Пастаккина томлари ҳам текис. Бу уйларнинг ташқи кўриниши унда яшовчиларнинг қанақа одамлигидан далолат берар ва кишида завқ-шавқ ҳамда ҳурмат туйғусини уйғотар эди. Шу ерда яна оддийгина бир ибодатхона ва унинг ёнида қуббасиз-несиз бир уй қад кўтариб турарди.

Биз манзилдамиз, қадрдон китобхон, кишини ҳайрат ва таажжуб, алам ва қайғуга соловучи ҳаёт қонунлари ҳукмрон бўлган иезуитлар қароргоҳидамиз. «Меҳнатсевар бўл, меҳнатингни такомиллаштириб бор, ҳамкорлик занжирини мустаҳкамла ва тариқат аҳли ўртасида интизомни сақла, итоаткор бўл»— ана шунда бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам роҳатда бўласан! Диндор ёки бидъатчи, олижаноб ёки муттаҳам, раҳмдил ёки кўнгилчан, тақаббур ёки димоғдор бўласанми, ичингда бўлсин. Сиртингдан эса ўзингни итоатгўй, жонкуяр, серфайрат ва сабр-қаноатли қилиб кўрсат — ана шундай қилсанг, жонингга оро киради. Бундан бошқа ҳаммаси бўлмағур бир гап! Шуни билиб қўй, муҳтарам падари бузрук! Ўз манфаатинг ёки ўзгалар, ватан манфаатинигина кўзлаб меҳнат қилма, сенинг роҳиблигингдан бошланиб ибодатхонангда тугайдиган ва яна роҳибликда бошланадиган юксак манфаатни кўзлаб жафо чек.

\* \* \*

Довуд пайғамбар: «Ўғлим, қалбингни бер!» деган эди. Иезуитлар тариқатининг пири оддий иезуитга: «Иним, эркингни бер менга!» дейди. Оддий иезуит меҳнаткашга, хизматкорига, муридларига: «Ўғлим, ўз эркингни, ўз қўлингни, фаҳмингни ва юрагингни бер! Мақсад сари фақат ўз ўйлингдан бор, у қанчалик мудҳиш ва кўнгилсиз бўлса-да, шундан қолма»— дейди. Меҳнат, итоаткорлик, интизомни унумта, олло таолони олқишила! Майли, дин аҳли халқни ибодатга чорласин, ўзинг меваларни тер; ислоҳотчи эса озодликни куйласин, ўзинг эса озодлик устидан ҳукмронлик қилаётган ҳокимииятга итоат қил; файласуф ҳуқуқ, адолат ва тенглик ҳақида сафсата сотсин, ўзинг итоаткорлик, тинчлик ва осойишта ҳаётнинг лаззатини тот. Эй иним, сен менга ўз эркингни, ўз қўлингни ва ақлингни бер! Бунинг эвазига мен сенга бир бурда кон, бозор тарозусида ўлчанганди имон ва донолик ҳадя

қиласан, оз нарсага ҳам сабр-қаноат қилишни ўргатаман. Булардан бошқа ҳаммаси бўлмағур бир гап.

Ушбу макондаги буюк қонун ана шу. Кўзни қувонтирувчи узумзорлар, ишончли парда ва мустаҳкам тўсик бўлмиш ибодатхона, диндор ва худосизларга сотиладиган энг яхши винолар. Хуллас, ҳаётнинг гаштини суринг незуентлар!..

Софарга чиқаётиб икки йўлнинг қайси биридан борсам экан — Захлегами ёки Софарга? — деб ўйлаб қолдим. Захлеликларни ёқтирганим учун у ерга боргим келарди. Байрутлик аъёнларнинг қандай кўнгил очишларини томоша қилиш истаги эса Софарга тортарди. Бушаҳарнинг кўрки казинода бўлиш, рулетка<sup>1</sup> ўйинини кўриш керак. Бир кўриб қўйиш, бутунлай нотаниш бўлгандан кўра дуруст-ку. Ўша пайтлари Ливанда биргина казино бўлиб, у ҳам Софарда эди. Байрут атрофида Софардагидан кўра шинамроқ, ҳашаматлироқ меҳмонхона йўқ, шу сабабли менда уйғонган ҳавас кечирарлидир.

Худога минг қатла шукурким, мана, мен баланд саройга ҳам етиб келдим. Азиз китобхоним, кечирасиз, шошиб олдин кетиб қолдим. Ҳали фақат яшнаб турган чорбоғдаман, холос. Сарой эса шу чорбоғнинг қоқ марказига жойлашган. Баланд-баланд дарахтларнинг тагига қўйилган скамейкалардан бирига ўтириб, ҳозир роҳат топаман деб атрофга ва барчага қарайман.

Шу пайт тўсатдан кўзим мен томон тикилган кўзларга, ҳа-ҳа, дарахт тагидаги думалоқ стол атрофида ўтиришган хонимлар ва бойваччаларнинг кўзларига тушди. Улар чойми, кофеми ичишар, савол ва таажжуб аломатлари тўла кўзларини мендан узмай, гоҳо бир-бирлари билан пичирлашишарди. Нима ҳақда? Балки менинг ва жоҳатим уларни ҳайратлантираётгандир? У ҳолда ажабланмайман. Бу жиҳатдан мен улардан тамоман ажралиб турардим. Аммо маданият ва одоб тарқатувчи бу зотлар, сиртдан ўзларини ё ҳеч нарсага ажабланмаётгандай, ё эса сипоҳлик билан ҳеч нарсага эътибор бермаётгандай қилиб кўрсатардилар.

Бу кўзлардан қутулиш учун меҳмонхонага кириб тўғри бинонинг гавжум томонига қараб юрдим. Бирталай одамлар тўпланиб турган эшикдан остона ҳатлаб ўтиб эдимки, ўзимни катта зал ичидаги кўрдим. Залдаги стол-

<sup>1</sup> Рулетка — пилдироқ ўйини.

ларнинг устига кўк мовут ёпилган бўлиб, атрофини ўраб олган эркак ва аёллар покер ўйини билан машғул эди.

Одамлар мум тишилагандек фиқ этмай, ниманидир зориқиб кутишарди, уларнинг ҳолатларида яна қандайдир ҳолат бор эдики, буни нима деб аташга ҳам ҳайронман. Бу ҳорғинликми? Зерикишми? Умидсизликми? Умидворликми? Лоқайдликми? Ёинки буларнинг ҳаммаси озоздан қўшилгану уларнинг ҳис-туйғулари ва ақл-фаросатларини тўпослаштирган бангиликми? — билмадим. Булар назаримда ибодатхонада намоз ўқиётган ёки бағихонада наша чекаётган, ёинки сиёсий фитна уюштираётган одамларга ўхшаб кетардилар. Эркаклар чўнтағига қўл солган хотинлар ва аксинча, аёллар ҳамёнига қўл суққан эркаклар кўз олдимда намоён бўла бошлади. Ўйин ҳозир уларнинг бутун ақл-ҳушини тортиб олган. Майли, ўйнасинлар, бир-бирларини шилсинглар, алам гирдобида ҳалок бўлсинглар. Мана яшил мовут ёпилган рулетка столи. Столнинг ўртасига рақамлар ёзиб қўйилган, яшил, қизил тўрт бурчаклар чизилган. Шу ернинг ўзида ғалати доира ва жуда ажойиб филдирак ҳам бор. Столнинг нариги томонида савлат тўкиб ўйинбоши ўтирибди. Унинг қўлида оқ суюк соққача. Ёнида эса узун дастали куракча, у бу билан столдаги пулларни бир ерга тўплайди, ё бўлмаса ютган одамнинг олдига суреб қўяди. Столнинг олдида ўйин иштирокчилари. Булар пулларини рақамлар устига ёинки ҳалиги қизил ё яшил тўрт бурчаклар ичига қўядилар.. Қани, дов қўйинглар! Дов қўйинглар! Дов қўйилгач, ўйинбоши виқор билан француздалаб: «Zejeu estfaît»<sup>1</sup> деб эълон қиласди. Шундан сўнг у филдиракни айлантириб унинг ичига соққани ташлайди. Кўз илғамас даражада тез айланган филдирак дам ўтмай секинлайди. Яна рақамлар узра бир рангдан иккинчи рангга думалаётган соққа кўринади. Ўйновчилар сабрсизлик билан термилиб туришар, умид, қўркув ва ҳаяжон тўла юраклари гупурарди. Ниҳоят, рулетка филдираги тўхташи билан соққа ҳам тўхтайди. Ҳа, тўхтайди-ю кимнидир Бори Эрамга олиб чиқиб, қолганларни эса алам гирдобига улоқтиради. Ўйинбоши ютуқни бўлиб беради-да, қолган пулни ўз олдига суреб қўяди. Қани, дов қўйинглар-чи! Ҳа, бўлинг, дов қўйинг!

<sup>1</sup> Дов қўйилди.

Тўғрисини айтсам, бу ажойиб ихтирони биринчи марта кўришим биланоқ у мени ҳайратга солиб, мафтун қилган эди. Мақсадга эришганимдан жуда мамнун эдим. Ахир, бу ўйинни кўпдан буён кўриш орзусида эдим. Шунинг учун ҳам ҳозир мендан бахтиёр одам йўқ эди. Шунда ўйинчилардан бири, чамамда, ютқизганлардан бўлса керак, менга ёмон қараб қўйди. Қаради-ю эшик оғага кўз қирини ташлади. Эшик оға мовут шарвар, зарҳал чакмон кийган, шойи қийиқча боғлаган барзангидай бир нарса эди. Ўзимда йўқ яйраб, жуда роҳат қиляпганимда, у ёнимга келиб, йўғон, бақувват қўлини елкамга қўйди-да:

- Томоша қиляптиларми? — деб қолди.
- Ҳа, томоша қиляпман, — деб жавоб бердим мен.
- Қани, марҳамат қилинг!
- Нима гап? Бундан ҳам қизиқроқ томошангиз борми дейман?
- Марҳамат қилинг! — дея такрорлади-да, ўзи олдимга тушиб бошлаб қолди. Мен унинг кетидан борар эканман, «Марҳамат қилинг!»дан бошқа сўзни ҳам биласизми ўзи, дедим. Бироқ эшик оға ўша сўзни мулоийимгина такрарлади-да, нах гурзидаи қўлини елкамга ташлади. Сўнгра эшикни очиб бир нарсалар деб тўнғиллади. Бу нима қилгани? Мени қувяптими дейман? Бу гал мен тушунадиган тилда:

— Меҳмонхонада турмайдиганларнинг бу ерга кириши мумкин эмас, — деди.

Бўлмағур гап, меҳмонхона ҳаммага баробар. Буни яхши билардиму, шундай бўлса-да: «ёлғон гапирма!» деворишдан ўзимни тутиб қолдим. Уни кўринг, барзангидай бир бало, мен-чи, мен... Нима жоним бор, ўзимнинг ташқи кўринишим ҳақида ўйлаб-ўйлаб ахийри меҳмонхонада қолиш ниятим борлигини айтдим.

— Марҳабо! Ҳозир сизни бошлиғимизнинг хоналарига бошлаб бораман, ўша ерда исми шарифингизни хатга битасиз, — деди эшик оға.

Шунда мен:

— Эҳ-ҳа, силлиққина чиқариворишга уста экансан десам, гапниям жуда қийвораркансан-ку! Оббо, сан-э! — дедим юрак ютиб. Сўнгра ботлироқ қилиб: — Бу қилмисларингга ҳали пушаймон бўласан. Ҳа, пушаймон ейсан! Қани кабинетингиз? Қани бошлиғингиз?

Бу раҳбарнинг сўзамоллиги, сермулозаматлиги, тил-

ёғламалиги олдида эшик оғанинг найранги ип эшолмай ҳам қолди:

- Ҳамма жойлар банд эди, жаноблари,— деди у.
- Бирорта ҳам йўқми?
- Йўқ, ҳеч йўқ.
- Диванда ёта қоламан-да, бўлмаса.
- Йўғ-э, мумкин эмас, жаноблари, бу ишингиз тўғри келмайди.

Бундай жирканч мулозиматнинг асл маъносини жуда яхши тушунардим. Ахир, бу ерда турувчиларнинг оромини бузмаслиги, ёмон кўздан сақлаши керак-да. Қабинетдан чиқдим-да, девордаги катта тошойна олдидан ўтиб кетаётисб бир лаҳза тўхтадим. Ойнага қараб туриб ўзимга-ўзим: «Дарҳақиқат, афту ангорингни кўрган одам бир чўчииди»— дедим. Шундай бўлса-да, бу кечани шу ерда ўтказишга қатъий аҳд қилдим ва бу курашда ғолиб чиқишига бел боғладим.

Боққа тушдим. Менинг фақат бир нарсадан умидим бор эди, холос. Кечқурун Софарга Байрұтдан поезд келиши керак. Боғда турувчилар ҳар куни шу ердан поезд билан ишга қатнардилар. Шуларнинг орасидан албатта бирор таниш-билишим чиқиб қолар ва шарманда бўлмай уларнинг ёрдамида шу ерга жойлашиб оларман деб ўйлардим. Боғдаги скамейкага ўтириб ҳали-бери келмайдиган поездни кута бошладим.

Меҳмонхонадан ҳам боплаб ҳайдашди, қойил! Бу хабар эртасигаёқ Байрут газеталаридан бирига етиб борибди. У ҳам ёлғон-яшиқларни қўшиб-чатиб, бўрттириб газетхонларга етказди. Бу хабарни бошқа газеталар ҳам, ҳатто сургундагилар ҳам ўз газетхонларининг дидига мослаб босиб чиқаришди. Уларнинг тафсилотларига кўра, мен эшик оғани уриб бошини ёрганишман. Ўша кезлари озғин, рангим заъфарон, қилтиллаб юрган вақтим эди. Ушанда негадир ал-Мутаноббининг:

Гар сенга гап қотмасам,  
Мени ҳеч пайқамасдинг.

деган шеъри хаёлимдан нари кетмади.

Узимни, кучи соч толасида бўлган Самсон фараз қилмасдим, албатта. Эшик оғанинг қиёфаси, унинг баҳайбат қўли ва кучи ҳақида сенга бир бор айтган ҳам эдим, китобхон. Лекин унинг узун, шопдай мўйловини тасвирламаганман. Бундай мўйловли одамларнинг қўлида қи-

лич ўйнайди. «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деганлариdek, уларга тегишиб бўладими. Нима, жонимда қасдим бормиди?

Халоскоримни кутиб боғда ўтиравердим. Меҳмонхонада содир бўлган воқеа бир зумда одамлар орасига ёйилди. Шунинг учун уларнинг менга бу қадар қизиқиб қарашларини кўриб турсам ҳам, парво қилмасдим. Атайн ўзимни ухлаётганга солиб ўтиравердим. Дарвоқе, ростдан ҳам уйқуга кетган бўлсан керак, ҳар ҳолда уларни бошқа кўрмадим. Ўзимни қўлга олиб кўзларимни юмдим, юракка ором бахш этиб, хаёлот дунёсига фарқ бўлдим. Шу пайт кимдир оҳистагина елкамга туртгандай бўлди. Кўзимни очдиму, суюнганимдан юрагим торс ёрилаёзди. Байрутдан қайтадиган поезд келибди. Мана қадрдон, олижаноб дўстим Журжи Деметрий Сурсук рўпарамда турибди. Ў, ўз замондошлари орасида серсавлат, олижаноб одам.

— Сенмисан, Амин? Қачон келдинг? Нега энди бу ерда ўтирибсан? Тур ўрнингдан, меҳмонхонага юр.

Бўлган гапларни унга айтиб берувдим, маза қилиб кулди. Шундан сўнг бошимдан оёғимгача бир тикилди-ю, фифони фалакка чиқди. Қўлимдан ушлаб тўппа-тўғри меҳмонхонага бошлаб кетди, бошлиқнинг хонасига кириб бордик, ана ўшанда дўстим бошлиқниям, бошқасиниям роса боллади-да:

— Кимни ҳақорат қилганингни биласанми ўзинг? Бу киши жаноб Н. Бу киши... бу киши... бу киши...

— Ҳой, Мари! Бери кел, афанди жанобларидан кечирим сўра!

Эшик оға келиб энг олдин Журжидан, сўнгра мендан узр сўради. Журжи бошлиқقا қараб:

— Бунга энг яхши хоналардан бирини бер,— деди.

Бошлиқ ҳам хизматкорни чақириб, мени хонага кузатиб боришини буюрди. Орадан кўп ўтмай дўстим тарок ва чўтка билан, этик тозалаш учун маҳсус одам ҳам юборибди. Чанг-чунгимни қоқишитириб, ювиниб-тараниб, этигимни яна бир бор ёғлаб, ялтиратиб пастга тушдим. Журжи кутиб турган экан. Узун залга кириб бордик. Бу ерда кўпчилик меҳмонлар жой-жойларида ўтиришган эди. Биз ҳам дўстим учун ажратилган маҳсус стол томон ўтиб кетдик. Қўримсиз қиёфам ва шунча гап-сўзларга қарамай, дўстимнинг мен билан мулойим муносабатда бўлиши мени ажаблантиради. Менинг бу ерда бўлишим

бу зодагонларниң анъаналарига хилоф бўлиб, уларнинг попугини пасайтириб қўядиган бир калтак эди. Менда яна ҳаёт завқи ўйғонди. Ҳалигина қувиб чиқарганларида менга тикилган беибо кўзларни яна бир бор қўришни истардим. Бироқ, қани улар? У кўзлар энди ер сузар. Бу кўзлар шу дамда олиҳиммат, бағоят олижаноб кимсаларнинг кўзи. Ажабо, қандай одамлар-а! Улар бир вақтнинг ўзида бирорни яксон қилишга ҳам, ўзларини тубанлик, итоаткор ҳамда лаганбардорликка солишга ҳам қодир. Бу нарса уларнинг табиатига жуда-жуда ёпишиб тушган.

— Журжи Деметрий Сурсук — бу кишининг дўсти экан!

— Секинроқ жонгинам. Бу киши Журжи Деметрийнинг оғайниси.

— Ерга қара, жонгинам!

Шу куни кечқурун меҳмонхонада базм бўлди. Биз, дўстим иккимиз катта залда танца тушаётганларни томоша қилиб турадик. Кўпчилик эркакларнинг эгнида фрак<sup>1</sup>, аёлларнинг эгнида декольте<sup>2</sup> кўйлак, парижликларга хос пардозу андоз. Ўша пайтларда бундай кўйлак кийиш уччига чиқсан беҳаёлик эди. Атайин ўзимни гўлликка солиб:

— Бундай жононларни томоша қилганингга кўра кейин пинҳона учрашсанг экан. Меҳмонхонангда бу масалалар қалай? Йўл қўйиладими? — дедим дўстимга.

У ҳам шу тўғрида ўйлаб, лекин айтишга журъат этолмай турган экан шекилли, оғиз очишим билан илиб ола қолди:

— Танлаганинг борми?

Шунда бинафша кўйлак кийган оқ-сариқдан келган хипчагина бир нозанинга ишора қилдим. Дўстим унинг отини айтиб чақирди. У келди-да, француздабир ни ма деди: Журжи:

— Бу киши Н.— шоир ва ёзувчи,— деб мени унга таништириди.

У хандон ташлаб кулди-да: Vous vous manquez de moi!<sup>3</sup> — деб кетиб қолди. Дўстим кулиб:

<sup>1</sup> Ф рак — олд этаги калта, орқа этаги энсиҳ қилиб тикилган сюртукнинг бир хили.

<sup>2</sup> Декольте — аёлларнинг чуқур ўйма ёқали кўйлаги.

<sup>3</sup> Сиз мени калака қиласиз шекилли! (франц.)

— Балки бошқасини танларсан? — деди.

— Йўқ, мен шахтимдан қайтдим,— деб унинг таклифини қайтардим.

Эртаси куни эрталаб хизматкорни чақирдим-да, чўмилиш учун меҳмонхонада иссиқ сув борми, деб сўрадим.

— Ҳозир бўлади, хўжайин. Ўт ёқиб юборсам бас, чорак соатда ваннага тушаверишингиз мумкин.

Чорак соат ўтди, қўйинг-чи яна ярим соат ҳам ўтди. Ҳа, энди кираверсам ҳам бўлар деб эшикни очарманми, ваннахонадаги тутун гуп этиб юзимга урди, дарҳол ўзимни орқага ташладим. Тутун гўё вулқон оғзидан чиқяпгандай бурқсиб отиларди. Бутун уйни тутун босиб кетди. «Ўт тушди!» «Ўт олди!» — дея бақиришиб-чақиришиб ҳар томондан хизматкорлар югуриб кела бошлишди. Бошқа хонадаги эркагу аёл бариси тунги кийимда, ярим яланоч ҳолда чопиб чиқа бошлишди. Даҳшат барчанинг юрагига фулғула солди. Одамлар ўзларини зинадан пастга қараб урдилар.

Нима бўлган экан дeng? Хизматкор ўт қалабди-да, бошқа ишлар билан овора бўлиб кетибди. Печканинг бир мўрикони бузилиб қолган эканми, тутун чиқиб бутун хонани босиб кетибди. Мен буни хизматкорлардан бирига жон куйдириб тушунтириб ётибман, у бўлса, ваннахона эшиги олдида ишонқирамагандай бошини ирғаб турибди. Шунда мен уни ичкарига итариб:

— Фортокани оч! — деб бақирдим.

Орадан кўп ўтмай хизматкор ёнимга келиб, тутун фортоккадан чиқиб кетганини айтиб:

— Марҳамат, кираверсангиз бўлади! — деди.

Шундай қилиб мен яна ваннахонага «қадам ранжида» қилдим. Лекин сув аллақачон совиб қолган эди. «Тузатишса бўлмайдими?» деган эдим, хизматкор ўйлаб туриб:

— Бор бало фақат мўриконда бўлганда-ку, ҳеч гап эмасди-я,— деди.

— Бу ерга келиб кетадиганларга ванна керак бўлмасиди?

— Э, жаноби олийлари! Ҳамма меҳмонлар ҳам сизга ўхшаб ювинаман-таранаман деб юрармиди! Шу бугуноқ мўриконини тузатамиз. Эртага худо хоҳласа, ҳаммаси сиз истаганча бўлади.

— Ташаккур-э, бас! Роҳатижон меҳмонхонангдан ҳам, юксак саройнингдан ҳам, бунақа ҳузур-ҳаловатидан ҳам ўргилдим-э!



## БАЙРУТДА БИР КУН<sup>1</sup>

Қадрдон шаҳримга кирдиму, уни танимай қолдим.  
Жанажон шаҳрим бўйлаб изтироб ичида тентирар эканман,  
ўзимни бегонадек ҳис қиласдим. Ошна-оғайнила-  
римдан бирортасини учратиб қолармиканман деган  
умидда гавжумроқ чорраҳага бориб турдим. Лекин ёни-  
беримдан фақат шарпаларгина, одамларнинг соясигина  
үтар эди, холос. Мен уларни, улар эса мени танимасди-  
лар. Она шаҳримда эканимга менинг ҳеч қандай шуб-  
ҳам йўқ эди, аммо, халқим-чи, қани менинг халқим?

<sup>1</sup> Бу ҳикояда биринчи жаҳон уруши даврида Ливан ҳамда Су-  
рияда ҳукм сурган усмонилклар империяси ҳукуматининг бевошликлари тасвирланади.

Мана шу жулдур чопонлилар наҳотки яқингинада, жўн наш олдимдан мен хўшлашган, ўша ўзига тўқ одамлар бўлса? Кечагина юксак орзулар билан университетлар қура бошлаган, илм-маърифат байроғини юқори кўтартган мағур ва машҳур олижаноб одамлар наҳотки шу аҳволга тушиб қолган бўлса-я? Наҳотки, озиб-тўзиб, ҳароб бўлган мана шу мажруҳ шарпалар савдо билан шуғулланган, илм-маърифат йўлида хизмат қилган, баҳти ҳаёт қучоғида барқ уриб яшаган ва курашган ўша азамат эрлар бўлса?

Шу кўйи чорраҳада туравердим, ғам-алам юрагимни эзарди. Ўткинчиларнинг бири билан саломлашдим. Бироқ у индамади, ҳатто салом берувчининг кимлигини билиш учун қизиқсиниб тўхтамади ҳам. У ҳам бошқалар сингари алам ичида бошини қўйи солиб, мункайиб жим бораради.

Ё раббий! Озиб-тўзиб, қуруқ устихони қолган бу одамлар, бу шарпалар ким бўлди экан? Улар оёқлари кишанлангандай базёр қадам ташлашар, гуноҳкор одам сингари кўзга кўринмасликка ҳаракат қилишарди. Марздан ҳазар қилган кимсадай бир-бирларига яқинлашишмасди. Аҳён-аҳёнда битта-яримтаси тўхтаб бирортасига гап қотмаса, бариси бу шаҳарда бегонадай, ер сузиб, индашмай ўтиб кетишаверарди. Борди-ю, бирортаси тик қараб қолгудай бўлса, унинг совуқ кўз қарашлари, ич-ичига тортиб кетган кўзлари, шалвиллаб осилиб тушган жағлари, заъфарон юзлари инсон чеҳрасини эмас, қадимий очлик ва офат нишонасини бериб турарди.

Қалбимнинг бир парчасини фидо айлаган жонажон шаҳримнинг аҳли мана шу одамлардир. Менда инсонга ишонч туйғусини уйғотган, ватанга ва ҳаётга юрагимда муҳаббат жўштирган шаҳрим мана шу эди-ку! Қаранг-а, энди қандай руҳсиз, жонсиз ҳароба! Ўнинг ҳақиқий эгалари қани?

Оғайниларимдан бирини излаб кетдим. Уйига борсам дараза ва эшиклари тақа-тақ берк. Шу уй ёнидаги дўйконлардан дўстимни суриштиргандим, жавоб бериш у ёқда турсин, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Саволимни яна такрорлаган эдим, у ҳеч нарса тушунмайман, дегандай елкасини қисиб қўйди.

— Ҳў, менга қаранг, ўзимни танимасангиз ҳам жиллақурмаса тилимни тушунарсиз-ку, а? Мен сиз билан

арабча гаплашяпман-ку. Мен ҳам сиз каби шу шаҳарнинг одамиман; сизнинг биродарингиз, ватанингизнинг ўғлониман, келгинди ёки жосус эмасман-ку. Сиздан фагат бир нарсанни...

У гапимни чўрт кесди:

— Даф бўл, ҳўй инсон, қўй мени ўз ҳолимга.

Энди оқсусяклар маҳалласида турадиган иккинчи бир дўстимни ахтариб кетдим. Эшиги олдида тўхтаб, қўнғироғини босдим. Арнаут киййимида бир хизматкор чиқиб, нима кераклигини сўради. Унга арабча гапира бошлаган эдим, у чамамда сўкинди шекилли, нотаниш тилда бир нарсалар деб ғўлдиради-да, эшикни тақ этиб ёпди.

Фам-аламдан ўртаниб шу маҳалладаги бошқа бир уйга қараб йўл олдим. Эшикни тақиллатган эдим, бир солдат чиқиб, арабчалаб нима кераклигини сўради.

— Журжи жанобларини кўриб кетай дегандим.

— Бундай одам йўқ,— таажжубланиб жавоб берди солдат.— Бу Таймур пошшонинг даргоҳлари.

— Йўқса Журжи жаноблари қаердалар?

— Билмадим,— шу билан эшик ҳам ёпилди.

Дўстимнинг уйи шу деган қатъий ишонч-ла уй олди-даги боғга кирдим. Мана шу ясмин билан ўралган шийпончада у билан неча бор суҳбатлар қурганмиз, муҳожирликда юрганимда буларни озмунча эслардимми! Ойдин кечалари мана шу лимон ҳамда хурмо дараҳтлари остида барқ урган гулзорда бирга сайр қиласардик, ҳаёт савдоларидан, турмуш қонунларида суҳбат қуардик!

Фам-ғусса-ю, изтироб чулғаб уйнинг теварак-атрофи ни бир неча бор айланиб чиқдим. Нима қилишга ҳайрон эдим. Таймур пошшо — буниси ким бўлдийкин? Ҳаяжон ичида бу ном хаёлимда айланарди. Ёнимдан ўтиб кетаётган жулдур кўйлакли бир болани тўхтатиб сўрадим:

— Мана шу уйнинг эгаси ким билмайсанми?

— Нега билмай, бу уй менинг хўжам ҳамда устозим Журжи афандимники.

— Бўлмаса, Журжи афанди ҳозир қаердалар?..

— Ҳазиллашяпсизми? Наҳотки билмасангиз?..

Шу билан мен бу маҳалладаги дўстларимни ахтаришни бас қилиб, бошқа ёқдагиларни киға қараб кетдим. Бир эшикни тақиллатдим. Илгари ҳар гал тақиллатга-

нимда очиқ чеҳра, меҳрибон хизматкор эшик очар ва месъ хандон уриб, қувончга тўлиб кириб келардим. Биринки тақијлатиб, кутиб турдим. Сўнгра ҳассам билан уриб кўрдим. Жавоб бўлмагач, ҳа, бу хонадон ҳам ўзининг олижаноб, дилбар эгаларидан маҳрум бўлган эканда, деган хаёл билан энди кетмоқчи бўлувдимки, зинапоядан тушиб келаётган кимнигdir шарпаси сезилиб, эшик тимирскилана бошланди. Эшик дарчасидан кекса бир чолнинг боши кўринниб қолди.

— Мухтор афандим уйдамилар?

Шундай деб ҳам эдимки, дарча тарақ этиб ёпилди-ю, унинг овози эшитилди:

— Ҳаҳ-ҳа, мени калака қилгани, бошимга тушган кулфатни таъна қилгани келишади бу муттаҳам итлар, тўнғизлар.

Ёруғ жаҳои кўзимга қоронғи бўлди-ю, оёқларимнинг ҳам дармони қуриб, бу шаҳардаги бошқаларники каби занжирбанд оёқларга ўхшаб қолди. Ўёлимда давом этарканман, бу дард. бу изтироблар мени қаерларга олиш боришини билмасдим.

Қани менинг дўстларим? Қани ошна-офайниларим? Кечагина шаҳримизнинг кўрки бўлган, ҳалқимизнинг машъали бўлган азаматлар қани?

Тор кўчаларнинг биридан кетаётиб йўл четида ўтирган бир аёлга кўзим тушди. Азбаройи озиб, қотиб кетганидан у Миср мумиёсими эслатар эди. Унинг ёнида онасининг тиззасига бошини қўйиб икки ўғли ётарди. Аёл қоқ сукка ўхшаш, титроқ қўлларини чўзар:

— Хайр қилинг, худо хайрингизни берсин. Хайр қилинг, худо умр-давлатингизни кам қилмагай, сизга оллонинг каромати катта бўлгай, очлик балосига гирифтор қилмагай, парвардигор бола-чақаларингизнинг умрини берсин. Болагиналаримга раҳм қилиб, садақа қилинг! Тўрттадан қолгани шу иккиси...

— Ҳа, бу аёлнинг айтганилари рост,— деб қолди ўткинчилардан бири.— Эртага учинчисини ҳам, индинга эса, тўртинчисини ҳам ер қаърига қўяди.

Мана бу аёл билан болаларга нигоҳ ҳам ташламай ўз йўлларида бораётган яна ўша одамларга кўзим тушди. Улар ҳозир гўё кар ва кўр бўлиб қолганлар. Ўз баҳтсизликларидан бўлакни кўрмас, юрак аламлари садосидан бошқани эшитмас эдилар. Бирор меҳр-шафқат қилиш, ачиниш ҳисси уларга ёт бўлиб кетган.

Улар ҳар қандай жабру жафога бўй эгмоқда, ҳасрат ва бахти қораликлар, қашшоқлик, очлик ва кўз ёши бу шаҳарнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолган. Ахир бу одамлар қайси бир гуноҳи учун шу қадар жабру жафога маҳкум этилганлар!

Мана шу бир соат ичида бу алам, машаққатнинг барча жабрини тотдим. Уч йилдан буён шундай азоб-уқубатлар қўйнида яшаб, машаққат чекаётган бу одамлар нима бўларди? Уларнинг тош юрак бўлиб қолганликлариға демак ажабланмаса ҳам бўлади.

Бу аёлнинг аянчли аҳволи бошқа бир даҳшатли манзара олдида ип эшолмай ҳам қолди. Мана, бир бола йўлкада узала тушиб ётибди. Очлик уни ерга қапиштириб қўйган. Қўришим билан у тирик бўлмаса керак деб ўйладим. Ундан сал нарироқда, бир ит суяк кемириб ётарди. Уни пайқаган бола зўр-базўр сургалиб бориб ириллашига ҳам эътибор бермай, итнинг суягини тортиб олди. Гўё бирор қўлидан тортиб оладигандай саросимада теварак-атрофга аланглаб, тез-тез сургалиб яна жойига қайтди.

Қалбим ўша йўлка четида ўтирган онанинг қалбидек пора-пора бўлган, юрагим эса ўша бахти қора боланинг юрагидек эзилган ҳолда шаҳардан чиқиб кетдим. Үрмонга қараб йўл олдим. Йўлдан бир неча метр нарироқда қўй подасига ўхшаш бир тўда қора нарсага кўзим тушди. Яқинроқ бориб, бу кўринганлар уч аёл ва икки бола эканлигини англадим. Улар бирор нарса топиб, очлик азобини оз-моз бўлса-да енгиллатармикинмиз деган умидда ахлатхонани титкилашарди. Э, парвардигор, тавба қилдим-у, сенга бўлган ишончларим пучга чиқди, илоҳий кароматларингга, саховатингга бўлган эътиқодларимдан қайтаман, кечдим сендан!

Наҳотки мана шу норасталарингдан ҳатто ажалингни ҳам аясанг? Уз шакли шамоилинг билан яратилган бандаларинг ахлатхонадан томоқ изласалар, ит чангалидаги сүякни юлқиб олсалар. Э-воҳ! Инсоннинг шу қадар таҳқирланиши қанчалик даҳшат, бунга бардош бериб бўладими, ахир!

Қабристонга ўхшаш бу кўчаларни тун зулмати қоплаганда мен шаҳарга қайтиб келдим. Йўқ, йўқ, қабристонда ҳам гуллар очилиб, қушлар сайрайди, аммо бу кўчаларда, уйларда, тўғрироғи, харобаларда гўдаклар

нинг кўз ёши-ю, аёлларнинг оҳи-фарёдидан бўлак нарсани эшитмайсан.

Иттиҳод майдонига бордим, бу ер ҳам бўм-бўш, ҳувулаб ётарди. Кўчада узала тушиб ётган бир итга қоқилган эдим, у ҳам бир қимирилади-ю, ҳуришга ҳам мајколи келмади шекилли, индамади. Очлик ва даҳшат ҳатто мана шу итларни ҳам эзиб қўйган. Майдоннинг ўртасига етганимда эса дорга рўпара келиб қолдим. Унда оқ кўйлакли бир мурда осилиб турарди. Жонҳолатда ўзимни орқага ташладим, қарасам, ҳамма ёқда дор. Уларга менинг ёру дўстларим, озодлик ва ватан учун курашга жон фидо қилганлар осилган. Тун зулматида уларнинг юзларидан нур ёғилиб турарди.

Худди мана шу ерда, қурбонлар орасида туриб бу шаҳар аҳлининг аҳволига тушуниб етдим. Уларнинг қалбини тилка-пора қилган даҳшат ва мусибатларнинг боиси мана шу экан. Мухтор афандининг уйидаги чолнинг, «Бошимга тушган мусибатдан кулгани, мазах қилгани келишади бу илар, тўнғизлар!» деган ғазабли сўзлари сабабини ҳам шу ерда тушундим.

О, мухтор афандим! О, Журжи афандим! Менинг ёру-биродарларим! Куни-зукун шаҳар айланиб сизни ахтардим, аммо қора тун, фалак юлдузлари мени сиз билан учраштириди. Айтинг-чи. юзингизни ёритиб турган нима, у нур қаёқдан келяпти? Бу шўъланинг қаердан тушаётганини билмоқ истаб орқага ўғирилган эдим, дорлар орасида ҳаммасидан баланд турган катта бутга кўзим тушди, унда эса чўкка тушиб икки қўлини икки томонга узатганча турган қора, мотам кўйлакли бир аёлни кўрдим.

Менинг онам, халқимнинг онаси! Халқим барҳаёт, қалбida орзу умид учқуни бор экан, у ўлмайди, ер юзида дорлардан ўрмон пайдо қилганларида ҳам у абадий яшайди, чунки унинг ўғлонлари ватан, озодлик, ҳақиқат йўлида қурбон бўлганлар.

Мен шу аёл ёнига бориб, унга таъзим қилдим. Унинг олдида тиз чўкиб, қўлидан, оёғидан ўпдим. У менга қарди-ю:

— Сен кимсан? — деб сўради.

— Мен сенинг ўғилларингдан бириман, муҳожирликдан қайтиб келдим.

— Муҳожирликда юрган ўғилларимни худога солдим! — деди у.

— Йўқ, онажон, улар ҳам ҳозир сенинг ҳақингда қайғуришяпти. Сени бу жафолардан халос қилишга, қутқариб қолишга интилмоқдалар. Сени янги ҳаётга олиб кириш йўлидаги курашда қурбон бўлмоқдалар, ҳа-ҳа, бугун бўлмаса эртага ўз тупроғингда озодлик армиясини кўрасан!

— Уч йилдирким бу гапларни эшишиб келаман. Шу умид билан ҳар куни ўзимни ўзим овутаман.

— Инон она, ҳозир ўғилларинг ихтиёрий равишда озодлик армиясига келиб қўшилмоқдалар!

Қуролларини ўз кўзим билан кўрмагунимча бу гапларга ишонмайман. Э воҳ бу низоларнинг охири борми ўзи? Мана бу дорларга бир қара. Бирлашув, ўлим билан бирлашув майдонидаги бу жафокашларга бир назар сол. Мусулмонни христиандан, ливанликни суряникдан ажратадан оласанми?

У қаддини ростлади-ю, қўлини кўкка кўтариб оҳ уради:

— Қачон, қачон сиз бизнинг еримизда, ўғилларим ҳисобига бойиган бу келгинидарни ҳайдайсиз, ахир-а?

— Эртага, онажон, эртага. Қўлида қуроли билан бу ерда сен учун жанг қилаётган, озодлигинг йўлида қурбон бўлаётган ўғилларингни кўрасан.

У алам ва илтижо билан менга қаради.

— Уч йил бўлди, болагинам, халос бўлармикинман деб ётибман. Уч йилдирким шу бут олдида тиз чўкиб, ўғилларимга раҳм-шафқат қилишни, кишандан озод қилишни тинмай худодан тилаб ётибман. Уч йилдирким, шу дорлар орасида истиқомат қилиб, даҳшат, ваҳима, очлик билан бирга яшамоқдаман. Озодлик, севинч, тонгги ўғилларимга ҳам ўз ёғдусини сочармикин деган умиддаман.



## ХАЛИЛ ЖАБРОН

### БОНИЯЛИК МАРТА<sup>1</sup>

#### I

Отаси ўлганда у қиз ҳали бешикда эди; ўн ёшга кирмасдан онадан ҳам ажраб, қўшни қўлида қолди. Қўшниси ҳам анча камбағал, аёлманд одам эди, гўзал Ливан водийларининг аллақайси қишлоғида унинг бир парча ери бор эди; у хотини ва бола-чақасини шу еридан оладиган даромад билан боқарди. Отадан қизга ўз номи-ю, ёнғоқлар, тераклар орасидаги нураб турган бир кулба мерос қолган бўлса, онадан аччиқ кўз ёши-ю, етимлик қисмати қолган эди, холос. Қиз туғилган ерида ғарип эди, юксак чўққилар, қалин дараҳтлар орасида

<sup>1</sup> Бония — Ливанинг шимолидаги гўзал бир қишлоқ, исм шунга нисбатан берилляпти.

яккаю ягона эди. У ҳар куни тонг саҳарда туриб, жулдур кийими билан яланг оёқ, соғинди сигирни водийнинг этагига, серўт жойга ҳайдарди. Кейин у ердаги дарахт соясига ўтириб олиб, чумчуқлар билан бирга куйларди, ариқлар билан бирга йиғларди; ейдиган нарсаси кўп бўлгани учун сигирларга ҳаваси келарди, очилган гулларни тўйиб-тўйиб ҳидларди, ўтлоққа роса ағанарди. Кўн ботиб, қорни очгач, кулбаси томон қайтар ва у ерда васийликка олган кишининг қизи билан бирга ўтириб, апил-тапил зофора нон, озгина қоқи мева, ёғ, сиркалсанган резаворлардан еб оларди; кейин похолдан ўрин солиб, қўлини ёстиқ қилганича, хўрсишиб-хўрсишиб уйқуга кетарди. Қани энди унинг бутун ҳаёти тушсиз узоқ бир уйқуга айланса-ю, ундан ҳеч уйғонмаса! Лекин эрталаб васийнинг жаҳли чиқиб бақирганидан уйғонар, қўрққанидан бутун вужуди қалтираб турарди.

Бечора Мартанинг йиллари кўлу дараларда шундай ўтаверди. Қиз мисоли қамишдек ўтаверди, унинг қалбида эса, худди гул ичиди атири пайдо бўлгандек, тушуниб бўлмайдиган ҳислар пайдо бўла бошлади. Тушу фикрлар уни ҳеч холи қўймасди; фикри худди пода кечиб ўтган лойқа сувдек туман эди. Қиз жуда андишли, худди уруғ сочилимаган сахий тупроқдек, соғ, ҳали турмуш тажрибасини кўрмаган. Тақдир ҳукми билан қиз худди мана шу далада туғилган эди. Бу ерда ҳаёт оқими йил фасллари билан ўзгаради. Бу худди ер билан осмон ўртасида ўтирадиган тангрининг номаълум соясига ўхшарди.

Умримизнинг кўпчилик қисми серодам шаҳарларда ўтиб, Ливанинг бурчак-бурчагидаги дала ва қишлоқ аҳлининг қандай кун кўраётганини хаёлимизга ҳам келтиrolмаймиз. Ўзимиз ҳозирги маданият оқимига шунчалик берилиб кетибмизки, бу гўзал, оддий ва мусаффо ҳаёт фалсафасини томом унутиб қўйибмиз. Бора-бора уни тан олишга ҳам бўйнимиз ёр бермай қўйибди. Бунга диққат билан қараганимизда у ҳам табиат сингари баҳорда яшнашини, ёзда меҳнатини, кузда меҳнатдан йиққан ҳосилини, қишида эса роҳатини кўрган бўлардик. Булар шундай гардиши билан худди онамиз табнатига ўхшаб кетгандай бўларди.

Биз қишлоқларга қараганда пулдорроқ бўлсак ҳам, одамгарчиликка келганда улар биздан устун. Биз кўп нарса эксак ҳам, оз нарса йиғиб оламиз. Улар бўлса-чи,

нима экса, шуни йиғиб олади. Биз — истакларимиз қули бўлиб юрамиз, улар бўлса қаноат ўғли бўлиб юради. Биз ноумидлик, хавфу хатар, ҳамда зерикиш аралаш ҳаёт ко-сасидан ичсак, улар топ-тоза, тип-тиниқ чашмадан ича-дилар.

Марта ўн олти ёшга тўлди. Унинг вўжути ойнадек мусаффо, худди дала ҳуснини акс эттиргандай эди, юра-ги эса худди водийдаги ўнгирлар сингари эди, ундан чиққан овоз садоси жаранглаб қайтиб келарди.

Кунлардан бир кун, атроф табиатга кузак нафаси тўлган бир пайтда Марта худди шоирнинг хаёлий фикрлари каби ер бағридан отилиб чиқаётган булоқ ёнида ўтиради. Шунда Марта шамолнинг сарғайган дарахт барглари билан ўйнашаётганини кўриб туриб, ўлим ҳам инсон руҳи билан шундай ўйнашади-ку, деб ўй-лади.

Кейин у гулларга қараб туриб, уларнинг сўлиб қолиб, ўз уруғларини асраш учун тупроққа топширганини пай-қади. Инқилоб ва уруш пайтларида хотинлар ҳам гавҳар ва безакларини шундай қиласди. У гулу дарахтларга ти-килиб туриб, шундай ёзнинг ўтиб кетаётганига ич-ичидан қайғуради.

Бирдан тошлоқ томондан от туёғининг тақиллаши эшитилиб қолди. Ўгирилиб қараса, у томонга отининг жиловини бўшатиб, бир отлиқ келяпти. У башанг ки-йинган, ўзи ҳам келишган бир киши эди. Отлиқ чашмага яқинлашиб келди-ю, йўрға отидан тушиб келиб, Марта-га салом берди. Марта эркак кишилардан ҳали бундай ширин муомалани кўрмаган, уларга кўнкиммаган эди.

— Соҳилга борадиган йўлдан адашдим. Менга тўғри йўлни кўрсатиб юборолмайсанми, яхши қиз? — деди.

Марта шамшотдек қаддини кўтарди. Кейин у:

— Билмайман, ҳазратим, лекин мен уйга бориб ва-лийимдан сўраб келай, у билади.

Марта шундай деди-ю, бироқ унинг қўрқиброқ айтга-ни билиниб туради. Ундаги иффат ва латофат ҳуснига ҳусн қўшиб, қизга гўззалик бахш этарди.

Қиз кетаман деб одимлаган эди, ҳалиги киши тўх-татди. Йигитлик мастилиги томирларини ўйнатиб юбор-ди, кўзлари чақнаб кетди.

— Йўқ, кетма!

Марта ҳайрон бўлиб тўхтади. Йигитнинг амирона сўзларидан у ҳанг-манг бўлиб қолди.

Марта хижолат ичида йигитга қараган эди, унинг ўзига тикилиб турганини кўрди. Йигит қизнинг бошдан оёғига разм солиб турарди. Йигит қизга лутф билан бўқиб, сеҳрли бир жилмайган эди, қиз кўзида ёш пайдо бўлди. Йигит бўлса, қизнинг чиройли яланг оёқларига, хипча бели-ю, момиқдай томоқларига, қалин, майнин сочлари-ю, офтобдан қорайиб сармағиз бўлган бадани, бақувват, нозик билакларига тикилиб қолди.

Қиз хижолатдан ерга тикилди. У кетишни ҳам билмас, тили ҳам гапга келмай, турган жойида қотиб қолди.

Уша куни оғилхонага сигирнинг якка ўзи келди. Марта уйга қайтмади. Валийси даладан қайтиб, воҳаларга бориб, Мартани у ерда роса қидирди, ҳеч тополмади. Отини айтиб ҳам чақирди, лекин овознинг ғорларга уриниб чиққан акс садоси, дарахтлар орасидаги шамоллар ғувуллашидан бўлак ҳеч нарса эшитилмади. Ота хафа бўлганича кулбасига қайтиб келди, воқеадан хотинини хабардор қилди. Хотини бўлса, туни бўйи йиглаб чиқди. Қейин кўнглидаги ташвишини эрига айтди.

«Бир туш кўрдим, Марта бечора ваҳший ҳайвон чаңгалида эмиш. Йиртқич бўлса унинг танини бурда-бурда қилиб юборганимиш... Марта-чи дам кулармиш, дам йифлармиш».

\* \* \*

Бу гўзал қишлоқда кечган Марта ҳаёти ҳақида билган нарсаларим мана шу. Буни менга бир қишлоқлик мўйсафид киши гапириб берган эди. У чол Мартани гўдаклигидан билар экан, ҳатто у қиз йўқолмасдан бир кун бурун ҳам уни ўша жойда кўрган экан.

Васий хотини тўккан озми-кўпми кўз ёшлар, дала-ю даштни елиб бир зумда ғойиб бўладиган енгил тонг шабадаси каби юрак эзувчи эслашлар, бариси ўтди-кетди. Ёш болаларнинг дераза ойнасига куҳлаганига ўхшаб изсиз, ғойиб бўлиб қолди.

## II

1900 йил кузи келди. Институт ёзги каникули ўтгач, мен Ливаннинг шимолига қилган сафаримдан Байрутга қайтиб келдим. Дарс бошлангунгача роса бир ҳафта ошналарим билан шаҳарни сайр қилиб юрдик; институтда ҳам уйда ҳам сиқилиб юрган болалар орзу қил-

ган эркинликларига тамом эришиб, роса оёқларининг чиғилини ёзишди. Биз худди эшиги очилган қафасдаги қушларга ўхшардик. Тўрт томонимиз қибла, қаёққа истасак борамиз, хоҳласак ашула айтамиз. Ёшлик — ширин бир тушдай нарса экан. Китоблар унинг бутун қаймогини ўғирлаб, туман босган бедорликка айлантиради.

Ёшлик туши билан маърифат лаззатини бир-бирига яқинлаштирадиган кун келармикин? Ё шунга ўхшаб, нафрат қалблари билан азоб бирлашиб кетармикин? Кунлар келиб, табиат инсон боласига муаллиму, инсаниятлик — қонун, ҳаётнинг ўзи эса инсон учун мактаб бўлармикин? Шундай кун келармикин? Бундай кун келишини биз билмаймизу, лекин руҳий ўсув тараққиёт томон суръат билан интилаётганимизни сезиб турибмиз. Руҳий тараққиёт эса вужудимиз ҳисси билан коинот жамолини идрок қилишдир, саодатга эришиш эса, шу жамолга бўлган муҳаббатимиз орқали бўлади. Бир куни кечки пайт эди, мен айвонда ўтириб, шаҳарнинг тинимиз майдонини кузатиб ўтирадим. Кўчалардаги саводогарлар ўз молларини мақтаб, харидорларни бақириб-чақиришлари қулоққа барала эшитилиб турарди.

Шу пайт ёнимга чамаси бешларга борган бир бола келди. Боланинг усти-боши титилиб кетган, жулдур эди. Унинг елкасида эса гулдасталар солингган савати бор эди. Бола хокисорлик билан овозини пасайтириб секингина:

— Жаноб, гулдан олмайсизми? — деди.

Мен боланинг заъфарон юзига қарадим. Унинг киртайган кўзлари одамга жавдираб қараб турар, оғзи эса бир оз очилиб, ағрайиброқ қолган, худди юрагида чуқур алам жароҳати бордай эди. Унинг яланг билаклари, озғин, ингичкагина қомати ва саватдаги гулга эгилиб туриши худди ям-яшил барра ўтлар орасида сўлиб қолган сариқ гулга ўхшаб кетарди.

Мен унинг мана шу аҳволига қараб ўйланиб қолдим. Унинг шу турқига қараш, кишида шафқат қулкиларини уйғотарди, лекин бу кўз ёшининг амри эди. Бу қулкилар қалбимизнинг ич-иҷидан чиқиб келган кўз ёшидан ҳам аччиқ эди. Агар биз уни тарқ қиласак, унинг аламидан юрак ёнар, хўрлигинг келганидан кўз ёш тўкасан киши.

Кейин мен ундан бир неча гул сотиб олдим. Шундай қилдиму бола билан гаплашгим келиб қолди. Чунки боланинг ғамгин боқишиларида, бечора кичик қалбида

қайғу ва аламлари, камбағалларнинг доимо бошидан аримайдиган кулфат ва машаққатли кунлари яшириниб турарди. Лекин бу аҳволни ҳамма ҳам ўйлаб, бошини қотира қолмайди, чунки буларни мушоҳада қилиш юракни қаттиқ эзади.

Мен болага мулоийм гапирганимдан кейин, у менга ишонинқираброқ қаради ва мен билан қалинлашиб қолди, лекин кўз қарашлиридан ажаблангани сезилиб турарди. Чунки бу ҳам, ўзи сингари камбағал чувриндиларга ўхшаб, дағал муомаладан бошқани кўрган эмас эди.

Кўча-кўйларда тентираб юрган болаларга паст назар билан қараш, уларни инсон ўрнида кўрмасликларига, тақдир ўқи теккан кичик жонларини топташларига бола кўнишиб қолган эди.

Мен боладан:

— Отинг нима? — деб сўрадим.

У жавоб берганида икки кўзини ердан олмасди.

— Фуод:

— Кимнинг ўғлисан? Отанг ким?

— Мен бониялик Мартанинг ўғлиман,— деди.

— Отанг қаерда? — дедим.

Бола «ота» сўзининг маъносини тушунмагандай, гаранг бўлиб, бошини қимирлатди.

— Онанг қаерда, Фуод? — дедим.

— Тоби йўқ, уйда ётибди,— деди у.

Боланинг оғзидан чиққан бу сўзлар фикримни чулғаб олди; қулоғимдан кириб, юрагимни тимдалаб кетди, кўз олдимга эса ҳасрат ва надоматли манзарани келтириб қўйди. Чунки мен шу заҳоти бу болани бечора Мартанинг ўғли эканини билиб олдим. Мен Марта ҳақидаги воқеани ўша қишлоқликдан эшитган эдим. Ҳозир бўлса, Марта Байрутда, у касал бўлиб ётибди. Куни кеча водий дарахтзорлари орасида дадил кезиб юрган ўша қиз бугун келиб шаҳарда йўқчилик ва очлик азобини чекиб ётибди. Бу бечора етим қиз, табиат қучоғида ўсиб-улғайиб, гўзал далаларда пода боқарди, эндига келиб қинғир жардан шу ифлос маданият дарёсига қулаб тушди ва муҳтоҷлик билан баҳтсизлик балосига гирифтор бўлди.

Мен бу нарсаларни ўйлаб, хаёлга чўмиб кетибман, бола бўлса, худди дилимдаги барча қайғуларимни ўзининг покиза қалб кўзи билан кўриб тургандай, менга тикилиб турарди.

Бола кетмоқчи бўлган эди, мен унинг билагидан тутиб тўхтатдим.

— Мени онанг олдига олиб бор, уни кўрмоқчиман,— дедим.

Бола ажабланганича, индамай олдимга тушди. Бақти-вақти билан у менинг келаётган-келмаётганимни кўрмоқчи бўлиб, ўгирилиб қараб қўярди. Мен шу аҳволда боланинг кетидан кетавердим.

Биз ҳавосида ўлим нафаслари сузиб юрган ифлос, жин кўчалар, қоронғилик зулмати тушиши билан бадхулқ одамлар ўзларининг ёмон ниятларини амалга оширадиган эски манзиллар, худди қора илон изига ўхшаб гоҳ ўнг, гоҳ сўлга кетадиган тор кўчалардан кетиб борардик.

Вужудимни қўрқув қоплаб, бола кетидан кетавердим, у эса мендан сал нарироқда борарди. Бола довюрак эди, шаҳарда ёмон одамларнинг борлигидан ҳайиқмас ҳам эди. Бу тоифаларни шарқликлар — суря келини, сultonлар тожининг дури деб чақирадилар.

Шундай қилиб биз ўша манзилнинг охирига етдик. Шунда бола пастаккина, кўп йиллар қаровсиз қолиб, нураб кетган бир уйга кирди.

Бола кетидан мен ҳам кирдим. Уйга яқинлашган сарим юрагим уриши тезлашарди. Ниҳоят, мен уйга кирдим ва бир захгина кулбанинг ўртасида туриб қолдим. Уйда ўзининг сариқ ёғуси билан қоронғилик зулматини бузиб турган нурсизгина чироқдан бошқа на бир жиҳоз бор, на бир асбобу ускуна. Фақат ғарибгина бир каравот азоб-уқубатлар ва қашшоқлик эвазига берилгандай эди.

Қаравотда бир хотин ухлаб ётарди. У юзини девор томонга ўгириб ётар, худди олам золимларидан бекингандек, ёки худди одам қалвидан кўра тошлар орасидан унга шафқатли ва меҳрибон қалб топилгандек эди. Бола унга яқинлашиб, «Ойи!» деб чақирган эди, хотин унга ўгирилди. Бола онасига мени кўрсатди. У мен томонга боқди. Қейин увадаси чиққан кўрпа орасидан қўзғалиб, ингичка овоз билан бутун руҳий азоб ва аламидан бир уҳ тортиб, деди:

— Нима керак сенга, эй, одам! Нима, ҳаётимнинг охирги дақиқаларини сотиб олиб, ифлос мақсадларинг билан булғамоқчимисан? Йўқол, менинг олдимдан! Кўчалар ўз нафс ва танларини арzonга сотадиган хотинлар билан лиқ тўлиб ётибди. Лекин менда сўнгги нафасла-

римдан бошқа сотадиган нарса қолмади, униям яқинда қабрдаги роҳатим учун ўлим сотиб оляпти.

Мен хотин ётган каравотга яқинлашдим. Унинг сўзлари юрагимда қандайdir алам пайдо қилди; унинг бу гаплари ўз ҳаётидан ҳасрат билан қилинган қисқа ҳикоя эди.

Мен ўз истагим ва бутун ички ҳаяжонларимни шу сўзларни айтиш билан билдиридим:

— Э, Марта, мендан хавфсирама! Мен сенинг олдинга кўзи оч ҳайвонсифат бўлиб келганим йўқ, балки, қайғунгни билган инсон сифатида келдим. Мен ливанликман. Бир қанча вақт ўша водийларда, кедрзорларга яқин қишлоқларда яшаганман. Мендан кўнглинг тинч бўлсин, Марта!

У менинг бу сўзларимни эшилди. Сўзлар юрагимнинг ич-ичидан чиқаётганини, Марта билан бирга азоб чекаётганимни сезди. Худди қиши шамоли олдидан тушган япроқларга ўхшаб қалтираб, ўз қилмишларидан уялди шекилли, ўтмишдаги даҳшат ва ҳаловатли, аччиқ ва гўзал кечмишини яширмоқчи бўлгандай қўлини юзига тортиб бекитди. Орага бир оз жимлик чўкди, хотин оғир нафас ола бошлади. Шундан сўнг, хотиннинг қалтираган икки кафти орасидан юзи кўринди. Мен унинг кўзига қарадим: киртайиб ич-ичига тортиб кетган, кўзлари шипнинг аллақаеригадир маъносиз тикилиб турарди. Унинг қақшаган лаблари қалтирас, томоғидан хириллаб чиқсан овозни чуқур-чуқур инграшлари бўлиб-бўлиб турарди. Хотин шикоят ва илтимос тарзида, нолайи зорини қилиб, заифлик ва аламдан қайнаб шу сўзларни деди:

— Сен менинг олдимга одам қадрини биладиган мушфиқ кимса сифатида келибсан. Агар яхшилик гуноҳли хатони, салоҳият разилликни ювиши рост бўлса, худо хайрингни берсин. Лекин сендан илтимосим шу: қаердан келган бўлсанг, ўша ерга жўна, чунки сенинг бу уйда бир оз бўлса ҳам туриб қолишинг шаънингга доғ туширади. Сен менга меҳрибончилик қиласман деб, ўзингга мазаммат ва ҳақорат орттирасан. Сени тўнғиз теккан бу ифлос уйда бирор кўрмасидан олдин, дарров жўнаб қол. Тезроқ кет! Ташқарида юзингни бекитиб ол, йўловчилар кўрмасин. Сенинг сидқидилдан қилмоқчи бўлган меҳршафқатинг менга поклигимни қайтариб бермайди, менинг гуноҳ айбимни кечолмайди, ёқамдан тутган бақувват ўлим қўлини ушлаб қололмайди. Бахтсизлик ва гу-

ноҳлар ҳукми билан мен мана шу қоронғи чуқурга гирифтор бўлгайман. Шафқат қилиш билан номингни булғашдан ўзингни асра.

Мен бўлсан, моховга ўхшаб, қабр ичида ётибман. Менга яқинлаша кўрма, бўлмаса, одамлар сени ҳам ифлос деб, ўзини сендан нари олиб қочади. Ҳозироқ жўна! Уша муқаддас водийларда менинг номимни эслама! Чунки подани бузмасин деб, чўпон қўтириб қўйни ҳайдаб юборади. Борди-ю, агар мени ўша ерда эслаб қолсанг, бониялик Марта ўлди, деб қўя қол, бундан бошқа нарсани гапирма...

Кейни у ўғлининг жажжигина қўлларини ушлаб, иккаласини ошиқиб ўпди ва оғир нафас олиб давом этди:

— Одамлар менинг ўғлимни масхара қиладилар, уни таҳқирлайдилар. Улар бу ҳароми бола, бу Марта бузукнинг ўғли, шармандинг ўғли, бу беспадар, деб ҳақорат қиладилар. Улар менинг бу болам ҳақида гапириб бундан ҳам ошиб тушадилар. Чунки уларниң ҳаммаси ҳеч нарсани кўролмайдиган кўр, ҳеч нарсага фаҳми етмайдиган нодон. Ахир унинг онаси шу боласини деб ўз баҳтидан кечди, шу йўлда номусини қурбон қилди-ку. Мен ўламан, етим боламни кўча-кўйга ташлаб кетаман. Бу даҳшатли ҳаётда болам якка қолади. Мендан унга даҳшатли хотирадан бўлак ҳеч нарса қолмайди. Агар у қўрқоқ бўлса, хижолат тортади, агар шижаот ва адолатли бўлса, бу хотиралар унинг қонини қайнатиб, ҳаяжонга солади. Агар бола омон бўлиб, забардаст одам бўлиб етишса, унинг онаси ва ўзига маломат ўтини ёғдирган, хонинлик қилган киши билан курашишига худо мадад берсин! Агар ўлиб, бу тузоқдан қутулиб қолса, мени доғ ва жиноят бўлмаган, нур ва роҳат бўлган жойдан қидириб топади!

— Эй, Марта, сен қабрлар орасида ётган бўлсанг ҳам, лекин сен мохов эмассан,— дедим мен унга.— Юрагим шуларни айтишни буоради,— ҳаёт сенинг олдингга ифлосликни келтирган бўлса ҳам, сен булғанимагансан, сенинг пок қалбингга жасад ифлослиги тегмабди, ундаги ҳаёт уруғини қуритмабди.

Ахир ҳаёт, ғам-ҳасрат хирмонидан ўзга нарса эмасдир, қайғу хирмонидан бошқа нарса эмас-ку. Лекин хирмонидан четга тушган бошоқлар ҳолигавой! Бундай бошоқлар қурт-қумурсқаларга ему, паррандаларга дон бўлиб, ер эгасининг омборига тушмайди. Сен мазлумасан,

**III д.** Сенинг золиминг — нуқсон фарзанди, давлат кўп, вижданни йўқ. Сен мазлумасан, сени ҳақорат қилиндилар. Лекин сен сира ранжима, инсон учун золим бўлгандан кўра, мазлум бўлган афзалроқ, куч-қувватга тулиб хаёт гулларини топтагандан кўра, ўзларининг бемаша истаклари йўлида соф вижданларни йўлдан оздиргандан кўра, табиат гарди, ожизлик шаҳиди бўлиб, адо бўлган яхшироқ.

Эй Марта, виждан илоҳийлик занжиридан тушган олтин ҳалқадир. Бу ҳалқа иссиқ оловда эриб, шаклини ўзгартади, унинг гўзал шакли бошқача тус олади. Лекин олтин ўз тусини ўзгартиб, ҳеч маҳал бошқа моддага айланмайди, балки унинг шўъласи борган сари ортаверади. Э воҳ бечора ўтлар! Олов ёндириб, кул қилади, шамол бўлса қулини чўлу биёбонларга совуради. Эй, Марта! Сен ҳайвонсифат одам башарали киши оёғи остида эзилган гулсан. Ўша раҳмсиз сендай гулни этиги билан шафқатсиз янчидан ташлабди.

Лекин бу хорлик атринг барқ уришини камайтирма-гандек, кўкка, адл ва шафқат маконига қилинган бевалар оҳу зори, етимлар нола-гиряси, камбағаллар муножоти беҳуда кетмайди. Қўй, ўқинма, эй, Марта! Сен оёғи остида эзилган гулсан, лекин гулни топтовчи эмассан!

Мен гапиракманман, у ҳамон сукут қилиб, гапларими ни эшитар, сарғайган ранглари худди ғарбга ботаётган қуёшнинг латиф нурларида булутлар момиқдай бўлиб тургандай, борган сари оқара бошлади. Кейин у мендан, каравоти ёнига ўтиришимни илтимос қилди. Нима дер экан деб, унинг ёнига ўтирдим. Унинг юзига тикилиб, дилида яширин бир дардини айтишдан андиша қилиб турганини пайқадим. Унинг юзи ўлимини кутган одам юзига ўҳшарди. Қизнинг кўринишидан эндигина умр баҳори бошланганини кўриш мумкин эди. Ўзининг увадаси чиққан тўшагида ётиб, у худди ажал қувиб келаётганини сезгандай эди. Бу бечора аёлга тикилиб туриб, унинг куни кечагина Ливанинг ҳаёт тўла гўзал водийларида ўйнаб-кулиб юрганини эсладим. Бугун эса шундай қувноқ қиз хору зор бўлиб, ҳаёт кишанидан қутулишни пойлаб ётибди.

Орадан кечган бир неча таъсири сукунатдан сўнг, Марта бор кучини йиғиб, гапира бошлади. У билан бирга кўз ёшлари ҳам гапиравар, жони эса нафаслари билан бирга чиқиб кетгандай эди:

— Ҳа, рост, мен мазлумаман. Мен инсон қиёфасидаги ҳайвон шаҳиди — қурбониман. Мен оёқ ости бўлган гулман.

Мен ўша булоқ бошида ўтирганимда, у киши отга миниб ўтиб қолди... У мен билан жуда мулојим ва меҳрибонларча гаплашди. У менга, сен гўзалсан, мен сени севаман, ҳеч қачон сени ташлаб кетмайман, деди. Бу дала жойлар ваҳшнийлар билан тўла, водийлар эса, парранда, чиябўрилар маскани... Кейин у менга ўгирилиб, мени бағрига босиб ўпди. Бу вақтгача мени ҳеч ким ўпмаган эди. Мен ўпич завқини билмас эдим, чунки мен ҳеч ким назар-писанд қилмайдиган етим қиз эдим... Шундан сўнг орқасига мингаштириб, мени кимсасиз бир ясатилган уйга олиб келди. У менга шоҳи кийимликлар, хушбўй атиrlар, лаззатли овқатлар, ширин ичимликлар келтирди. У шундай қилаётганида ҳамма вақт ширин сўзлар эди, иззат-икром кўрсатиш пайида эди. У ўзининг шундай ширин сўзи ва ишқу муҳаббати замирида ўзининг ёмон ниятларини, ҳайвоний истакларини яшириб турган экан. У менинг танамдан ўз шаҳватини қондирганидан ва мени ор-номусда қолдирганидан кейин тапти зўр қийноқ алангаларида юрагимни куйдириб, ташлаб кетди. Бу алангалар борган сари мени ёндириб адо қиляпти.

Мен қийноқ тутунлари орасидан чиқиб, фарёд йўлла-  
ри билан юриб, мана шу кўйга тушдим... Шундай қилиб,  
ҳаётим икки бўлакка бўлинниб кетди; бири — заиф, алам-  
ли, бошқаси эса ўзи кичик, лекин кенг фазоларга қай-  
тишни сўраб жимжит кечалари нола қилиб тинмайди-  
ган... Уша золим мени мана шу кимсасиз уйда гўдак бо-  
лам билан ташлаб кетди. Биз очлик, совуқлик ва якка-  
микда азоб-уқубат чекиб адо бўлдик. Бизнинг йиғи ва  
жўз ёшидан бўлак нарсамиз йўқ эди. Кўрқув ва даҳшат-  
лан бўлак ҳамдамимиз йўқ эди. Унинг дўстлари, мен ту-  
радиган жойни билишибди. Улар ҳам менинг ожиз ва  
имсасизлигимдан хабардор эди. Шундан сўнг бирин-  
шетин кела бошлашди. Уларнинг ҳар бири ҳам номусим-  
ши мол билан сотиб олар, танимни кўриш шарафига эса  
он бериб эришарди... Э воҳ! Неча марталаб руҳимни ўз  
ўлим билан агадийликка топшириш учун чоғландим.  
Ахир мен дунёда бир ўзим учунгина  
намас эдим-да. Ҳаётда ўғлим ҳам менга шерик эди.  
Иқдир мени у пок ҳаётдан бу жаҳаннамга улоқтирга-

нидек, уни ҳам мана шу тубан ҳаётга итқитиб юборган эди. Бу жаҳаннам қаърида у менга якка-ягона ҳамроҳим эди. Мана энди менинг вақти-соатим битди. Менга энди ўлимим ҳам яқинлашиб келяпти. У, ҳижрондан кейин, мени юмшоқ тӯшакка элтиш учун келяпти.

Орага чуқур сукунат чўқди. Бу худди пашша ғинг этса арвоҳ чўчиб, учиб кетадиганга ўхшарди. Марта ўлим кўланкасида юмилиб турган мажолсиз кўзини очди. Кейин оҳистагина гапирди:

— Эй, сен, бу бевафо дунё тепасида яширинган адолат! Сен... сен менинг виждоним нолаларини, осий қалбим нидоларини эшитяпсанми?! Фақат сенга битта ўтинчим бор. Сенга ёлвораман! Менга раҳм қилгин, ўғлимни паноҳингда асраб, руҳимни тинч қўйгин!

У ҳолдан тойди, нафаси бўшашди, ғамгин ва ачиниш туйғулари билан ўғлига тикилди, кейин кўзини секингина ундан олиб, эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Эй, осмондаги отамиз!.. Онт ичиб айтаман: Сенинг номинг муқаддас! Майли, юбор Аэроилингни, келсин! Осмонда хоҳлаганинг бўлганидек, ерда ҳам сенинг хоҳганинг бўлсин.

Унинг овози бўлинниб қолди, лекин лаблари ҳамон қимиirlаб турарди. Кейин у ҳам ҳаракатдан тўхтади. Танаси бир зўр ҳаракатга келиб чўзилди, сўнг чуқур бир нафас олди, юзлари оқарди; жони чиқди. Унинг очиқ кўзлари маъносиз тикилганича қолди.

\* \* \*

Тонг саҳарда бониялик Мартанинг жасадини икки фақир киғуи тахта тобутга солиб, елкасига кўтарганича, шаҳардан анча нари ташландиқ бир дала жойга элтиб дағн қилиб келишди. Ибодатхона коҳинлари унга жаноза ўқишидан ҳам воз кечибдилар, қўрққанларидан қабрга салб қўйишга ҳам йўл қўймабдилар.

Уни ўша узоқ жойдаги гўрига ўғли ва бу ҳаёт мусибатларини тўла тушунган бошқа бир йигитдан бўлак ҳеч ким кузатиб қўймабди.



## ВАРДА АЛ-ХОНИЙ

### 1

Кимда-ким бир қизни севиб, уни ўзига ҳаётай дўст деб танлаб олса-ю, унинг қадамига ўзини поёндоз қилиб, бутун бор-будини, меҳнат самараларини, топган-тутганларини, то юрак қонигача унинг олдига келтириб тўкиб ташласа-ю, бирдан кунузукун жон-жаҳди билан қилган меҳнати, уйқусиз тунлари эвазига дилини овламоқчи бўлган севгилисининг юраги бошқа бир кишига берилган бўлса ва ағёр у гўзал майлини билиб, унинг маҳфий кўнгил торларини чертса, севгисидан баҳри-дили очилса, бундай эрнинг бахтсиз бўлгани шу бўлади.

Бепарво ёшлик уйқусидан уйғонган хотин, ўзини молу дунёси кўп ва беҳисоб совға-саломлар бериб, ҳурмат қиласидан ва улфатчиликни ўрнига қўядиган, лекин унинг

қалбидә ҳароратли севги шўъласини пайдо қилолмаган, тэнгри эркак кўзидан хотин қалбига қуядиган самовий шароб билан руҳини қондиролмаган кишининг уйида кўрса, бундай хотиннинг баҳтсиз бўлгани шу бўлади.

\* \* \*

Рашидбек Нўймонни ёшлигидан билардим. У лубнонлик<sup>1</sup> эди, асли Байрут шаҳридан; у шу ерда туғилган, уйи ҳам ўша ерда эди. Рашидбек ўзининг аждодларини эслаб ҳурматини бажо келтирадиган ва улар обрўсини муҳофаза қиласидиган қадимги бой оиласалардан чиққан эди. У ўз ота ва боболарининг аслзодалардан чиққанликлари ҳақидаги гапларга ишқибоз эди, уларнинг майшат ва одатларига тақлид қилиб, эътиқодларига эргашар, эскичасига ажойиб-ғаройиб бўлиб кийиниб юрар эди. Унинг бу феъли-автори худди бир маҳаллар шарқ осмонидаги қузғунлар галасининг bemalol қанот қоқиб учид юрганига ўхшарди.

Рашидбек кўнгли юмшоқ, хушфеъл одам эди. Лекин, Сурияning кўпчилик одамларига ўхшаб, нарсаларнинг ташки кўринишига эътибор берар, унинг ички моҳиятига назар солмас эди. У ўзининг кўнгил торларига қулоқ ҳам солгиси келмас, аксинча, ўз теварагида бўлиб турган миш-миш овозаларни эшитишга жон қулоги билан банд бўларди. Ҳаёт сирларининг қоронги томонлари унга ҳеч кўринмас, ҳаётнинг фақат ясатилган ва гўзал жиҳатларигина майлини орттириб, ишқибозлигини қўзғарди. Унинг махфий табиати идрок қилиб, ўзини йўлга солишидан кўра вақтинчалик лаззат олиш мулоҳазасига келтириб қўйиши аниқроқ эди. Бу киши, одам ва нарсаларга ўзининг муҳаббат ёки нафратини билдиришга ошиқадиганлар тоифасидан эди. Бундайлар ўзларининг нафрат ё хайриҳоҳлигини ўйламай-нетмай олдинроқ одамларга билдириб қўйиб, кейин вақт ўтиб, ўзларининг бу ишлари масхара ва истеҳзога сабаб бўлгани ва натижада кечириб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолгандан сўнгина шошилганиларига афсус ва надоматлар қиласидилар. Мана шундай сифат ва феъл-авторлар, Рашидбекни то бирбирига кўнгил бериб, эр-хотинлик турмушининг лаззати бўлмиш ҳақиқий муҳаббат соясида ором олгунга қадар Варда хоним билан яқинлашишига сабаб бўлди.

<sup>1</sup> Лубон — Ливан.

\* \* \*

Байрутдан чиқиб кетганимга бир неча йиллар бўлган эди. Шаҳарга қайтиб кёлганимдан кейин, Рашидбекни зиёрат қилгани бордим. У озиб, чўп бўлиб кетибди, ҳасратдан рангларида ранг қолмабди, кўзлари киртайиб, ичичига тушиб, қайғули тус олибди. Кўзларини пирпиратиб, одамга жавдираб қарашлари, бошига оғир савдо тушганидан, дили садпора бўлганидан алам билан гапиргандай бўларди. Мен алламаҳалгача унинг ён-верисига назар солиб турдим, лекин у ерда унинг бунчалик хокисор бўлганига бирон сабаб тополмадим. Кейин мен ундан сўрадим:

— Нима бўлди, ошиа, суқсурдек юзларингдан нур томиб, кулиб туришларинг қани? Ёшлигингда лабингдан аrimайдиган хандои уришлар қаерга кетди? Нима бўлди, ё ўлим сени азиз дўстингдан айирдими? Ё ёруғ кунда топган молу дунёнингни қоронги тунлар ўфириладими? Дўстлигимиз ҳақи айтгин, бошингга не кулфат тушди, нега ранги-рўйинг бир ҳолатда бўлиб қолди?

У таассуф билан менга қаради. Унинг қарашида умрининг ширин ўтган ҷоғларини, кейинчалик қоронги кунларга қолганини эслагани сезилиб турарди. Унинг овоздида кўнгил ҳаяжонлари мавж уриши, қатъий умидсизлик оҳангি ҳукмрон эди. У секин гапга тушди:

— Агар киши азиз дўстини йўқотса, теварагига қараб, кўп дўстларини топади, шу билан у бирмунча таскин топиб, сабр қиласи. Агар инсон молу дунёсини йўқотса, бир оз фикр юргизса, куч йиғиб, молини топиб олади. Шу билан у яна аслига тушиб қайғусини унутади, кўнгли тасалли топади.

Лекин киши хотиржамлигини йўқотса, уни қаердан топади-ю, унинг ўрнини нима босади? Ўлим сенга қўл узатиб, тирибонингдан тутса, бошингга кулфат тушади, Лекин кеча-кундуз ўтиб кетаверар экан, бора-бора сенга ҳаёт панжалари тегиб, лабингга табассум келиб, ўзинг хурсанд бўлар экансан. Лекин шунда пешонангдаги кўргулигинг қўйқисдан йўлингни тўсади, косасидан чиқиб кетаёзган думалоқ кўзлари билан сенга бақрайиб қарайди, томогингга чангл солади, сени даҳшат билан улоқтириб, ерга уради, темир панжалари билан эзади, кейин қаҳ-қаҳ урганича жўнаб қолади. Сал ўтмай қошингга қайтиб келиб, кечирим сўраб, яна сен билан

қадрдон бўлиб кетади, мулойим қўллари балогардон бўлади, сенга умид қўшигини куйлади, кўп мусибатлар ва аччиқ аламлар кетиб, сени хурсанд қилади. Қоронғи тушиши билан қаршингда пайдо бўладиган бекорчи ҳаёллар тонг ёришиши билан чекинади, сен бўлсанг, ўз ният ва мақсадларинг томон азм этишга журъат қиласан. Лекин сен севган ва юрак қонинг билан боққанинг, кўзинг қорачифидек асраганинг, қалбингдан жой берганинг — пешона шўринг бўлган шу қуш қўлингдан пир этиб чиқиб, осмонга учиб кетса-ю, сен унинг учишига маҳлиё бўлиб эс-хушингдан айрилиб қолаверсанг... У эса учганча учиб, борса келмас бир ин олдига қўнса, жон дўстим, айт-чи, шунда нима қилардинг, қани менга айт-чи, нима қилардинг, қаердан сабру тоқат топардинг, ўлган умид ва орзуларингни қандай қилиб тирилтирадинг?

Рашидбекнинг охирги сўзлари бўғилиб, дард ва алам билан чиқди. У худди қаттиқ шамолда силкинган қамичдек, дилдирап, әгилган панжалари билан худди бирон нарсани чанглаб олиб, бурдаламоқчи бўлгандай, қўлини олдинга чўзиб, қалтираб турарди. Унинг юзига қон югурди, ажин босган юзига ранг кирди, чақчайган кўзлари киприк қоқмай, бир нуқтага тикилиб турар, гўё ўз олдида ғойибдан ўлдириш ниятида келган Азроилни кўраётгандай эди. Кейин у менга қаради. Бу вақтда у жаҳл ва ғазабдан тушиб, юз ўзгаришлари бирмунча мулойимлашди, чеккан азоби ва ички дард-аламидан йиғлаб, деди:

— Мана шу хотинни қаранг: мен бу хотинни фақирлик кишанидан қутқарган эдим, олдига бор-будимни, барча хазиналаримни қўйган эдим, қиммат баҳо кийимликлар, безаклар, ясатилган от-увовлар, барини тахт қилиб қўйган эдим. Ҳатто шу нарсалар учун хотинлар унга ҳасад қиладиган бўлдилар. Мен бу хотинни жонимдан яхши кўрардим, топганимни унга пояндоз қилардим, ўзимни фидо этиб, совға-саломларни канда қилмасдим. Мен бу хотиннинг содиқ дўсти, муҳлис ўртоғи, меҳрибон эри эдим, у бўлса менга хиёнат қилиб, мени ташлаганича бошқа бир кишининг уйига кетди. У ўша ерда у билан фақирликда кун кечиришга, унинг орлик билан топган нонини, хору зор бўлиб топган сувини баҳам кўришга кетди. Мен у хотинни жуда яхши кўрардим, у менинг гўзал қушим эди, мен уни қалбим донлари билан боқар-

дим, шу қушим, қарабсизки, қўлимдан чиқиб, чақиртикан ўралган бошқа бир қафасга учиб кетди. Ўнда қушим қурт чўқиб, заҳар ичади. Севгим ва меҳрим боғидан жой берган соғ фариштам даҳшатли шайтонга айланиб, ўз гуноҳлари учун азоб чекишга, жинояти билан азоб беришга зулмат қаърига тушиб кетди.

Рашидбек жим қолди. У қўллари билан юзини бекитишга уринар, у, бу қилифи билан худди ўз-ўзидан бекинишга ҳаракат қилаётгандай эди. Қейин бир хўрсишиб айтди:

— Мен сенга айта оладиган гапларим мана шу! Бундан бошқа нарсани мендан сўраб ўтирма, дардимни қўзғама, қўй, соқовдек жим тура қолсин, зора жимлик зўр келиб, мени адо қилса-ю, доимий роҳат бахш этса.

Мен ўтирган жойимдан турдим. Ўпкам тўлиб, дувдув кўз ёшларим ёноқларимдан қуйилар эди. Мен индамайгина у билан хайрлашдим. Чунки мен унинг жароҳатли қалбига малҳам бўладиган сўз, унинг зулматда қолган аҳволига зиё бўладиган ҳикмат шўълаларини тополмас эдим.

## II

Бир неча кунлардан кейин мен биринчи марта Варда хоним билан учрашиб қолди. Варда ал-Хоний бир кўримсизгина, лекин теварагида гулу дарахтлари бор ҳароб уйда турар экан. Варда Рашидбек Нўъмоннинг уйида менинг отимни ҳам эшитган экан. Мана шу хотин ўшандай олижаноб киши юзига оёқ қўйган, муҳаббатини поймол қилган, яна уни хору зор этиб, чала ўлик қилиб, ташлаб кетибди. Мен унинг чақнаб турган кўзларини, жонга оро берадиган хушвазини эшитиб, ўзимга-ўзим савол бердим: «Шундай хотин қанақасига ёмон бўларкин? Наҳотки шундай нуроний, чеҳраси очиқ аёлда ифлос виждон, эгри кўнгил яширинган бўлса? Эрига хиёнат қилган хотин шумикин? Наҳотки, ўша мен гўзал тусли қуш жисмида яширинган бадбашара илонга ўхшатиб, тасаввур қилмоқчи бўлганим, мана шу хотин бўлса? Наҳотки, неча марта лаб ичимда уни ёмон деб, ноҳақ айблаб порганим мана шу бўлса? Лекин мен у фикрлардан қайдим ва ўзимга-ўзим секин пичирлаб қўйдим: «Ахир ўшандай киши ранги-рўйини сарғайтирган шундай гўзал юз бўйлмай, ким, қани айтинг-чи?

Ахир, ташқи гўзалликлар кишига битмас-туганмас мусибатлар солганини, чуқур, аламли қайгулар келтирганини эшитиб, кўрмаганимизми? Ахир, шоирларга ўз чиройи билан илҳом баҳш этадиган ўша ой, сув кўтарилиши ва пасайишига сабаб бўлиб, тўлқини билан денгиз тинчлигини бузувчи эмасмикин?»

Мен ўтиридим, Варда хоним ҳам ўтириди. У худди ўйлаб юрганларимни уққандек, ички курашларимни кўп чўзгиси келмади. Келишгангина бошини оппоқ қўлларига тираб олиб, най нағмасига ўҳшаган майин овоз билан ўз ҳикоясини бошлади:

— Мен сени шу пайтгача кўрмаган эдим. Лекин одамлар оғзидан сенинг фикринг, яхши ниятларингни эшитиб юрганман.

Мен сени мазлума хотинларга шафқатли, унинг заиф томонларини тушунадиган раҳмдил, туйғу ва майлларидан хабардор киши деб биламан. Шунинг учун ҳам сенга юрагимни очиб солмоқчиман. Дилемни очганимдан кейин, сен унинг сирларини билиб олиб, истасанг одамларга, Варда ал-Хоний ҳеч маҳал эрига хиёнат қилган ёмон хотин бўлмаган эди, деб гапириб берарсан..

Тақдир мени Рашидбек Нўъмонга қўшганида мени ўн саккизга кирган эдим. У маҳалда Рашидбек қирқларга борган эди, мени қаттиқ севарди, менга бўлган майли ҳам, одамлар айтганидек, сидқидилдан эди. Кейин у менга уйланди, мени хизматкорлари кўп, сержиҳоз, ястуқли уйга бека қилиб қўйди. Мени шоҳи-ю кимхобларга ўраб, дуру гавҳарларга кўмди. У мени ўз дўстлари ва таниш-билишлари уйларида худди унга қилинган ажойиб тұхфа сифатида кўрсатар эди. Уларнинг менга эътибор билан қараганликлари ва мени ёқтирганликларини кўриб, фахр билан кулиб қўярди. Агар улфатларининг хотинлари мени мақтаб, мен билан хушмуомалада бўлганини эшитиб қолса, бошини ғоз кўтариб, кеккайиб юрарди. Лекин у бирор марта ҳам бу Рашидбекнинг хотиними ёки тарбиялаб олган қизими ва ёки «агар Рашидбек йигитлик чоғида уйланганда, Вардадан каттароқ қизи бўлган бўларди», деган гапларга қулоқ солмасди.

То қаттиқ уйқудан уйғониб, тангри қалбимда муҳабат алангаларини ёқмагунгача, то туйғу истакларим кўксимда куртак отмагунгача, кунларим шу зайлда ўтаверди. Рост, то мен мана шу чиройли кийимлар, қиммат баҳо жиҳозлар ўз жаҳаннамига элтадиган бир бало уло-

ви эканини, бахтим ниҳояси эканини билмагунимча шундай яшайвердим. Лекин мен уйғониб, кўзим нурдан очилганидан кейингина юрагимни муҳаббат бир нур ёндираётганини, руҳий очлик мени қаттиқ қийнаётганини сездим. Уйғонганимдан кейин қарасам, қанотларим толпиняпти, у мени муҳаббат осмонига элтиб қўймоқчи бўлади, лекин қанотлар дириллар, ожизлиқдан қонун занжирларига томон пасаярди. Бу қонун занжирлари то мен унинг фойда ва моҳиятини тушуниб олгунимча, вужудимга чирмашиб олади.

Уйғониб, мен бу нарсаларнинг ҳаммасини тасаввур қилиб кўрдим. Ӯшандагина хотиннинг баҳт-саодати, эрнинг шон-шуҳрати-ю, олий мартабалигига ҳам, кароматлиги-ю, сахийлигига ҳам эмаслигини, балки жонни жонга қўшадиган севгида, ҳисларни бир ерга йифадиган ва иккисини ҳам бир тан бир жон қилиб юборадиган ички туўғуларда эканлигини тушундим.

Мен бу нарсаларни чуқур англағанимдан сўнг, юрагим орқамга тортиб кетди, Рашидбекнинг уйида ўзимни худди нонини ўғирлаб тун қоронғисида бекинаётган бир ўғридек ҳис қилдим. Шунда унинг ёнида ўтказган ҳар бир куним ҳийла-найранг ва юзсизлик эканини билдим. Бу юзсизлик худди еру-осмон олдида пешонамга олов ҳарфлар билан ёзил қўйилганга ўхшаб кетди. Чунки мен унинг ихлос эътиборлилиги, хушмуомалалиги, илтифоти, қиммат баҳо совғалари учунгина севолмасдим. Ўзимни зўрлаб бўлса ҳам унга кўнгил қўйишга, кўни-кишга ҳаракат қилдим, лекин буни уddaрай олмадим. Чунки севгининг ўзи қалбга куч баҳш этадиган нарса, уни севишга мажбур этиб бўлмайди, кейин мен тинмай тазарру этиб, ибодат қила бошладим. Жимжит кечалари ибодат қилиб, фалакдан юлдузи менга тўғри келган кишига нисбатан қалбимда муҳаббат ўтини ёқиши сўрадидим. Лекин илтижоларим рўёбга чиқмади, чунки муҳаббат одамларнинг истак-талаблари билан эмас, балки тангри инояти билан руҳимизга тушадиган нарсадир. Шу кўйи мен у кишининг уйида роппә-роса икки йил турдим. Ўша кезлари далаларда эркин парвоз қилиб юрган чумчукларга ҳавасим келарди, менга бу уй бир зиндан эди. Менинг бу зиндонимга бაъзи аёлларнинг ҳаваслари ҳам келарди. Ўлган фарзандига аза тутган онадек, мен ҳам уйғонган, лекин қонун билан асир олинган, ҳар куни очлик ва ташалик балосига гирифтор бўлган қал-

бим азасини тутардим. Ушандай қора кунларнинг бирида зулмат ичида туриб латиф бир нурни кўрдим. У нурни, ҳаёт йўлида якка ўзи кетаётган бир йигит кўзида кўрдим. Йигит мана шу кулбада, қоғоз ва китоблар орасида бир ўзи яшар экан. Зора нурни кўрмасам деб, кўзимни чирт юмдим, кейин ўзимга-ўзим айтдим: «Эй жон, сенинг насибанг—қабр зулмати, сен энди нурга интилмай қўя қол!»

Кейин диққат билан қулоқ солиб, олий нағмаларни эшитиб қолдим. У нағмалар соғлиги билан ихтиёrimни ўзига тортиб, вужудимни эгаллаб олди. Мен қулоғимни тутганимча ичимда айтдим: «Эй жон, сон-саноқсиз оҳу воҳлар, сенинг насибанг, ашулага интилмай қўя қол!»

Мен уни кўрмайин деб кўзимни юмдим, эшитмайин деб қулоғимни бекитдим. Ҳа, иккаласи ҳам том битди. Лекин, э-воҳ кўзларим юмилган бўлса ҳам ўша нурларни кўради, қулоқларим бекилган бўлса ҳам ўша нағманни эшитарди. Мен олдинига худди амир қасри ёнида гавҳар топиб олган камбағалдек чўчидим. Гавҳарни олишга камбағалнинг юраги дов бермайди, чунки унинг ваҳимасидан қўрқади; гавҳарни ташлаб кетишга ҳам ботинолмайди, чунки у камбағал. Ташналиқдан ҳориган бир кимса эндигина зилол чашмага етишганда унинг ваҳший ҳайвонлар қуршовида эканини кўргач, алам ичида қолса, ўзини тутолмай даҳшат билан ерга отади, ҳўнграб-ҳўнграб йиғладиди. Мен ҳам шундай аҳволга тушдим-у, аччиқ-аччиқ йиғладим.

Варда хоним жим бўлди, бир дақиқа шаҳло кўзларни юмди. Унинг ўтмиши худди кўз олдида намоён бўлгандай, юзимга қаролмаётгандай эди, кейин яна давом этди:

— Уша абадийликдан келаётган ва унга қайтаётган одамлар, ҳақиқий ҳаёт завқини тотмасдан олдин хотинлар дарди-ҳасрати моҳиятини тушунишга қобилиятли эмаслар. Чунки бундай хотинлар, руҳи фалак иродаси билан севган кишиси, ҳамда ер қонунлари билан боғланган киши ўртасида калака бўлиб қолган бўлади. Бу фожиали аҳвол, хотинлар қони ва кўз ёши билан битилган, бу фожиани кишилар хандон уриб ўқийдилар, чунки унинг том маъносига бориб етмайдилар. Агар улар ўз кулкиларининг қанчалик қабиҳ ва тубан эканига, ғазаб алангаларидан хотин бошида ёнғоқ чақилиб, таъна-ю

маломатлардан боши чиқмай, қанчалик таҳқирланишини тушунсалар эди! Бу эса, никоҳ нималигини билмасдан олдин эри бўлиб қолган киши билан ястиқдош эканлигини билган, ҳар бир хотин қалбидан тун қоронғисида ўйнайдиган бир драмадир. У ўз руҳини жон-дилидан яхши кўрадиган, соф ва гўзал муҳаббати билан севадиган бошқа бир киши теварагида гиргиттон бўлганини кўради. Бу хавфли низо хотинларда заифлик, эркакларда куч-қувват пайдо бўлганидан бери тугамай, то заифликни қувват олдида тиз чўкишгача давом этаверади. Бу даҳшатли кураш инсонларнинг фасодли қонунлари билан муқаддас қалб туйғулари ўртасидаги курашдир. Мен ҳам кечагина мана шу кураш майдонига улоқтирилган эдим, унда ҳасрат-надоматдан ўлар ҳолатга келдим, кўз ёшга чўкай дедим. Лекин ўзимни ўнглаб олдим. Хотинларга хос бўлган қўрқоқликдан ўзимни қутқардим, заифлик ва ожизлик тузогидан қанотимни бўшатдим, севги ва эркинлик фазосига учиб чиқдим. Мана ҳозир тангри даҳр бошланишида мен каби бир шўъладан яратган киши билан бирга баҳтиёрман. Ҳозир бу оламда менинг баҳтимни тортиб оладиган қувват топилмайди. Чунки бу — иккала юракнинг келишуви, бир-биримизнинг илтифотимиз ва севгимиз соясида пайдо бўлган баҳтдир.

Варда хоним менга тикилиб қаради. Унинг менга бунчалик синчилаб қаравишидан худди сўзлари юрагимга қанчалик таъсир қилганини ва ўз овозининг дилимдаги садоси янгрофини эшишмоқчи бўлгандай туюлди. Лекин мен унинг сўзини бўлиб қўймай тағин, деб жим туравердим, сўнгра у яна гап бошлади. Унинг овозида аччиқ эсадаликлар, халос ва эркинлик ҳаловати барала сезилиб туради.

— Одамлар сенга, Варда ал-Хоний хиёнаткор, фоҳиша хотин, ўзининг ифлос нияти деб, кафтида кўтариб юрган ва ўз уйининг бекаси қилиб қўйган садоқатли эрини ташлаб кетди дейишар. Улар сенга, Варда ифлос, бузуқ хотин, ёмон йўлга кириб, шариатнинг муқаддас никоҳи тутқазган гулдастани оёқ ости қилди, унинг ўрнига жаҳаннам тиканларидан қилинган тикандастани олди ҳам дейишади. Улар, мени фазилат кийимини ечиб ташлаб, гуноҳ кийимини кийди ва ўзини шарманда-ю шармисор қилди деб ўйлашади. Улар сенга бундан ҳам бешбаттарини айтишади. Чунки бу одамлар, ота-боболарининг руҳи таъсиридан халос бўлган эмас. Кўр-кўронা

уларнинг эътиқодларига эргашиб, акс садодек сўзларини тақрорламоқдалар, ўзлари эса шу айтилганларнинг маъносига тушунмайдилар ҳам. Улар тангрининг бандалари учун чиқарган чинакам қонунни билмайдилар, ҳақиқий дин фойдасини тушунмайдилар, инсоннинг тўғри ва эгрисини фарқ қилмайдилар.

Хатто улар ҳар бир қилинган ишларнинг ички сабабларини текшириш ўрнига, унга юзаки қараб, масалага нодонларча кўр-кўрона баҳо беришга ошиқадилар, улар гуноҳкорни бегуноҳдан, яхшини ёмондан ажратишни билмайдилар. Эҳ бечора ҳокимлар! Эҳ бечора маҳкумлар! Мен Рашид Нўймон уйида бузуқ ва хиёнатчи хотин эдим, чунки фалак мени туйфу ва руҳ қонунлари билан унга боғлашдан олдин, у киши одат ва расму русум ҳукми билан мени ёстиқдош бўлишга мажбур қилди. Танимдан ўз истагини қондириши эвазига унинг бойликларига эга бўлганлигим учун мен тангри олдида ҳам, ўз олдимда ҳам жуда ифлос ва пасткаш хотин эдим.

Энди-чи, энди мен соф ва покман, чунки севги қонунлари менга озодлик берди. Мен энди тўғри ва ишончли хотин бўлдим, чунки танимни бир бурда нонга сотмайман.

Тўғри, одамлар мени фозила хотин деб юрган вақтларида мен бузуқ ва фоҳиша хотин эдим. Энди бўлса, мен тўғри ва ишончли хотин бўлганимдан кейин улар мени ифлос ва бузуқ хотин дейишяпти, чунки улар ҳар бир нарсага ҳам сиртдан қараб баҳо беришга ва шунга кўра ҳукм чиқаришга ўрганиб қолганлар, улар руҳий ҳолат билан моддий ҳолатни ҳис қилиб ҳам кўрмайдилар.

Варда хоним дераза томонга ўгирилиб, шаҳар томонга ишора қилди. У худди хиёбону том ва равоқларда хунук манзара ва тушкунлик зулматини кўргандек, овозини баландроқ қилиб, ҳақорат ва ғазаб оҳангидга нафратомуз деди:

— Мана бу гўзал уйларга, дабдабали қасрларга қарал! Бунда энг бой ва қудратли кишилар туради. Уларнинг шойи тутган деворлари орасида хиёнат ва риёкорлик, тилла суви билан безалган шиплари тагида фосиқлик ва ҳаёсизлик синоатлари уя қилиб олган. Сен шону шараф, ҳукму саодат тимсоли деб ўйлаган мана шу биноларга дурустроқ назар солиб қарагин. Бу дабдабали бинолар, хўрлик, азоб ва бахтсизлик яшириниб ётган форлардан бўлак нарса эмас. Булар оҳак билан оқланган

қабр, кундаги сурмаланган кўз ва бўялган лаб замирида ожиз хотиннинг макри, кумуш ва олтинларнинг ярақлашида эркакларнинг манманлиги ва ҳайвонийлиги яши-ринган. Бу қасрлар ва унинг деворлари кўкни ёриб, осмонга қараб мағрур қад кўтариб турибди, агар алдов йўлида қурбон бўлган бечоралар оҳи бу деворларни қимирлата олганда эди, у ер билан яксон бўлиб, тўзони кўкка совурилган бўларди. Қишлоқ камбағаллари бу биноларга ёшли кўзлари билан қарайдилар. Агар билсанг, бу қасрларда истиқомат қилиувчи аёлларнинг қалбидা зифирдай ҳам муҳаббатдан нишон йўқ. Агар улар дугоналаридай, кўкси муҳаббат лаззатига тўла бўлганда эди, бу ҳаётга истеҳзо билан қараган ва жимгина ўз кулбаларига қайтган бўлар эдилар.

Варда хоним қўлнимдан тутиб, дераза олдига олиб борди. Шу ердан у ўша уй ва қасрларга тикилиб туриб, гапини давом эттирди:

— Анови уйларни кўрдингми, ҳозир мен сенга нега уларга ўхшаб, ўша ерларда турмаганимни айтиб бераман. Сен мана бу мармар устунли, мис безаклар ва биллур ойнали қасрга қара! Унда бир бой киши туради. Унинг барча бойлиги баҳил отасидан мерос қолган. Бемаза ҳулқни эса кўча-кўйларда тўлиб ётган бузуқлардан ўрганди. Икки йил олдин шу бой бир хотинга уйланди, қаллиғини кўрмаган ҳам, у ҳақда отасидан бўлак ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Қизнинг отаси ҳам бойлардан экан, шаҳар оқсусяклари ичидаги мартабаси улуғ экан. Қандак ойи ҳам ўтмасданоқ ҳалиги бой, ичимликдан бўшаган шишадай, хотинини мана шу қасрга ташлаб фоҳиша хотин билан улфат бўлиб кетди. Олдинига бечора куйиб қон йиглади, лекин кейинига ўз хатосини англаб, сабр қилди, шу билан ўзига тасалли берди. У эрига ўхшаган одамни йўқотганинга ачиниб, кўз ёши тўкишнинг ҳожати ҳам йўқлигини тушунди. Ҳозир у барча ҳасратнадоматдан озод, ўзининг тўзал ва ширин сўз, севикли йигити ишқи билан хурсанд. Ҳозир у бутун вужудини севган йигитига баҳш этган, унинг чўнтағини эрининг топган тиллалари билан тўлдиради; эрининг қилмишини сезмаганга согани учун, эри ҳам хотинининг қилмишларини билмасликка олиб юради...

Энди сен мана бунисига, тевараги жуда сермева, бўлиқ боғ билан ўралган уйга қара. Бунда узоқ вақтлардан бери ўлкада ҳукмрон бўлиб келган, шарафли бир

хонадондан чиққан киши туради. Ҳозир бу хонадон мартабаси анча пасайган, бекорчи ва ёлқов болаларининг дастидан бойлиги ҳам несу нобудга айланган. Бир неча йил олдин шу киши жудаям бадбашара бир бой қизга уйланди. Қизнинг молу мулкини пулу дунёсини қўлга киритгач, хотинини бутунлай унутиб, ташлаб кетди, ўзи бўлса гўзал бир ўйнаш хотинга уйланиб олди. Хотин бўлса бетини чангллаганича, эрининг кўйида дод деганича қолаверди. Ҳозир-чи, бирорта жазманим чиқармикин деб кунузукун ўзига оро беради: сочини ўради, кўзига сурма қўяди, юзига хилма-хил упа-эликлар суради, эгнига атласу шойилардан кийиб ясанади. Қани энди бирорта киши унга қиё боқиб қарасал Башарасига ойнадаги акси қарамаса агар, ким ҳам қарайди дейсиз...

Энди сен мана бу нақш ва ҳайкаллар билан безатилган катта уйга қара. Бу уй чиройли, келишган, аммо нафси бузуқ бир хотинники. Биринчи эри ўлгандан кейин ундан қолган молу мулкка эга бўлиб қолди. Кейин у ўзига кишилар орасидан заифгина, иродаси бўш бир одамни эрликка танлаб олди. Хотин ўшандай кишини эрликка олиб, унинг ҳимоясида халқ ўртасида юрган миш-мишлардан ўзини оқламоқчи, эрим бор деб, барча bemaza кирдикорларини ёпмоқчи бўлди. Ҳозир у ўз ўйнашлари оғушида, у худди асалари гулдан шарбат сўриб маза қилиб ётгандай, айшини суриб ётибди...

Анови кенг равоқли, гўзал пештоқли уйга қарагин. Уша уй молу дунёга ҳирс қўйган, тиниб-тинчимайдиган, хотинбоз бир кишининг уйи. Унинг жуда ҳам қадди-қомати келишган, ақли ҳуши расо бинойидек хотини бор. Хотиннинг гўзал қадди-басти унинг ақли ҳуши билан қўшилиб кетган ва худди шеърнинг мусиқаси, оҳангги унинг нозик маъноларига сингиб кетгандай бўлиб, у то вақти соати битгунча севги билан яшашга яратилган эди, аммо теварагидаги кўпчилик қизлар каби бу ҳам ҳали ўн саккиз ёшга етмасданоқ отаси уни мажбур қилиб, бўйнига фасодли никоҳ бўйинтуруғини осиб қўйди. Ҳозир у ҳаста, орзу-умидлар ҳароратида эриган шамдек, туйғулар сиртмоғида бўғилиб ётибди. У қаттиқ шамолдан олдин хушбўй ҳиди сочилиб кетган гулдай, аста-секин сўлиб ҳазон бўляпти. У қандайдир бир гўзал нарсани қўмсайди. Лекин унга етишолмай, адо бўляпти, орзулари ушалмай, жонга теккан бу ҳаётдан халос бўлиб, кундузлари дунё йиғиб, кечалари уни санайдиган эр қа-

рамоғидан қутулиб, ўлимни қучоқлашга ошиқади. Эри эса тишларини ғичирлатиб, молу дунёсига меросхўр бўлиб қоладиган ва авлоди номини ўчирмасдан элтиб кетадиган ўғил туғишига ноқобил белушт хотинга ўйланган онларини лаънатлайди..

Энди мана бу боғ ичидя яккаю ягона турган уйга қара. Бу уй бир хаёлпараст, ўткир фикрли, идеалист шоирники. Унинг бир хотини бор. У хотин нозик фаҳм ҳам эмас, юмшоқ табиат ҳам эмас. Хотин эрининг шеърларини масхара қиласди, чунки унга фаҳми етмайди, қилган ишларини назари илмайди, чунки хотин унга бир бегона. У киши бўлса, ўша хотинини тарқ қилиб, эри бор, юзидан меҳри шафқат топиб турган бошқа бир хотин билан банд; у хотин бунинг қалбига ўз муҳаббати билан нур сочади, ўз табассуми ва боқишлиари билан унга ўлмас сўзларга илҳом берниб, кўнглини овлайди.

Варда хоним бир оз жим қолди, худди унинг руҳи бу лаънати хоналарда тентираб ҷарчагандек, дераза ёнига ўтириди. Кейин у секингина гапга қайтиб, давом этди.

— Мен яшашни истамаган қасрлар мана шулар, тириклайн кўмилишни истамаган гўрлар ҳам мана шулар. У ерда турадиган одамлар расми-русумидан ҳалос бўлдим, бўйнимга у ердаги гуруҳлар осиб қўйган бўйинтуруқни улоқтириб ташладим. Бу гуруҳлар фақатгина ўз жасадлари билангина турмуш қурадилар. Ваҳоланки руҳлари бир-биридан нафратланади, тангри олдида унинг қонунини билмасликдан бошқа ҳеч нарсани шафе келтиrolмайдилар. Мен энди уларни қораламайман, уларга раҳмим келади. Улардан нафратланмайман ҳам, лекин уларниңг риёкор, алдамчи ва сурбетлигини кечириб, унга тоқат қилиб ҳам туролмайман. Менинг ниятим уларниңг юракларидаги яширин кирдикорларни, майшат сирларини очиб ташлаш эмас, чунки мен бирорларни ёмонлашни, уларга туҳмат қилишни ёмон кўраман. Балки куни кеча мен улар орасида бўлиб, бугун нажот топиб қутулганим ўша одамларнинг ҳақиқий башарасини билиб олгин, деб сенга айтиб беряпман. Мен ҳозир сенга оғзини кўпиртириб, мени ёмонлаётган одамлар майшати ҳақида гапиряпман. Улар мени ёмонлайверадилар, чунки мен ўз жонимнинг роҳати деб, улар дўстлигини бир пақир қилдим. Мен энди ёлғон ва найранг йўлидан айнадим, кўзимни нур томон қаратиб, ўзимга ҳалослик, ҳақ ва адолат топдим. Шу қилмишим учун одамлар

мени энди ўз ичларидан ҳайдаяптилар, мен бунга ро-  
зиман, нега десангиз, кимки жон-дили билан зулм ва  
адолатсизликка қарши бўлса, одамлар оғиз кўпиртириб,  
ўшани лаънатлайверади. Кимки қулликдан халойиқ наф-  
ратини ортиқ кўрса, у ҳеч маҳал озод бўлолмайди, чун-  
ки ким ҳақ ва ростдил бўлса, озодликда билинади. Куни  
кеча мен сернеъмат бир дастурхон эдим, қачон таомга  
Рашидбекнинг иштаҳаси карнай бўлса, менга яқинлашар  
эди. Аммо иккаламизнинг руҳимиз ҳам иккита увол,  
хор-зор бўлган хизматчидаи, бир-бири миздан узоқ эдик.  
Буни кўрганимдан кейин унга бўйин экким келмай қолди.  
Олдинига, тақдир шу экан-да, деб рози бўлиб ҳам юр-  
дим, лекин бунга тоқат қилиб туролмадим. Чунки зул-  
матли замонлар, қонун даъватлари замирида яратилган  
лаънати санам олдида, тирик умр тиз чўкишини асло-  
асло виждоним қабул қиласмиш эди. Мен кишанларимни  
чилпарчин қилдим, лекин ҳали уни ўзимдан улоқтириб  
ташлаганим йўқ; бирдан муҳаббат нидосини эшишиб, қал-  
бим учишга илҳақ бўлиб турганини кўрдим. Вақтни ға-  
нимат билиб, қамоқдан чиқсан асирдек, Рашид Нўъмон  
уйидан чиқдим. Устимдаги бутун кийим-кечагу, зеб-зий-  
нат дейсизми, хизматкору, уловларимни дейсизми—ҳам-  
ма, ҳаммасини тарқ қилдим. Кейин севиклигим олдига  
даҳмазали жиҳозлардан холи, лекин файзли, ҳаёт тўла  
уйга келдим. Мен тўғри иш қилганимни, шундай қилишим  
ҳам зарурлигини биламан, чунки осмон иродаси ўз  
қўлим билан қанотимни қирқиши, бошимни бекитиб, ўзим-  
ни гўрга ташлаш эмас эди. Ахир фалак менинг оби-  
дийдамни тўкиб, «тақдирим шу экан-да!» деб уҳ торти-  
шимни истамасди. Осмон менинг тунларга боқиб «ёруғ  
кун қачон келаркин?» деб зор-зор йиғлаб умр ўткази-  
шимни, тонг ёришса, «бу кун қачон тугаркин энди?»  
дайшимни истамасди. Фалак инсоннинг бахтсиз бўли-  
шини истамайди, чунки у бахтга интилиш туйғусини  
инсон қонига сингдириб юборган эди, нега десангиз,  
бахтли инсон тангрига шукrona айтиб, уни улуғлади.

Менинг ҳикоям мана шу, ҳазратим, еру осмонга ши-  
коятим ҳам мана шу. Мен уни қайта-қайта айтаман, эл-  
га достон қиламан. Лекин одамлар қулоқларини беки-  
тиб, буни эшифтмайдилар, чунки улар буни эшиғсалар,  
эслари оғиб, жамиятлари пойдевори ларзага келиб, бош-  
ларига қулашидан ўлгудай қўрқадилар. Мана шу зина  
билан юриб-юриб бахтим чўққисига чиқдим. Агар ҳозир

ўлим қучоқ очиб келиб бўғзимдан тутсами, жоним ҳеч хавф-хатарсиз, шоду хуррам бўлиб арши аълода туарарди, улуғ динимиз ҳурмати, виждан тугунлари ечилган бўларди. Мен қордай оппоқман, айб иш қилганим йўқ, чунки мен тангри зотидан вужудга келган виждан истагидан бўлак бирон иш қилганим йўқ, қалб нидосидан, фаришталар куйи садосидан бўлак ҳеч нарсага эргашганим йўқ. Менинг қиссан ҳам шу, байрутликлар юрган йўлларида лаънатладиган, элу юрт бошига битган бало ҳам мана шу. Лекин ўлганлар хоки тўла ер тагидан қуёш гуллар ундирганидек, уларнинг қора кўнгилларида муҳаббат ўз гул ғунчасини ундиrsa, улар ўла-ўлгунча қилмишларига пушаймон қиладилар. Ўшанда йўловчи қабрим ёнида бир зум тўхтаб, менга салом йўллайди ва: «Бу ерда Варда ал-Хоний жасади ётибди. У шарафли муҳаббат қонунлари билан яшашни истаб, башариятнинг ифлос одат-қонунлари олдида тиз чўкишдан воз кечди. Ўз жасадим тиканзорларда қолиб кетмасин тағин деб, юзини қуёш томонга қаратишни истади», деб мени эолашади.

\* \* \*

Варда хоним сўзини тугатмаган ҳам эди, бирдан эшик очилиб, ичкарига қадди-қомати келишган, чиройликкина бир йигит кириб келди. Йигитнинг кўзларидан сеҳрли нур томиб туар, лабларидан латофатли табассум аrimас эди. Варда хоним ўрнидан туриб, лутф билан йигитга боқиб, унга бир нарсани шипшиб, исмимни айтди, меҳрибонлик билан унинг қўлидан тутиб, менга таништириди. Шунда мен уйга кириб келган йигитни Варда айтган ўша севиклиси эканини, шуни деб ўша оламдан кетиб, унинг қонун-қоидаларини бузганлигини тушундим. Кейин учовимиз ўтириб, ўйга чўмдик. Ҳар ким ўзича фикрга шўнгигб кетди, ҳатто шу зайлда анчагина хаёл дарёсига ботиб, руҳимиз малайи аъло фаришталар ҳузуригача бориб келди. Мен уларга назар солдим, улар иккови бир-бирига ёнма-ён ўтирас, шунда мен илгарилиари кўрмаганларимни, Варда хоним ҳикоя қилган ҳамма нарсанинг том маъносини англадим. Унинг жамият тузилишига бўлган бутун нафрат-надоматлари сирларини пайқадим, чунки бу жамият ўз қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган кишиларнинг нега нафратланётганликларини ҳам суриштирмай-нетмай, уни таъқиб қиласди,

кўзини лўқ қилиб қарайди. Мен иккита самовий руҳнинг бир бўлиб қўшилиб кетганини, икки ёш навқирон гўзлнинг аҳду вафосини, икковининг севгиси тангрига хуш келиб, одамларнинг қаҳшатғич маломатидан паноҳ бериб асраганини кўрдим. Уларнинг икковининг меҳрибонлиги, мулойимлиги, бир-бирига ихлосини орттиради, соғлигини намоён қиласди. Мен умримда биринчи марта эркак билан хотиннинг дин разолатга чўқтирган, одат қонунлари чиппака чиқарган баҳти кулганини кўришим.

Кейин, бир оғиз ҳам гапирмай, жимгина, ўрнимдан турдим-да, бу фариб кулбадан севги ва хайриҳоҳлик кошонасидан чиқиб кетдим. Мен ўша Варда хоним айтган қаср ва уйлар ёнидан ўтиб кетардим. Бу уй ва қасрлардаги махфий сирларни Варда менга айтиб берди. Мен йўлда кетаётиб, Варданинг гапларини, ундан билиб олган нарсаларни, воқеаларнинг бошланиши, уларнинг натижалари — ҳаммасини ўйлаб келардим. Лекин мен ўша мавзунинг охирига ҳам етмаган эдим, бирдан Рашидбек Нўймонни эслаб қолдим. Шу тобда унинг бутун аянич аҳволи, ҳасратли кечмиши, оҳу воҳ тортиши кўз олдимда бир-бир намоён бўларди. Кейин ўзимга-ўзим дедим: «Бахтсиз, мазлум одам шунинг ўзи. Лекин фалак унинг кўкка қараб, Варда ал-Хоний устидан қилаётгаш шикоятини эшитармикин? Шу хотин ўз озодлигини деб унга эл бўлмай, тарк қилгани учун жиноят қилган бўлдими энди? Жинояткор ким? Қиз қалбida унга муҳаббат ҳисси пайдо бўлмасдан олдин унинг бўйнига никоҳ сиртмоғини солган киши жинояткор эмасми? Буларнинг икковидан қайси бири золиму, қайси бири мазлум? Ким жинояткору, ким бегуноҳ? Хўш, буларни билишнинг ўзи нимага ҳам керак?

Мен уларнинг ҳаётини ўйлаб, тўғри холосага кела-манмикин деган ўйда ўзим билан ўзим гаплашиб кетавердим. Баъзан хотинларнинг фурури фақир эрларини тарк қилишга ва бой кишиларнинг этагини тутиб кетишга мажбур қиласди. Чунки хотинларнинг ясан-тусанларга, нози-неъматларга ишқибозлиги зўр бўлади. Бу ишқибозлик хотинлар кўзини кўр қилиб, пировардида ўзини шарманда-ю шармисор қиласди. Ахир Варда молу дунёси ошиб-тошиб ётган бир кишини ташлаб, хизматкорлари қуллуқ қилиб турган дабдабали қасирни тарк этиб, эски китобларидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган камбағал кулбасига кириб келди-ку! Шунинг учун уни шуҳратпараст ё тамагир дейиш мумкинми?

Аксар вақтда хотинлардаги жоҳиллик уларнинг но-  
мусидан устунлик қилиб қолади. Шунда улар кўнгил  
ҳуши учун ўзларидан ҳам беномус, бошқа хотинлар би-  
лан айш-ишрат қуриш ишқивозида бўлган тубан эркак-  
ларни топиб, кўнглига теккан эрларини ташлаш иштиё-  
қида бўладилар. Ахир Варда лаззат истаган жоҳил  
хотинмиди? Ахир у эркин яшашга ҳақли эканини очиқ-  
ойдин айтиб, ўзи севган йигити билан топишиди, холос-  
ку! Ахир у эри уйини тарқ қилмасдан ҳам, ўзининг  
гўзал висоли қўйида юрган йигитлар севгисидан яши-  
ринча баҳраманд бўлиш имкониятига эга эди-ку! Варда  
ал-Хоний баҳтсиз хотин эди. У саодат истади, шу учун  
курашди. Натижада уин топди. Қонун инкор қиласидан,  
инсоният жамият таҳқирлайдиган ҳақиқат ҳудди мана  
шу».

Мен ўзимча пицирлаб шу сўзларни айтиб, хаёлга чўм-  
дим: «Ахир хотин эрининг баҳтсизлиги эвазига ўзига  
баҳт сотиб олиши мумкинми?» Яна ўзимга-ўзим жавоб  
бердим: «Ахир эркак ўз баҳтини кўзлаб, хотин туйғула-  
рини поймол қилиши жойизми?»

\* \* \*

Мен саёrimни давом эттиравердим, лекин Варда хо-  
нимнинг овози қулоқларимда ҳамон жарангларди. Ша-  
ҳар чеккасига етганимда қуёш аллақачон ғарбга оққан,  
дала ва боғларда ғала-ғовурлар тинган, қушлар эса сай-  
рашиб, кечки ибодатига киришган эди. Ўйга чўмганча  
туриб қолибман, кейин уҳ тортиб, ўзимга ўзим дедим:  
«Эркинлик тахтида бу дараҳтлар еллар ўйинига кулиб  
боқади, офтобу ой шўълалари гўзаллигидан ҳаяжонга  
келади... Ариқлар тепасида қанот қоқиб, чумчуқлар  
озодлик қўшиғини чуғурлашади, озодликда бу гуллар  
атири сочилади, тонг отиши билан гул очилиб, табассум  
қиласиди. Ер юзидағи бор мавжудот табнат қонунлари би-  
лан ҳаёт, озодлик ва хурсандчилик шарафига эришиш  
учун эса, табнат қонунларидан фойдаланилади... Аммо  
инсонларга келсак, улар бу неъматлардан маҳрумлар,  
чунки улар ўзларининг илоҳий руҳлари учун маҳдуд  
оламий бир қонунлар яратиб олганлар. Ўз майл ва туй-  
ғулари учун қоп-қоронғи ва тор қамоқхона қуриб олди-  
лар; юрак ва ақлга келганда зулматли чуқур қабр қа-  
зиб олдилар. Агар улар ичидан бирор киши бу жамият

ва қонунларга қарши туриб, уларни рад қилса, улар ўша заҳоти: «Бу одам исёнчи, ўлгудай олчоқ, қувфинликка, бадарға қилишга лойиқ, жуда бузуқ, чиркин-нопок ва ўлимга сазовор киши» деб тинмай қоралайдилар.

Лекин инсон қачонгача ўзининг ярамас қонунлар қули бўлиб қоларкин ёки кунлар ўтиши билан унга озодлик келиб қолармикан? Наҳотки инсон назари нуқул тупроққа қаратилган бўлади. Ёки жасадим тиканлар орасида қолиб кетмасин деб, кўзларини қуёш томон қаратишини хоҳлаб қўя қолармикин?!



МИХАИЛ НУАЙМЕ

ЗУРЕД КУРМАГАН АЕЛ

«Худо бандалари Азиз билан Жамила умр йўлдоши бўлдилар! Уларни яратганнинг ўзи ярлақасин! Кўшақаришсин! Омин!» 10 май куни кечқурун Абу Азиз ал-Кирбожнинг кенг, ёруғ, тилла суви юритилган муҳташам хонасида кашиш Булос юқоридаги сўзларни дер экан, тўйга чорланган юзлаб кишилар ихлос билан чурқ этмай, шамдек қотиб турадилар.

Болалар, ўспириналар, йигитлар, хотин-халаж, эркаклар, мўйсафидлар, хуллас, ҳамма баравар сеҳрли қанотларнинг осойишта қоқилишига қулоқ солаётгандай донг қотиб туради. Ҳатто, шу даҳада турадиган юзлаб кишиларнинг бошини бир-бирига қовуштирган руҳоний Бўлос ҳам, тўпланган меҳмонларнинг ихлос билан қулоқ

осиб турганларидан завқланиб никоҳ ўқир, унинг нафаси эшитувчиларга худди азиз-авлиёлар нафасидек туюларди. Бу ҳол руҳоний Булос ўз умрида бу сўзларнинг том маъносига эндигина тушунгани сабабли содир бўлаётган бўлса ҳам ажабмас; унинг қалби равшанлашди, у никоҳ одатий ибодатхона маросимигина бўлмай, олижаноб, қутлуғ тилсимот эканини фаҳмлади.

Эҳтимол, бу ҳол, Булос шу муқаддас лавозимга кўтарилиш шарафиға мұяссасар бўлгандан бери Азиз ал-Кирбож билан Жамила ал-Буштавий сингари жуфтни бир-бирига қовуштириш учун қўл кўтариб дуои-фотиҳа қилмагани сабабли рўй бераётгандир! Хуллас, барча меҳмонлар қандайдир кўз илғамас олижаноб бир куч ҳукмронлик қиласётгандай ҳис қилишар, тебраниб порлаётган қанчадан-қанча шам ёғдусидан чароғон бўлиб турган мұхташам хона уларга ихлос билан тоат-ибодат қилинадиган, муқаддас ишлар адо этиладиган ибодатхонадек туюларди. Шу сабабли улар шамдек қотиб, чурқ этиб овоз чиқармай, ҳаяжонда туришарди.

Шубҳасиз, келин билан куёв ҳам улкан тантана бағишиламоқда эдилар. Агар одамларнинг гапи рост бўлса, бу шаҳарчадагина эмас, балки бутун бошли Ливанда ота-онасининг якка-ю ягона ўғли Азиз ал-Кирбожнинг олдига тушадиган сарв қомат, ҳар томонлама келишган йигит топилмас экан. «Худо уни танҳо қилиб яратган экан». У келишган, думалоқ юз, чехрасида ёшликнинг тола-тола ранги бор, кўзларида қувонч нури порлаб турарди: кичкинагина мўйлов қўйган, пистадек оғзидан ўзига ишончи ва қатъий сўз эканлиги намоён бўлиб турарди. Табассуми — ҳозиргача адо этган юмушлари ва бундан буён бу дунёда бажаражак ишларининг ғурурини акс эттиради.

У ўн саккиз ёшида ота-онасининг бағридан чиқиб, Америкага сафар қилди. Азиз у ерда савдогарчилик билан шуғулланиб, кўп ўтмай дурустгина сармоя ортириди.

Азиз илм даражасини мустақил оширишга ҳам вақт топа билди. У қунт ва чидам билан мутолаага киришиб, сал кунда Ливан ёки Суриядан келган минглаб мұхожирлар бир неча йиллар давомида ҳам эриша олмайдиган муваффақиятни қўлга киритди. Ота-онасининг талабига кўра Ливанга қайтиб келиб, шаҳарликлар дик-қатини ўзига жалб қиласётгандиган данғиллама бино қуриб олди-да, яна савдогарчилик билан шуғулланаверди,

Шу кезларда Азиз ал-Кирбож йигирма беш ёшга ҳам тўлгани йўқ. Унинг меҳнаткашлиги, ақл-фаросати, хушмуомалалиги шаҳарликлар орасида қисса бўлиб кетди. Азиз ёмон йўлга юрмайди, муштумзўрлик қилмайди. У шариатни оёқ ости қилмайди, маст-аласт юрмайди, қимор ўйнаб, папирос чекмайди. Шаҳардаги ҳар бир мўйсафидни «ўз бобосидек» кўриб, ҳар бир кампирни эса «ўз бувиси» деб билади. Ёши улғайганлар унга «амаки», аёллар «хола», ёш йигитлар «укаси-ю», қизлар «синглиси» эди. У ҳо ёш, ҳо қарига биринчи бўлиб салом берар, аёлларга қуюқ таъзим қилиб ўтарди...

...Никоҳ маросимида қатнашаётган ўспирин йигитлар Азиз ал-Кирбожга ич-ичларидан ҳаваслари келиб, шу топда унинг ўрнида бўлиб қолишни чин дилдан орзу қилишарди. Баъзи одамларнинг гапига қараганда, ҳатто руҳоний Булос сингари нуроний мўйсафид, ибодатхонада эллик йилдан бери ҳалол хизмат қилиб, лоақал бирон марта ҳам бу дунё ҳузур-ҳаловатига кўнгли суст кетмаган экану, лекин куёв билан келинчак умр йўлига қадам қўяётган мана шу дамда ўзини куёвнинг ўрнида кўргиси келиб қолганини тан олганмиш.

Жамила ал-Буштавийнинг фазилатларига келсак, у бошқалардан кишини ҳайратда қолдирадиган гўзаллиги билангина ажralиб қолмай, бир қизда аҳён-аҳёнда учраб қоладиган хусусиятлар эгаси эди. Хотинлар ўртасидами, эркаклар орасидами ёки ҳам у, ҳам бу тоифа кишилари тўпланиб шу қиз ҳақида гап чиқиб қолгудек бўлса, биринчи галда унинг, кишини мафтун этадиган гўзаллиги, кейин хушмуомалалиги, ўқимишли экани ва ундан кейин, бойлиги тўғрисида гап юритишарди. Бирорвлар у одамзод фарзанди эмас, нақ фаришта-я дейишса, бошқа бирорвлар хотин-қизлар мактабини битириб «шаҳодатнома» олган, «илмли қиз» дейишарди.

Жамила отасининг якка-ёлғиз дилбанди эканлиги, отаси ўлиб унга бир сандиқ тўла пулу, аллақанча молдунё қолгани, амакисининг ҳам танҳо вориси шу қизу, унинг бор бисоти ҳам Жамилагага қолишини гапириб юритишарди. Шу сабабли шаҳар ахолисининг уззукун Жамила ал-Буштавий билан Азиз ал-Кирбожни оғизларидан қўй-масликларига ажабланмаса ҳам бўларди.

Жамила турмушга чиқсан дастлабки кунлар унинг учун худди кишининг баҳри-дилини очадиган баҳор байрами сингари ўтарди. Бу пайтда осмон мусаффо, ҳаво

беғубор бўлади, дарахтлар, гуллар, майсалар — бутун табиат ҳаёт нашъаси-ю, тусланаётган фасл лаззатини totиб, кайфу сафо қилаётгандек туюлади. У қайната, қайнана ва умр йўлдоши бўлмиш Азиз билан бирга ҳаёт кечирар, бу ерда ҳамманинг диққат-эътибори фақат унга жалб этилган эди. Ҳамманинг фикру ҳаёли ҳам, умид-ишончи ҳам у, уни деб меҳнат қилишар, қўйинг-чи, бариси ягона шу қизни деб яшарди. Жамила илжайдими, ҳамманинг чеҳрасида табассум пайдо бўлар, Жамила қовоғини солдими, барча баробар хўмраярди. Теварак-атрофдагилар учун Жамила ҳам қувонч, ҳам қайғу ғам манбаи, у ҳамманинг ҳаёт нафаси эди.

Тўйдан кейин келди-кетди тамом бўлгач, Азизнинг онаси уларга Байрут ёки Дамашққа бориб кўнгил чигилларини ёзиши маслаҳат берди. Бу таклиф ҳаммага бирдай маъқул тушиб, ёшлар сафарга чиқиши: улар Дамашқ, Захле ва Байрутни саёҳат қилишиди.

Улар сафардан қайтишган чоғда, келин билаи қуёвни Азизнинг онаси қучоқ очиб кутиб олди. У югуриб бориб Жамилани ўз қучоғига олди, уни қайта-қайта ўпид бағрига босар экан, «Жонгинам! Кутавериб кўзларим тўрт бўлди, ойдиним! Сен бўлмасанг юракларим тарс ёрилиб кетгудек бўлади!»—деган гапларни айтди.

Кейин қайнанаси Жамиланинг қўлларига боқиб, унинг бармоғида янги узук, билагида билагузук, кўкрагида тилла занжирили соатга кўзи тушган пайтда ич-ичидан суюнганини айтмайсизми!

Дастлабки ойларда Азизнинг қаллиғига муҳаббати тобора ортиб бораверди. Азиз билан Жамила бир-бirlарининг дийдорларига сира-сира тўйишина сади. Эрта билан Азиз савдо қилгани дўконига кетаётган чоғда қаллиғи уни бўса олиб кузатарди. Кечқурун ишдан қайтиб келаётган чоғида бўлса Жамила унга пешвоз чиқиб кутиб оларди. Азиз ҳам тўғри қаллиғига яқин келиб, уни қучоқлаб, бағрига босар ва қип-қизил лабидан ўпардида: «Бугун қалайсан, дилбандим?»—деб сўрарди.

Жамила унинг сўроғига жавоб қайтарар экан, чеҳрасидан нур ёғилиб турарди. Кейин у ҳам ўз навбатида: «Бугун ўзингизнинг ишларингиз қалай, дилдорим?»,—деб сўрарди.

«Дилдорим», «дилбандим» деган сўзлар аста-секин уларга исм бўлиб қолди. Жамилагага бу сўз ёғдек ёқиб қолганидан, қаллиғининг ўз номини тилга ҳам олмай қўйди.

Уйларига меҳмон-измон келгудек бўлса, икковлари ҳам хуш кўришмасди. Бу сарф-харажатдан қочиш ёки оворагарчилик туфайли эмас, балки меҳмонлар уларнинг қимматли вақтларини оларди, улар доим икковлари холи қолишини ёқтиришарди. Бунинг яна бир сабаби шу эдикси, меҳмон ҳузурида улар бир-бирларининг ўз номлари билан аташлари лозим бўларди.

Жамила меҳмонларни яна бир важдан ёқтирмас, бу ҳақда эрига чурқ этиб оғиз очмасди. Гап шундаки, Жамила ҳар гал меҳмонга трубкада тамаки, ёки бир пиёла кофе тутаркан, меҳмон ҳам одоб юзасидан: «Худо сизларга ҳам фарзанд ато қилсин» дейишни зарур деб биларди.

Айтилиши одат тусига кириб қолган бу эзгу ниятлар унга тубсиз баҳт-саодат пиёласига томган бир қатра оғудек туюларди. Азизнинг муҳаббати, Азизнинг ёнгинасида бўлиши, Азизнинг бўсаси — унинг учун бундан ҳам тотлироқ ҳаёт, бундан ҳам мусаффо баҳт йўқ эди. Гўё фарзандсиз томири уришдан тўхтаб қолаётгандек, бу тилакларнинг унга нима кераги бор эди!

Кунларнинг бирида меҳмонлар кетишиб, Азиз билан Жамиланинг ёлғиз ўзлари қолган пайтда, у маъюс Азизнинг ёнига борди-да, эгилиб уни ўпар экан, шундай деб гап қотди:

— Менга қаранг, дилдорим! Ҳар куни, ҳар гап орасида нуқул оллоҳ бизга меросхўр ато қилиши ҳақидаги эзгу ниятларни эшитавериш жонингизга тегмадими? Ҳадеб шу гапни айтаверадиган бу кишилар кўзимга балоқазодек кўринадиган бўлиб қолди. Шу туфайли одамларга рўпара бўлгани юрагим қолмабди.

Жамила эрига шу сўзларни дер экан, унинг қайтарадиган жавобини ҳам аниқ тасаввур қиласарди. У, албатта, бу тилакларни ҳадеб эшитавериш сенга бир бўлса, менга ўи азоб, лекин на чора. кишиларнинг оғзини борлаб қўйиш қўлимдан келмайди, дейиши керак эди. Баҳтга қарши эри:

— Яхши ният билан баҳт тилаган кишиларни ёмон-отлиқ қилиш равоми? — деганида Жамила ҳайрат дарёсига ғарқ бўлди. Жамила унинг бу жавобидан, шу гапни яна давом эттиргудек бўлса, икковларининг фикр ва эътиқодлари орасида тафовут пайдо бўлиб, сен — менга бориб қолишлари мумкинлигини сезди. Шу дақи-

қагача, у, Азиз билан кечиражак ҳаёти ҳеч қандай ихтилоф ва баҳс халал етказиши мумкин бўлмаган, поёни йўқ шодлик эканига астойдил ишонарди. Шу сабабли уни ваҳима босди.

Азиз Байрутда унга тақинчоқлар олиб бермоқчи бўлганда, «ясатилган эшакка ўхшаб» бундай нарсалар тақмайман, деб туриб олган эди. У олмос ва тилла тақинчоқлар тақишини аёллар учун уят деб биларди. Аёллар чиройли ва хушмуомала бўлиб, эрини севса, шунинг ўзи унинг учун катта баҳт деб ҳисобларди. Лекин Азиз ўзиникини маъқуллаб, бундай гапларни камбағал хотинлар гапирса ярашади, сенга ўхшаганлар жамият орасида олмос ва тилла тақинчоқлар тақиб юриши лозим, деб хотинининг оғзини очиргани ҳам қўймаган эди. Шунда Жамила эрининг раъйига қаршилик қилмай, кўна қолганди; бунинг сабаби Азиз келтирган далиллар уни танг қолдирган эмас, балки эр билан хотиннинг тинч-тотув, баҳтли турмуш кечириши учун вақти келганда бири-бира га ён босиши лозимлигини ўйлаганидан эди. Мана шу топда ҳам гапничувалаштиришга юраги дов бермади-ю, аммо хотинларга хослик, худди ўша Момоҳавони васвасага солиб, ейиш мумкин бўлмаган дараҳтдан мева тобиб қўришга ундан аёллик табиати яна шу ҳақда савол беришга уни мажбур этди:

— Ҳали меросхўрсиз толеимиз ёр эмасми? Ҳали бефарзанд ҳам тотли ҳаёт нашъасини сураётганимиз йўқми? — у шу сўзларни дер экан, Азизнинг мўйловини бармоғи билан айлантириб ўйнаб, унинг бу саволига қандай назар билан қараётганини кўзларидан уқиб олиш учун унга тикилиб турарди.

— Шуни ҳам сўраб ўтиришга ҳожат бормиди, эркам?.. Борди-ю, ўша жонингга теккан одамларнинг дуоси мустажоб бўлиб, оллоҳ бизга фарзанд ато этгудек бўлса, толеимиз бундан ҳам ёр бўлиб, муҳаббатимиз иплари бундан ҳам мустаҳкамланмасмиди?

Жамила бу жавобни эшитгандан кейин эрининг мўйловини бурашни бас қилди, қўллари бўшашиб сирғалиб пастга тушди. Демак, Азизнинг баҳтиёр бўлиши учун биргина муҳаббати етарли эмас экан-да. Демак, Азизнинг муҳаббати ҳали авжга миниши, мустаҳкамланиши мумкин экан-да?

Бўлмаса, нега аёлнинг унга муҳаббати чексиз, унинг бутун борлиғини қамраб олган, бирданига қирғоқча

урилган тўлқин сингари уни босиб кетган? Нега энди Азиз унинг сужнган тоғи-ю, ишонган боғи бўлиб қолган? Ахир у нега шу топдагидан ортиқроқ баҳт тиламай, худодан фақат уни соғ-саломат сақлашнигина сўрайди? У болалик бўлишга ҳечам қарши эмас. Мутлақо бундай эмас. У бутун қалби билан она бўлишини истайди. Лекин ҳозирча Азизнинг муҳаббати уни илитиб, бутун вужудини қамраб турган экан, бу орзуси рӯёбга чиқадими, йўқми, унинг баҳти бу нарсага боғлиқ эмас. Шундай бўлгандан кейин, нега энди Азиз «ортинқроқ баҳт» ва «бундан ҳам мустаҳкамроқ муҳаббат иплари» тўгрисида гапирияпти.

Бу фикр Жамиланинг миясидан чақмоқдек ўтиб, унла эрини албатта синаб кўрмоқ васвасаси пайдо бўлди. Аёл эрига кўз ташлади, у шу нигоҳида бутун хушфेъллиги, мулоимлиги ва итоатгўйлигини мужассамлантиришга ҳаракат қилиб шундай деди:

— Азизим, бундай бемаъни савол берадиганим учун узр сўрайману... лекин... лекин... борди-ю...—у тил үчида турган гапини айтишга ботинолмай, дудуқланиб қолди.

— Нима борди-ю?

— Борди-ю... Борди-ю оллоҳ бизга фарзанд ато... фарзанд ато қилмаса... Наҳотки... наҳотки унда, менга боғланган муҳаббаттингиз иплари заифланиб, ўзингизни батамом баҳти деб билмасангиз?

— Худо ҳақи, саволларинг билан жуда безорижон қилиб юбординг! Сенга айтдим-ку ахир, оллоҳ бизга фарзанд ато қилса, толеимиз бундан ҳам кулиб, муҳаббатимиз иплари бундан ҳам мустаҳкамланади, борди-ю... борди-ю худо бизга меросхўр беришни раво кўрмаса...— Азизнинг томоғига худди бир нарса тиқилгандек бўлиб, гапи бўлиниб қолди.—Борди-ю, худо бизга меросхўр беришни раво кўрмаса... унда... унда қўлимиздан нима ҳам келарди? Олло таолонииг буйруғига қарши юриб бўладими. Ке қўй, бундай бефойда гаплардан кўра ухлайлик!

Азиз қаллиғининг қўлинин олиб ўпди-да, уни кўкрагига босди. Аммо у биринчи бор хотинининг иссиқ бадани ўзига ҳарорат бағишлишини пайқамади, унинг юрак уришини ўз кўкраги билан сезмади, унинг енгил нафас олишини ўз юзлари билан ҳис қилмади.

Азизнинг онаси уззукун келининга рўйхуш бериш билан овора эди. У Жамилани аяб уй ишлари билан шу-

ғулланишига йўл қўймасди. У у ёқ-бу ёққа чиқиб кетиб, қайтиб келганда келинининг ҳовлида супурги кўтариб юрганини кўриб қолса борми, уни койий кетарди.

— Тузук! Мен-чи, мен? Ахир, ҳали ўлганимча йўқ-куй Супуриш сизга қолдими? Бундай нозик қўллар тилла, атлас ва ипакли нарсалар ушласа ярашади! Қани, менга беринг! Беринг, бера қолинг! Яхиси ичкарига кириб бирорта китоб ўқинг...

Жамиланинг, қайнанасига уй ишларининг ҳеч ёмон томони йўқлиги, супуриб-сидириш унга ҳеч гапмаслиги, ўтириб олиб китоб ўқийвериш ҳам жонига теккани, бир оз бўлса-да, юмуш билан машғул бўлгуси келганини тушунириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Бу эътирозларини қайнанаси тушуниши мумкин эдику-я, аммо қайнанасининг қарашлари бутунлай бўлакча эди. Унинг таъбирича бой хонадоннинг ёш аёллари ҳеч маҳал юмушга қўл урмай, фақат еб-ичиб, нафис кийинмоғи лозим эди.

Акс ҳолда қўни-қўшниларнинг гапига қолишмайдими?

Бир куни кечқурун Азиз ишдан қайтиб, Жамила одатдагидек уни қарши олган чоғда онаси ўғлининг ёнига келиб, ярми ҳазил, ярми чин ҳасрат қилиб, бугун унинг «дилбанди» уйни саранжом қилмоқчи бўлиб уринганини айтди. Азизонасининг гапини диққат билан тингландан кейин унинг «бека» уйни супурмаслиги, чангларини артмаслиги, товоқ-қошиқ ювмаслиги керак деган фикрига қўшилди. Шундан кейин Жамиланинг хоҳиши билан ҳисоблашмай улар бечора жувонни бундай юмушлардан четлатиб қўйиши.

Эртаси куни Азиз ҳам онасининг зўри билан,—бу нарса ўзининг ҳам кўнглида бор эди,—хизматкор аёл ёллаб олди. Жамила вақтини бекор ўтказиб зерикмаслиги учун ўзи унга гоҳида роман, гоҳо газета ёки журнал олиб келадиган бўлди. Жамила Азиз келтириб берган нарсаларнинг биттасини ҳам канда қилмай ўқийверди. Бироқ ўқиши уни қаноатлантирумади. Ёшлик ғурури фақат ақлий машғулот билангина қаноат топмай, жисмоний меҳнатни ҳам талаб этарди. Ёш жувон уйдагиларга хизмат қилолмаётганидан хафа бўларди.

Аввалига бу ҳол Жамилани унчалик қаттиқ ташвишга солмаган бўлса ҳам, лекин у эрининг ундан кўнгли со-вўётганини пайқагандан кейин, бу ишга бефарқ қарай олмади.

Тўйдан кейин орадан бир йил ўтиб, иккинчи йилга қадам қўйилди. Жамила Азиз билан ўзи орасида ихтилоф келиб чиқаётганига борган сари кўпроқ ишонч ҳосил қила бошлади. Улар бояги-боягидек бир-бирларини «дилдорим», «дилбандим» деб аташар, Жамила ҳар сафардагидек эрини гоҳ эшик олдида, гоҳо пиллапояда кутиб олар. Бироқ Азизнинг товушида у илтифот оҳанглари, кўзларида эса ўша завқ-шавқ йўқ эди; бу ҳол худди кун чиққандан кейин ғойиб бўладиган гуллардаги шудринг дурдоналари сингари йўқолиб кетганди.

Азизнинг чиройли чеҳраси эндиликда илгариги эркаловчи ошиқона табассум билан барқ уриб турмасди. Илгарилари бу чеҳра худди ойна сингари қалбининг ҳар бир хатти-ҳаракатларини ўзида акс эттириб турарди, энди бўлса худди денгизнинг ялтироқ сатҳи сингари ўз чуқурлигини бегона кўз ва бегона товушдан яшириб турарди.

Унинг кўзларида Жамиланинг қалбини севинч ва баҳт-саодат билан тўлдирадиган илоҳий нур чақнамай қўйган эди. Эндиликда бу кўзлардан уни ҳамон ўшандек бутун қалби билан севадиган Жамилага нисбатан ноаниқ фикрлар таралиб турарди.

Бу кўнгилсизликлар бирданига рўй бергани йўқ, сеқин-аста бунёдга келди. Жамила буларнинг ҳаммасини никоҳ кунидан бир йилча ўтгандан кейингина фаҳмлай бошлади.

У Азизнинг кун сайин ўзгариб бораётганини кўриб турарди. Унинг қалби азоб чекар, лекин у авайлаб, қадрлаб келаётган охирги мисқол баҳтидан ҳам айрилиб қолишдан чўчиб, чекаётган азоб-уқубатларини билдири масликка ҳаракат қиласарди. Гоҳида унга бу булат вақтинча қуёш юзини ундан тўсиб тургандек туюларди, бундай чоғларда у яна ҳамма ёқнинг равшанлашиб кетишига астойдил умид боғларди. У эрининг нима сабабдан кўнгли совўётганини тушунишга қанчайин ўринмасин, барибир унинг асосий сабабини топа билмасди.

Азизга муҳаббати, агар авжга минмаган бўлса, худди аввалгидек сақланарди. Ўша-ўша унинг лаблари ҳирс билан Азизнинг лабларини ахтарар, қалби эса унинг қалбига интиларди. Илгаригидек у ҳар куни кечки пайт дилдори келадиган томонга интизорлик билан тикилиб,

Эшик тагидà унгà кўз тутиб турарди. Ҳа, Азиз эса аввалгидек унинг «дилдори» эди; шундай экан, бўлмаса унга нима бўлди?

Мана шу савол эрта-ю кеч Жамилага тинчлик бермас, унинг бутун оромини йўқотганди.

Иттифоқо, бир куни у Азиз билан онаси ўртасидаги мунозарани эшилди-ю, ҳамма нарса унга аён бўлди-кўйди.

— Болагинам, қачонгача кутиш мумкин? Хотинингга бир назар ташласанг-чи, бирон бир чора қилиш керак, ахир!

— Кўлимдан нима келарди? Худо бўлсам экан, бола яратсан.

— Вой шўрим-эй! Одам деган ҳам шунаقا бўладими? Байрутга олиб бор. Дамашққа олиб бор. Ёки ўзим бир уриниб кўрай. Наслимиз ному нишонсиз ўтиб кетаверса, биз қўл қовуштириб ўтираверамизми?

— Ойижон, худо ҳақи, мени тинч қўйинг! Шундай ҳам жуда сиқилиб юрибман! Билганингизни қилаверинг!..

Бу қисқа суҳбат Жамиланинг кўзини очиб, кўпдан билмоқчи бўлиб юрган сиридан уни воқиф қилди. Бироқ, бу ҳол унинг уқубатларини енгиллаштирамади, аксинча, жувон ундан бешбаттар аламиок ва ташвишли бўлиб қолди.

Нима қилмоқ керак? У Азизни севар, унинг учун жон фидо қилишга тайёр эди; у Азизнинг илгариги соғ муҳаббатини қайта тиклаш учун дунёдаги барча нарсадан кечишга ҳам тайёр эди. Бироқ Азиз ўз муҳаббати бадалига ундан топиб бериши мумкин бўлмаган нарса талаб қиласарди.

У хотинидан бола талаб қиласарди, лекин жувон бепушт бўлса унда нима айб? Ҳа, унинг кўнглидаги шубҳаси ростга чиқди, Азиз меросхўрсиз чинакам баҳтга муяссар бўлолмас экан. Бу ҳол уни азоб-уқубат гирдоғига ташлади. Унинг фикру хаёли ягона бир ўй билан банд эди: Азизнинг қалбида муҳаббат ёлқинини қайтадан аланса олдиришнинг иложи-кори бўлармикин?.. Бирдан-бир иложи-кор — фарзанд.

Қайнанаси Байрут, Дамашқ ҳақида алланималар деди. У бу гапини нима мақсадда гапирдийкин?

Балки Байрут билан Дамашқда бола кўрмайдиганларни даволайдиган врачлар бордир? Қайнанаси ёрдам

беришга ваъда қилди-ку, ахир у кўпни кўрган аёл, балки унинг айтганини қиласа муроди ҳосил бўлар?

Умри бино бўлиб бирор кимсага дилозорлик қилмаган эди-ку, нега бунчалик баҳтсиз? Унинг Азизга бўлган муҳаббати кундан-кунга аландаги олаётган бўлса-ю, нега энди Азизнинг қалбидаги муҳаббат ўти сўниб боряпти? Унга боласиз ҳам Азизнинг ўзи бўлса бас-ку, ниша сабабдан Ал-Қарбожга ёлғиз хотиннинг ўзи кифоя қилмайди? Бечора аёлни шунчалик эзиб, руҳини сўндираётган кимса Азиз эмасми, нега энди у эрининг қилмишларига чидаб келади. Азизнинг қилмишига яраша жавоб қайтариб, худди у сингари совуққина муносабатда бўлгани афзал эмасмикин? Ўз қалбини тинчлантиришга мажбур қилиб, муҳаббат ўтини кўз ёшлари билан ўчириб ташласа бўлмасмикин?.. Балки, балки қайнанасидан бирон умид кутиш мумкин бўлар? Ундай бўлса, нега у ҳаракатини қилмай жим ўтирибди?

Кунлар шубҳа ва ташвиш билан ўтиб борарди. Уни кўз ёшлари бўғиб келар, лекин жувон ўзини маҳкам тутарди. Унинг қалби оғриқ зарбидан тарс ёрилгудек бўларди-ю, аммо у: «қалбим, шошма!»—деб тасалли берарди.

Бу сафар Азизнинг онаси ўзиникини маъқуллаб, оёқтираб туриб олди. Азиз қаршилик қилмади, Жамиланинг хоҳиши билан эса энди ҳисоблашмай ҳам қўйдилар. Шундай қилиб, кунларнинг бирида қайнанаси унга сафар хозирлигини кўришни буюорди. Эртасига улар биргаликда Байрутга йўл олишди. Қайнанаси қўшниларига келиним уйда ўтиравериб зерикиб кетди, бир саир қилдириб, унинг кўнгил чигилини ёзиб келай, деган гапларни айтди.

Улар бир ҳафтадан кейин қайтиб келишди, Жамиланинг кўз ўнгидаги яна бояги-бояги толен секин-аста ҳалокатга юз тута борди; бу толе билан биргаликда ўзининг ҳам дунёдан ўтаётганини, руҳий ўлимга юз тутаётганини сезиб турарди.

Байрут унинг кўнгил ғашликларини тарқатмади. Азиз борган сари ғамнок ва дағал бўла бошлади. Байрутга бориб келганларига қадар Азиз уни гоҳо-гоҳо, эҳтирос билан бўлмаса ҳам, ўпиб туар, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам дилбандим дерди. Эндиликда у ҳечам ўпмайдиган, яна Жамила дебгина атайдиган, шунда ҳам баъзи-баъзида-гина исмини атаб чақирадиган бўлиб қолди. У чилим чешишга ўрганди, хизматдан уйга қайтиб келган чоғларида

бир бурчакка суқулиб олиб чилим чекар, Жамила билан эса мутлақо иши бўлмасди. У ҳеч ким билан гаплашмас, бироннинг ҳам унга гап қотгани юраги дов бермасди. Лекин меҳмон-измон келган пайтларда Азиз ҳеч нарса кўрмагандек уларни иззат-икром билан қарши оларди. Соат тўққизларга яқинлашди дегунча ётоқхонасига кириб, эшикни ичидан беркитиб оларди.

Жамила мумдек эрий бошлади. Унинг бутун оламда онасидан бўлак дардкаши йўқ эди. Аммо онаси унинг юрагини тушуна қолармиди, дейсиз? Жамила унга ўз юрак дардини айтган чоғларда, она уҳ тортиб, йиғлашга турар, қизининг демоқчи бўлганига, дил аламларига фаҳми етмасди.

Она ҳам қизининг боласизлигини Азизнинг онаси сингари худойи таолонинг хоҳиши, оғир жабру ситам, одам зод кечириши мумкин бўлмаган катта гуноҳ, деб биларди. Она Жамиланинг дугоналари ўз болаларига кўкрак сути бераётганларини кўраркан, ўзининг гўзалликда шаҳар қизларининг олдига тушадиган — Ливандаги манман деган йигитлар қўлини сўраган қизининг кўкрагида сут, қўлида бола йўқлигини ўйлаганида дарди дунёси қоронғилашиб кетарди. Шу сабабли Жамила онасидан эркалатиб айтилган илиқ сўзлар эшитишга муяссар бўлмас, аксинча, унинг ўзи онасини юпатган онлари бўларди.

Азизнинг онаси Байрутга олиб бордиму, деб қўлинни ювиб қўлтиғига ура қолмади, бир йилдан кийин у келинини зўрлаб Дамашққа олиб борди. Бу сафар ҳам у қўшниларига, келиним уйда зерикиб қолди, уни бир саёҳат қилдириб келай, деб баҳона қилди.

Афуски Дамашқ ва Захле враchlari ҳам Байрутдаги-лар сингари ҳеч қандай ёрдам беришолмади. Шундан кейин Азизнинг онаси кўнглида медицина билан враchlарни қарғий-қарғий мағрибликлардан<sup>1</sup> нажот истаб, уларга мурожаат қилмоқчи бўлди. Шаҳарда бирон-ярим мағрибликнинг пайдо бўлганини эшигтан заҳотиёқ уни ўз уйига таклиф қилиб келинининг дардини унга муфассал тушунириб берарди. Бирон киши кўчада: «Донишман! Даволовчи! Муҳаббат дори-дармон! Кўз оғриғининг давоси!» деб қичқирди, дегунча ўзини Азизлар хо-

<sup>1</sup> Мағрибликлар — Шимолий Африка аҳолиси. Мағрибликларнинг кўпчилиги табиблук билан шуғулланарди.

надонида кўрарди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, Азизнинг онаси мағрибликлар санъати ҳам кучсиз эканига ишонч ҳосил қолди. Энди нима қилиш керак?

Азизнинг онаси қадам босмаган биргина даргоҳ қолди, холос. Умид бағишлиган энг охирги таянч шу эди. Шу таянчи ҳам босиб ўтилгудек бўлса, бўлак чора-тадбир қолмасди. Бу—ибодатхоналарга бормоқ эди. Бошга тушганни кўз кўрар экан! Шундай қилиб, Азизнинг онаси мўминтой, қаёққа етакласа итоат билан кетаверадиган келинини эргаштириб, ибодатхонама-ибодатхона ро-са санғиди.

Аввалига Жамила у ерларга боришдан бош тортиб кўрди. Лекин қаршилик кўрсатишнинг нафи бўлмаслигига ақли етгандан кейин қайнанасининг майлига бўйсuna қолди; у эрининг муҳаббати билан биргаликда ўз ихтиёрини ҳам бой берганини тушуниб етди. Унинг учун ҳаёт фақат азоб-уқубатдан иборат бўлиб қолди, у шунинг учун ўлнимига рози бўлган эди.

Орадан ўн йилча ўтди, бу орада Жамила турмушга чиққандан кейинги дастлабки ойларда ҳузурини суреб юрган баҳт бадар ғойиб бўлди

Азиз деярли у билан бутунлай гаплашмас, унга қайрилиб қарамасди ҳам. Кўз қовоғи гоҳ қизариб, гоҳ кўкариб келадиган бўлиб қолди. Унинг оғзидан ароқ, вино ва пиво ҳиди анқиб турарди. Тишлари сарғайиб қип-қизил чеҳраси заъфар тусини олди, мўйловлари шалпайиб тушди. Юзига бир ҳафталаб устара тегмаган пайтлари ҳам бўлди.

Азиз уйга келган чоғларда, уй қабрга айланарди— бутун хатти-ҳаракат тўхтаб қолар, ҳар қандай ҳаёт сўнарди. Ҳеч ким чурқ этиб оғиз очишга журъат этмасди. Борди-ю уйдагилардан биронтаси унинг таъбига ёқмайдиган гап гапириб ёки бирон иш қилиб қўйса борми, у бўралаб сўкар, қўлига тушган идиш-товоқни чилпарчин қилар, жиҳозларни отиб синдиради. Бир куни Жамила зебу-зийнатларини тақиб, ибодатхонага бормагани учун Азиз уни роса дўппослади ҳам.

Қайғу-ғамдан Жамиланинг юраги тарс ёрилгудек эди. Азизнинг ота-онаси Жамилага, бутун баҳтсизликларнинг бирдан-бир боиси шу деб қарашарди. Бу жувонии кўргани уларнинг кўзи йўқ эди. Бир куни қайнанасининг қайнатасига айтган бир гапи қулоғига чалиниб қолди:

— Қайғу-ғам шу ўғлимизни адо қилди. Хотинини ҳам худо осон қила қолмади. Азроил унинг жонини олар бўлса олиб, Азиз шўрликни ундан қутқармади. Ўша жувонмаргнинг умри хазон бўла қолганда, ўғлимиз туғиб берадиган бир хотин оларди-ю, бизлар қариган чоғимизда бир оз бўлса ҳам ҳузур-ҳаловат кўрардик.

Қайнанасининг Жамилага илгариги меҳрибончилигидан нишона ҳам қолмаган эди. Эндиликда келинининг супураётани, кир юваётгани ёки овқат қилаётганини кўриб турса ҳам аввалгидек: «Ўлар бўлсан ўлдим-ку! Худо ҳақи, бундан кўра қайнанангдан айрилиб қола қолганинг яхши эди»,— деб айоҳаннос солишлардан асар ҳам қолмаган эди.

Бир пайтлар Жамиланинг юмушларини адо эттириш учун олинган хизматкор аллақачонлар бу даргоҳдан бош олиб, ўз кулбасига равона бўлган эди. Эндиликда Жамила уззукун гоҳ уй ичида, гоҳ ҳовлида хизмат қиларди. Бир оз дам олгани ўтириб қолса борми, шу ондаёқ қайнанасининг: «Яна нима қилиб ўтирибсан! Ҳозир дам оладиган вақт эмас!» деган бақириқ-чақириқларини эшитарди.

Азизнинг бахтсизлигига ҳамма ҳам ҳамдардлик билдирав, лекин ҳеч кимнинг қалбида Жамилага бир қатра ҳам меҳр-шафқат деган гап йўқ эди

Жамила кўчага чиққан чоғларда бола кўтарган аёлларга рўпара келарди, улар болаларига: «Фуад (ё Бутрус, ёки Хина), холангнинг кафтига бир уриб қўйгин, бор болам, уриб қўй, зора холангга ҳам худо сендей фарзанд ато қиласа!»—дейишарди.

Улар бу гапни Жамила эшитиб, унинг зардобга тўлган юраги пора-пора бўлсин деб айтишарди. Жамила бу гапларни лом-мим демай эшитар, товуш чиқармай ийғлар, ҳаётнинг шафқатсизлиги ва ноҳақлигидан аъзо-ий-бадани титраб-қақшарди. У бирон ерга кета туриб ҳам тилка-пора бўлган умидлари ҳақида фикр юритар, уйқусида ҳам ғойиб бўлган бахтини туш кўрарди. Энди у бу дунёда яшаб қандай роҳат-фароғат кўрарди, унинг учун ҳаётнинг нима маъноси қолди?

Наҳотки барча орзу-умидлари пучга чиққан бўлса? Йўқ, мумкин эмас! Йўқса у ахир нега: «Балки... балки худонинг менга раҳми келиб қолар?.. Ахир яратган менга бир бола ато қиласа, йўқолган бахтим қайтиб келади-ку!»— деб ўйлайди.

**Жамила ўзининг бу саволига ўзи жавоб топгани жон-жаҳди билан ҳаракат қиласи, негаки, у ўзига ўзи тушуниб етолмасди. Унинг қалбини эгаллаб олган зулмат ўз-ўзини тушуниб етишига халақит берарди. Ўйлай-ўйлай, ниҳоят, у тақдирга тан бериш керак, деган қарорга келди. Шу сабабли ҳам Жамила қайнанасининг бир куни хотин-халаж ажойиб-ғаройиботлари тўғрисида гапириб юрган Биби Марям ибодатхонасига олиб бораман, деганида ҳеч гап-сўзсиз унга бўйин эгди.**

Ақлга тўғри келмайдиган ажойиб-ғаройиб воқеалар юз берадиган замон ўтиб кетди, деб ўйлаган киши Ли-ванга келиб, бу ерда 1910 йилда нималар содир бўлганини сўрасин. Бир жувон ўн йил бадалида бола кўрмади, унга на врачларнинг илми, на мағрибликлар санъати фойда келтирди, ибодатхоналарга бориб ҳам даво топмади, бироқ худо Биби Марямни ярлақасин, Азиз ал-Кирбож онасининг эрта-ю кеч чин дилдан қилган нолаизори унинг қулоғига бориб етди.

Ҳақиқатан ҳам Азизнинг онаси қилган илтижолар зое кетмади! Ўша йили Жамила ҳомиладор бўлди. Якка хонадондагина эмас, бутун бошли шаҳарча бирданига ўзгарди-кетди. Азиз қайтадан уни «дилбандим» деб атай бошлади. Бироқ бу сўз Жамилани қиттак бўлса ҳам хурсанд қилмас, ўткир тиф сингари юрагига бориб қадалар, у эрини «дилдорим» деб ҳам атамас эди.

Эндилиқда Азиз уйига чўнтағи-ю қўллари лиммолим совға билан келадиган бўлди. Ал-Кирбожлар хонадонида қайтадан оқсоч аёл пайдо бўлди. Худди илгари-гидек қайнанаси Жамиланинг стуллардаги чангни артаётган ёки декчадаги овқатни кавлаётганини кўриб қолгудек бўлса: «Бу нима қилганингиз? Худо ҳақи, бундан кўра қайнанангиздан айрилиб қола қолганингиз дуруст эди»,—деб жаврайдиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, Ал-Кирбожлар хонадонига тинчлик ва осойишталик париси кириб келди.

Азиз ичкиликни таркэтиб, ёлғиз чилим ҳам унга кайф берадиган бўлиб қолди. Унинг чехрасида қайтадан табассум пайдо бўлиб, кўзларида баҳт нури чарақлаб кетди. Азизнинг онаси шаҳар аҳолисининг қутловини обдан эшигандан кейин, уларининг ҳар биринга, эринмай бу ишда унинг тақдир қиларлик хизмати йўқлигини айтарди. У: «Худо ярлақагур Биби Марямнинг шарофати билан бўлди!» дерди.

Азизнинг севинчи шунчалик ичига сифас сиғмас даражада әдик, ҳатто у Жамиланинг паришонхотирлигини ҳам пайқамасди. У илгарилари Жамиланинг қип-қизил юзи ни гул-гул яшнатадиган фаришта табассуми бутунлай ғойиб бўлиб, худди шу чеҳрани оғир саросималик аломатлари қоплаганини ҳам кўра билмасди. Бир вақтлар Азизнинг қалбига кириб, унга баҳт-саодат баҳш этадиган қувноқ, жарангдор кулги энди эшитилмасди. Кишини ўзига мафтун этадиган кўз қарашлари узун киприклари орасига яшириниб, нигоҳи шу топда ёш қуёлиб чиқадигандай қайғули туюларди. У хотинининг товушидаги дард-аламни сира ҳис қилмасди. У хотинини чеҳраси сўлиб, сарғайиб кетгани, қошлари доим чимирилиб, қалбидаги азоб берәётган жароҳатни яширмоқчидек эканини кўрмади. Борди-ю, Азиз хотинида одатдагидан ташқари бир нарса сезгудек бўлса, буни ҳомиладорлик пайтидаги табний бир ҳол деб билди.

Жамила худди қобиғига ўралиб олган чиғаноқ сингари ўз ички дунёси билан якка-ёлғиз ўзи бўлиб қолди.

Ҳаётида биринчи дафъа ўз қалбига қўл солиб кўрган эди, уни ваҳима босди. Ҳаётида биринчи бор ўзидан-ўзи бу ҳодиса-воқеаларнинг маъноси нимада?— деб сўради. Унинг болалиги, ёшлиги, турмушга чиққандан кейинги ҳаёти, доимий кўнгилшикасталик бир лаҳзагина кўриниш бериб, тубсиз чуқурликка ғарқ бўлган баҳтнинг маъноси нима? Илон сингари унинг қалбини ғажиган ташвишли, Байрут, Дамашқ ва Захлега боришлар-чи, ибодатхоналарга қатнаш, азиз-авлиёларга сифииш, охири йўқ тоат-ибодат—буларнинг ҳаммасида нима маъно бор? Шу ҳам ҳаётми? Борди-ю, шу ҳаёт экан, унинг мақсади нимада? Ҳомиладор бўлиб эр билан унинг ота-онасига ёқиш учун меросхўр туғиб беришдами? Мана у ҳомиладор ҳам бўлди-ку, ахир энди нега норози? Бироқ, шу ишни қилишга нега юз тутди?

Бу ҳаёллар ноймол бўлган умидларининг сояси сингари ундан аримас, жувон бу ҳаёлларни ўз миясидан қувиб чиқара олмасди. У ўзининг сеҳрли ҳаёллари гирдобидан чиқиб, эри билан онасининг муҳаббати интизор бўлиб, қайнанаси билан қайнатасининг илиқ сўзлари кутиб турган кундалик ҳаёт қўйнига кириб кетмоқ учун қанчалик ҳаракат қилмасин, бу ишнинг уддасидан чиқа олмади. Эрининг бўса олишлари унинг қалбини заҳарлаётган оғу, қайната ва қайнанасининг илтифоти эса,

юрагига санчилатган тиғдек бўлиб қолди. У ўзини шамол дараҳтдан узиб олиб, кимсасиз, узоқ, нотаниш хароба ерларга учирив кетган япроқдек ҳис қиласарди. У ўзини фақат ўз уйи, эрининг хонадони, шаҳаридангиша эмас, бутун оламдан ҳам бегона деб билди. Руҳий ётлик ҳардақиқа, ҳар секундда унга азоб-уқубат баҳш этар, унда ҳаётдан, бутун дунёдан жирканиш ҳиссими уйғтарди.

1911 йилнинг 10 май куни эди — бу ўша Ливаннинг тоғлиқ районларида истиқомат қиласиган кишиларгагина маълум бўлган баҳор кунларидан бири, бу ўша ҳали ҳеч кимса унинг барча гўзал сифатлари, кўркамликларини ёзиб удалай олмаган кунлардан бири эди.

Азиз ал-Кирбож ўз ишларини тугатиб уйига қайтиб келганда, қуёш секин-аста уфққа томон оғаётган эди. Одатда хотини уни кутиб турадиган пиллапояда ҳеч ким йўқ. Онасидан Жамиланинг қаёққа кетганини сўраган эди:

— Бир соатча бўлди, айланиб чиқиб кетувди, ҳалигача дараги йўқ!..— деб жавоб берди она.— Қайтиб келаётиб қўни-қўшниларникига кирган бўлса керак.

Бу жавоб Азизни қониқтирумади, ахир у Жамиланинг кейинги пайтларда худди одамлар чаён ёки заҳарли илондай улардан ўзини нечоғли четга тортиб юришини биларди. Шу сабабли у кўчалик кийимларини кийиб кетдимикан деб, тўғри хотинининг ётоқхонасига кирди. Хонага кириб боргаидан кейин Жамиланинг уйда кийиб юрадиган кийими билан чиқиб кетганига инонди. Бундай қараса, Жамиланинг ётоқ уйи ивирсиб ётибди. Худди шу дақиқада, ўз-ўзидан «дилбандим» қаёққа кетганийкин, деб сўраб турган эли, тошойна ёнидаги столча ўстида ётган бир варақ қофозга кўзи тушди. У қофозни қўлга олиб, унга ёзилган сўзларни ўқиди: «Эман дараҳти тагида бўламан. Жамила».

Бу сўзларни ўқигандан кейин эман дараҳти томонга ўқдай отилди. У бу эманинг ҳар бир япроғини беш бармоғидек биларди. У дастлабки муҳаббат шодлиги билан маст-аласт бўлиб, янги турмуш болини тотиётган пайтларда шу эман дараҳти тагида Жамила билан ўтирган эди.

Азим эман дараҳти тепаликнинг энг чўққисида қад кўтарган, унинг тагидан зилол сувли ариқ шилдираб оқиб турарди. Унинг теварак-атрофида ҳам кўп йиллик

дарахтлар бор эди-ку, лекин бу эман шу дараҳтлар орасидағина эмас, балки шу даҳадаги энг кексаси эди.

Азиз эман ёнига етиб келди-ю, тарашадек қотиб қолди.

«Дилбандим! Дилбандим!» Ерда, нақ оёғи тагида Жамила узала тушиб ётарди. Унинг эгнида никоҳ күйлаги, у бундан ўн бир йил муқаддам худди шу күйлакни кийиб руҳоний Булос қаршисида Азиз билан ёнма-ён барқ уриб яшнаб турган эди. Унинг бошига гулчамбар ўралган, ипакдек майин соchlари тўзғиб елкаларини қоплаган эди. У ёнбошлаб қўлига тираниб ётарди.

— Жамила! Жамила!

Жамила жавоб бермади. Азиз умидини узмай, у балки ухлаб ётгандир, деган хаёлда энгашиб, унга боқди. Бироқ, унинг бошини кўтариб боқди-ю, эсини йўқотиб, додлаб, ўзини орқага ташлади. Жамила жонсиз эди.

Азиз бор иродасини ишга солиб, хотини тепасига қайтиб келди. Бундай қараб, унинг кўйлагидаги кўкрак бурмаси устида уларнинг никоҳ кийимида тушган суратларини кўриб қолди, унинг ёнида, майсалар устидағижимланган қофоз вараклари ётарди; кўринишдан аёл бу қофозларни йиртиб ташламоқчи бўлгану, лекин ажал бунга йўл қўймаган. Азиз қалтираётган қўллари билан қофозни олиб, унга битилган сўзларни ўқий бошлади:

«Дунёда энг қадрли, энг азиз дилдоримга!»

Худди шундай бир кунда руҳоний Булос бизларни турмуш или билан боғлаган эди, мана энди орадан ўн бир йил ўтгандан кейин ўлим бизни бир-бири миздан жудо қиласпти.

Қайта учрашармиканмиз? Борди-ю нариги дунё деганлари рост бўлса, сизни янги дунё остонасида, қучоқларимни кенг ёйиб кутиб тураман. Шунда яна сиздан: «Дилдорим, ишларингиз жойидами?»—деб сўрайман. Оҳ Азиз! Қани энди, ҳозир ёнимда бўлсангиз! Шу топда, ўлимга ҳозирланаётган чоғимда сизни ҳар бир бўсангиз учун алоҳида ташаккур билдиримоқчиман. Ҳар бир лазиз сўзингиз учун, ҳар бир ёқимли қарашингиз учун миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Бир пайтлар мени бу дунёда ғам-ташвиш деган нарсалар бор эканлигини унтишга мажбур қилган эдингиз. Уша вақтлар муҳаббатингиз тухфаси экан. Бунинг учун сизга катта раҳмат, Азиз! Ширин-ширин хаёллар гирдобига фарқ бўлиб, ўзимни ерда эмас, фалакда ҳис қилдим. Бу хаёллар

сизнинг муҳаббатингиздан баҳр олган эди. Бунинг ҳаловатларини тотиб кўрдим. Бу ҳузур-ҳаловатлар сизга катта раҳмат, Азиз! Жаннат ҳузур-сизнинг муҳаббатингиз меваси эди. Бунинг учун ҳам нима бера олдим! Ўз чиройим, соғлигим ва бегуноҳли-гимни бердим. Бутун борлиғимни бердим. Шу бера ол-гуноҳкорманми? Сизга ёлғиз Жамиланинг ўзигина камлик қилди, ахир менга бу дунёда сиздан ўзга ҳеч ким даркор эмасди-ку! Сиз мен учун бутун борлиғим эдингиз. Менинг баҳтим ёлғиз сиз, сизнинг муҳаббатингиз эди. Аммо сизнинг баҳтингиз учун менинг муҳаббатим озлик қилди. Авваллари буни пайқай олмадим, кейинчалик ақлим етмаган иарсалар намоён бўлди. Мени севганингиз учун, ўзимни ҳаддан зиёд баҳтиёр ҳисоблаб, сиз ҳам менинг муҳаббатимни қозониб ўз баҳтингизни топгансиз деб билибман. Янгишганимни билган оним азоб-уқубат гирдобига ғарқ бўлдим! Меросхўр ҳақида сўзлашганимиз ёдингиздами? Ҳали бефарзанд тотли ҳаёт нашъасини суратганингиз йўқми?— деб сўраганим эсингиздами. Менга берган жавобингизни эслайсизми? Лекин, менга берган жавобингизга қарамай, ўзимни алдашга ҳаракат қилдим. Сизнинг болалик бўлиш истагингиз табиий ҳолу, менга муҳаббатингиз олло таолонинг бизга меросхўр ато қилишига боғлиқ эмас, деб ўзимни ишонтиromoқчи бўлдим. Кейинчалик аён бўлган ҳақиқат менга қанчалик дарду алам бағишлаганини билсангиз эди!

Бола кўрмаслигимга ишонганингиздан кейин, мени худди хурмо данагидек билиб, қайрилиб қарамай қўйдингиз. Бу ҳам камлик қилгандек, менга заҳарли илондай, нафрат кўзи билан қарайдиган бўлиб қолдингиз. Сиз аввал чекиши, кейин ичкиликни, ундан кейин ҳақоратлаш ва калтаклашни одат қилдингиз. Зебу-зийнатларими ни тақиб ибодатхонага боришдан бош тортганимда, мени урганингиз ёдингиздами? Оҳ, сизнинг муштингиз ҳам оромбахш эди! Вижданан айтинг-чи, мен худди арвоҳдек уйга кириб-чиқиб юрганимни кўриб турган пайтларини гизда, менга нисбатан қалбингизда ақалли заррача бўлса ҳам раҳм-шафқат деган нарса бормиди? Ахир, баҳса ҳам раҳм-шафқат деган нарса бормиди? Ахир, баҳса ҳам раҳм-шафқат деган нарса бормиди? Ахир, баҳса ҳам раҳм-шафқат деган нарса бормиди?

қон билан жон борлиги, бошқа аёллар сингари менинг ҳам ҳис этишим, азоб чекишим мумкинлигини, наҳотки унутиб қўйган бўлсангиз. Наҳотки, қалбингизда заррача ҳам ачиниш ҳисси қолмай, шунчалик қаҳрли, тошбафир бўлиб кетган бўлсангиз? Оҳ, ўша дамларда қалбимга жиллақурмаса биргина назар ташлашингизни жуда жуда истардим, ахир авваллари порлаб турган кўз қарашларингиз билан қалбимнинг энг чуқур ерларига ҳам кириб бориб, у ерда нималар бўлаётганидан хабардор бўлардингиз-ку!

Жароҳатланган қалбим қанчалик дардга мубтало бўлганидан хабарингиз йўқ! Дастрлабки жароҳатни сиз бердингиз. Муҳаббатингиз аввал бошданоқ шахсан менга, табиатли ва кўнгли мойил одамгагина бағишлиманнаганини сезган чоғимда жароҳатланган эдим. Сиз менинг сийномда бўлажак болаларингизнинг онасини севардингиз, менинг сийномда ўлимидан аввал сизга меросхўр қолдириб кетадиган аёлни севардингиз. Сизга бу ҳол табиийдек туюлса-да, мен учун ўлимдан ҳам оғир эди. Сизга менинг ўзим керак эмасу, шаҳвоний нафсингизни қондириб, насл-насабингиз йўқ бўлиб кетмаслиги учун менинг танамгина кераклигини сезганимдан кейин худодан ўлим тилайдиган бўлдим. Бунга сизнинг фаҳмингиз етмайди. Хотин кишининг фақат бола туғишдан бўлак фазилати ва хислатлари борлигига ҳали ҳам ақлингиз етмайди. Менга танҳо сиз бўлсангиз бас эди, лекин мен, ўзингиз айтганча, сиз учун зарур эмасдим. Бу нарса менга қандай азоб берар, қалбимни қанчалик тирнарди! Сизни қизлик чоғимда ҳам севардим, ҳозирга қадар ҳам севаман. Фақат мени урган чоғингиздагина кўзимга балодек бўлиб кўриндингиз. Эндиликда бўлса, ҳатто ўша воқеани ҳам пушаймон бўлмай эслайман, қанийди ҳозир ҳам ёнимда бўлсангизу, майли эди хоҳласангиз бу юзимни ҳам тутиб берардим.

Балки, мени бошқа аёлларга ўхшатмай, болани ёмон кўради, уларни тарбиялашни истамайди, деб ўйларсиз? Оҳ, биттагина ўғил кўрармиканман, деган хаёлда, нечанеча тунларни бедор ўтказганимни билсангиз эди! Мен уни ўз бағримда кўриб туардим, унинг ширин уйқудан кўз очиб пинжимга тиқилаётганини кўрардим. Жажжигина юрагининг дукиллаб уриши қулогимга чалинار, лўппи-лўппи қўлларининг ҳаракати, ҳовлида атайчекак қилиб биринчи бор қадам ташлаётгани кўз ўнгим-

да намоён бўларди. Унинг «ойи» деб чақирған тонуши неча-неча марталаб қулоғим остида жарағлағасиннилиди. Хаёлан бир неча бор белашчаги тенасида ўтириб уни аллалардим ҳам!

Лекин сизнинг ҳеч нарсадан хабарнингиз йўқ. Ҳали дунёга келиш-келмаслиги номаълум бўлган бола учун борингки, ўз бахтимни қурбон қилишидан бош тортган тақдиримда, бу ҳол ҳеч маҳал болаларга нафрат кўзи билан қарап эмаслигини наҳотки тушунмасаңгиз? «Узоқдаги қўйруқдан. яқиндаги ўпка яхши», деган мақолни бир эсга олинг! Сизга худди бир қулдек итоат қилардим, уй юмушлари билан шуғулланишимга ҳам ижозат бермадингиз, қўни-қўшниларининг таъиасига қолманглар, деб унга ҳам чурқ этиб оғиз очмадим. Меросхўр туғиб бермаганим сабабли кўзингизга бало-қазодек кўринаётганим учун ўзимни-ўзим мажбур қилиб врачлар, азиз-авлиёлар ҳузурига, ибодатхоналарга қатиай-қатнай ҳолдан тойдим. Ёлғиз ўзим қолган пайтлар ва ўша муқаддас жойларга қатнаб юрган кезларимда қанча-қанча кўз ёшлари тўkkанимдан бехабарсиз! Мени қилча ҳам назар-писанд қилмай, мендан ўзингизни олиб қочиб юрган чоғларингизда юрагим қон-зардоб билан тўлиб-тошарди! Ота-онангиз менинг ажалим етиб, Азроил жонимни ола қолса-ю, сизнинг суқсурдек ўғил туғиб берадиган бошқа бир хотинга уйланишингизни исташарди. Мана сизни холи қўйиб бу дунёдан бош олиб кетяпман! Балки, менга қараганда чиройлироқ, туғиб берадиган бошқа бир аёл топиб оларсиз. Кеча-ю кундуз худодан ажал тилаганларимда ҳам хасга ёпишиб ётган эдим; бу хас зўр-базўр милтиллаб турган умид эди. Бошимга тушган барча кулфатлар, сарсонликлар, хўрликлар ва азият чекишларга қарамай, ўзимга ўзим: «Балки... Балки бир мўъжиза бўлиб фарзанд кўриб қолсан-а!» дердим. Шундагина ҳеч бўлмаса ўша аввалги муҳаббатингизни, ғойиб бўлган толеимизнинг сояси қайтиб келару, деган умидда эдим. Сизга ёқиши, илгариги муҳаббатингизни тиклашга бўлган орзу-умидим мени жиноят соҳилига итқитди, борди-ю, бу гуноҳимни сиз кечирған тақдирингизда ҳам, ўзимни ўзим асло ва асло кечира олмайман. Қўп ўтмай ажал бизни бир-биримиздан айиради, шу сабабли, бу гуноҳни ортиқ яшириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Шу кунларда мен қорнимда жажжиғина таша билан кичкинагина қалб кўтариб юрибман. Бу гўллак қайтадан

чехрангизга табассум, кўзларингизга нур бағишилади, лекин у сизнинг қонингиздан эмас.

Сизни деб, сизга ёқай деб ўз қалб поклигимни қурбон бериб, ўз танамни мурдор қилдим. Эндиликда билсам тавба-тазарру билан кечирилмайдиган гуноҳ қилган эканман. Мұхаббатингизни бевафолик ёки шармандалик әвазига сотиб олмоқчи әмасман...:

Бу бахти қора боланинг қорнимда қимирлаётганини сезиб турибман, у яшамаслиги лозим. Унинг жажжигина қалби беномус онасининг қалби билан баробар уришдан тўхтайди. Унинг отаси ким? Бунинг сизга қизифи ҳам бўлмаса керак, унинг кимлигидан қатъи назар гуноҳкорлигимча қолавераман.

Сиз, бу бола сизники әмаслигини билсангиз бас. Бинобарин, унинг мен билан бирга ҳалок бўлгани учун қувонарсиз ҳам. Шуни ёдингизда тутингки, Азиз, бепушт мен әмас, сиз бепуштсиз, лекин сизнинг кўз олдингизда ҳам, бошқалар кўз олдида ҳам гуноҳкор сиз әмас, мен. Ўз-ўзимни ўлдиришим ҳам жиноятми? Ахир, аллақачонлар ўлиб кетмаганимидим? Ахир, шунча йиллар сизни деб яккаланиб, бирорлар назаридан қолиб кетганимда, қалбим парчаланиб, бутун вужудим жароҳатланган чоғларда қурбон бўлиб кетмаганимидим? Шундай экан, менинг қотилим ким, сиз әмасми? Хайр майли, ўтмишга қайтиш йўқ. Азиз, менинг кўнгил қўйиб севган кишим аллақачонлар йўқолиб кетган ва қайтиб келмайди ҳам. Эндиликда ҳаётнинг кераги йўқ.

Буларнинг ҳаммасини нега ёзяпман-а?

Яна бир дақиқадан кейин, бармоқларим қимирламай қолади, фикрларим ғойиб бўлиб, қалбим умрбод уришдан тўхтайди. Мана қуёш ҳам уфқа томон оғяпти, мен әсам, қуёш нурлари әман дарахти билан хайрлашгунга қадар, ўз ҳаётим билан видолашмоқчиман. Тепамда унинг яшил баргларида чумчуқлар чирқилламоқда. Қушларнинг сайрашидан ҳам ажойиброқ нарса борми? Сувнинг шалдираши, баргларнинг шитирлашидан ёқимлироқ товуш борми?

Дастлаб бир-биримизга севги изҳор қилган пайти-мизда, шу ерга келиб, ўтирганимиз ёдингиздами?

Оҳ, қани энди ёнимда бўлсангизу, бу дунё билан хайрмаъзур қилишдан илгари ақалли бир марта бўлса ҳам бағримга боссам. Мұхаббатимиз шу ерда бунёдга келган эди, уни шу ернинг ўзига дафн қиляпман.

Никоҳ куни бирга тушган суратимизни қўлимда ушлаб турибман. Ўша куни сиздан чиройли, сиздан хушмуомала киши бормиди? Ўшандақа мўйлов, ўшандай сеҳрли кўз, ўшандай нур ёғилиб турган юз сиздан бошқа яна кимда ҳам бор? Оҳ, қани энди чин қалбдан севгани, ўз баҳтим деб билган, ўз ҳаётим деб билганим, Азиз қайтиб келса!

Сиз билан бўлган онларим қанчалик ҳузур эди, Азиз! Муҳаббатингиз баҳш этган ҳар зарра баҳт учун мингдан минг раҳмат! Сизга деган бемаъни гапларим ва сиз тўғрингизда юритган бемаъни фикрларим, сизга етказган озорим, хуллас, қилган ёмонликларим учун узр сўрайман. Жон бераётган чоғимда ҳам номингиз тилимдан тушмайди! Жасадимга шу суратни қўшиб кўмишнинг иложи бўлармикан? Мен, муҳаббат нималигини тушуниб етган онимдан бошлаб қалбим чамбарчас боғланган кишининг тасвири билан абадий уйқуга кетишини истардим... Мендан ўтган хатоларни кечиришингизни ўтиниб сўрайман... Онамдан бўлак ҳеч қандай васиятим йўқ: Она! Онажон! Азиз онажонгинам! Энди менсиз ҳолингиз не кечаркин?..

Оҳ Азиз, борди-ю, қабрим устида бир қатра... бир қатрагина кўз ёши тўккудек бўлсангиз... сизни маҳшар кунига қадар кутиб туардим... Алвидо, азиз дилдорим! Алвидо, Азизим! Дилбандингиз Жамила».

Азиз ал-Кирбожлар шаҳарчасида яшайдиган бир одам уни тасодифан Нью-Йоркда учратиб қолиб, иккичи марта уйланганми, йўқми, шуни сўрабди. Азиз чуқур хўрсинибида-да: «Жамила танҳо эди, энди ундақаси топилмайди!»— деб жавоб берибди.



## ОЛМОС · ТУИ

Фифони фалакка чиқиб, хуноб бўлиб ўтирган бош редактор жаҳл билан телефон трубкасини олди: у икки соатдан бери бўлажак сайловларга, ўз партиясининг қўйган кандидатини қувватлаб мақола ёзишга қанчалик уринмасин, ҳеч нарса чиқаролмаётир. Ёзади, йиртади, ёзади йиртади, шу билан ўнлаб қоғозларни нобуд қилгандир, бу лаънати телефон ҳам йигирманчи марта жиринглаётгандир. Қани энди мана шу трубка тошга айланса-ю, уни ишдан қўйиб, фикрларини чалфитаётган кишининг бошига бир туширса!

Аммо редактор иложи борича ўзини босиб трубкани олди, босмахона директори экан, уни овозидан таниди.

— Ҳа-а-а, сенмисан... Ҳўш, нима гап, айта қол? Тинчликми, босмахонада яна бирор ҳодиса рўй бердими?

- Йўқ. Ундан ҳам баттар...
- Ишчилар ғалаён кўтаришяптими?
- Йўғ-э, унақа гап йўқ! Лекин...
- Ундан бўлса нима гап, ахир? Чўзаверма. Ишим бошимдан ошиббди, бекорчи вақтим йўқ...
- Бир кампир келди... У ҳеч қўймаяпти... Сиз билан учрашмоқчи эмиш.
- Ким у? Менда нима иши бор экан?
- Исли Фитна<sup>1</sup>. Айтишича, фақат сизгина ҳал қилишингиз мумкин бўлган шахсий масала эмиш.
- Фитна? Э-э, қизиқ экансан, нима, ўзимиздаги фитналар камлик қиласптими? Йўлини қилиб жўната қолсанг бўлмайдими? Яхши гап билан... Ёки, жуда бўлмаса дўқ-пўписа билан жўнатвор, жаҳаннамга улоқтирир.
- Шунча уринсам ҳам, ҳеч нарса чиқмади. Биласизми, муҳтарам бош редактор, у шу қадар мункайиб қолганки, босмахонага келиб кишининг ўзи ишчиларни ишдан қолдиради.
- Кўчага ҳайда! Йўқ, йўқ, бу кампирларни, фитна бўлмоқ тугул ундан баттари бўлса ҳам қабул қилишга вақтим йўқ!
- Муҳтарам бош редактор, зўрға юрибди, сал тегсанг ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. У шу қадар мункилланки, у одамга эмас, шарпага ўхшайди.
- Айтиб қўй, бошқа куни келсин.
- Лекин у сиз билан шу бугун, ҳатто ҳозир учрашман деб тиқилинч қиласпти.
- Нима ҳам дердим, худонинг айтгани бўлади,— ахирни редактор таслим бўлди.— У билан бирга кел. Лекин кампирга беш минутдан ортиқ вақт ажратада ол-маслигимни тушунтириб қўй...

Редактор хонасининг эшиги очилиши ҳамон, кампир босмахона директори билан бошлишиб кириб келди. Унинг қўлидаги ҳассаси ҳам ўзига ўхшаб қайишган эди. Унинг оддийгина кийим-боши қамбағалликдан дарак берид туради, аммо усти-боши топ-тоза эди. У бош редакторга таъзим билан салом берди, сўнг стулга ўти-

<sup>1</sup> Ф и т н а — арабча иғво, васваса дегани.

риб олиб, оқариб кетган соchlари устидаги қора рўмолини тузатди-да, гапга тушди. Қампирнинг оғзида биронта ҳам тиши қолмаганидан бўлса керак гапини тушуниш қийин эди, сўзлари орасида ҳуштак чалиниб турарди.

— Мен, Фитнаман.

— Қадамингизга ҳасанот. Фитна, бизга нима васвасани бошлаб келдилар?

— Айбга буюрмайсиз, қулогум яхши эшитмайди. Барака топкур, ботлироқ гапир.

— Қадамларига ҳасанот,— деди редактор, қаттиқ бақириб,— нима хизматга келдингиз?

— Мен Фитнаман. Ёқубнинг хотини бўламан.

— Ассалому алайкўм... Фитна. Ёқубнинг хотини, «Аннур» газетасининг бош редакторидан нима истайдилар?

— Ёқуб... Ёқуб... Ажабо, сен уни билмайсанми?

— Афсуски, йўқ...

— Марҳум отанг уни жуда яхши кўргувчи эди!

— Ҳар иккаласини ҳам худо раҳмат қилсин! Қани, у ёғини эшитайлик!

— Отангни худо раҳмат қилаверсин. Менинг эrim, худога шукур, ҳали тирик.

— Үндай бўлса, унга худонинг раҳмати керак эмас. Хўш, хўш!

— Ёқуб бир юз бешга кирди. Мен тўқсон бешга. Бугун бизнинг олмос тўйимиз.

— Сиз муҳтарам, мени юбилей тантанангизга таклиф этгани келдингизми?

— Бугун бизнинг никоҳимиз ўқилганига етмиш беш йил бўлди,— бош редактор сўзини эшитмагандек сўзида давом этди кампир.— Буни фақат уч киши: мен, Ёқуб ва худо билади. Шу дақиқадан бошлаб сен тўртинчи бўлдинг...

— Ўҳ-ҳў, хоним олло таолонинг ўзи учинчи бўлган улфатчиликка тўртинчи бўлиб қўшилиш — бу катта баҳт. Лекин Фитна билан Ёқубнинг юбилейларига менинг нима алоқам бор экан?

— Эшитмаяпман. Айбга буюрмайсиз. Қарилик-да, қарилик.

— Ўзингизга ёққан сўзни эшитасизу, маъқул тушмаган сўзни эшитмайсиз!

— Жаноби олий, мени масхара қила кўрма. Шундай қари одамни масхара қилиш енгилтаклик, бемаънилик, гуноҳ.

— Олмос тўйингизга менинг нима дахлим бор деб сўрайаман?!

— Ҳамма гап сенда-да болам.

— Менда?!

— Ҳа, сенда. Агар Ёқуб бўлмаганида эди, сен бугун шу ерда ўтиргаган бўлардинг.

— Менинг эрим туфайли, шу ерда ўтирибсан демоқчимисан?

— Ҳа. Ёқуб газета ташкил қилинганидан бошлаб отангнинг ўнг қўли бўлиб келган. Дастрлаб улар икков эди. Ҳарф терувчи ҳам, босувчи ҳам, сотувчи ҳам Ёқуб эди. Отанг бўлса, бошқарар ва-таҳрир қилар эди.

— Ёқуб газетада қанча хизмат қилди?

— Эллик йил. Мен буни сен биларсан деб ўйлагандим. Марҳум отанг Ёқуб ҳақида сенга гапирмас эдими?

— Э, холажон, мен газетанинг эгаси эмасман! Газетани ташкил қилган кишининг ўғли ҳам эмасман. Шунчаки бош редакторман, холос. Тушундингизми? Мен ҳам Ёқубга ўҳшашибир хизматчиман. Газетанинг эгаси ўлгандан кейин газета қўлдан қўлга ўтиб юрган. Газетанинг ҳозирги эгаси Ёқубни билмайди. Редакцияда эрингизни биладиган биронта киши йўқ. Тушундингизми?

— Уни танишмайдими? Ёқуб ҳақида эшитишмаганими?! Ёқуб шу газетани деб эллик йил жон фидо қилиб ишлаган, наҳотки шуни унутган бўлсанг? Ҷарҳақиқат замон ўзгариб, одамлар ҳам бошқача бўлиб қолишибди...

Кампир чўнтағидан бир парча илма-тешик, лекин топтоза латтачани олиб кўз ёшини артди-да, жим бўлди.

Бош редакторнинг чеҳраси ўзгарди. Унга ўжарлик тусини бериб турган ажинлар силлиқлашди, жаҳлдор кўзлари жилмайди. У ўрнидан туриб, кампир томон энгашди-да, мулојимгина гап бошлади:

— Э, холажон, нима демоқчи бўлганингизни энди тушундим. Сиз ва Ёқуб мендан нима истайсиз? Шу газета ташкилотчининг меросхўри бўлмай, фақат бош редакторгина бўлсам ҳам, талабларингизни қаноатлантиришга ҳаракат қиласман. Айта қолинг, нима талаб қилмоқчисиз?

— Юбилей, жаноб олийлари, юбилей. Бўлак ҳеч нарса керак эмас.

— Олмос тўйларингизни яхшироқ ўтказиш учун пул ёрдам қилинишини сўрайсизми?

— Йўқ, йўқ, ундаи эмас! Раҳмат, тақсир. Гап бунда эмас. Ёқубнинг бу дунёдан шундай ўтиб кетаверишини кўриш мен учун оғир, бу ҳодиса эса яқин кечаларнинг бирида рўй бериши мумкин. У дунёдан кўз юмиши билан унинг номи ҳам ўчади. Шунинг учун у эллик йил умрини бағишлаган шу газета унинг меҳнатларини тақдирлашини истар әдим. Унинг олмос тўйи муносабати билан газетангизнинг бир сонида расмини босиб чиқарсангиз, у ҳақда яхши маълумот ҳам берсангиз. Бу ҳамма нарсадан аъло бўларди, шундан сўнг Ёқуб ҳам тинчгина кўзини юма қоларди. Ёқубнинг номини абадийлаштиrsa арзиди.

— Холажон, номни абадийлаштириш учун буюк хизматлар қилган бўлиши керак. Эрингизнинг нима хизмати бор?

— Юз беш йил ҳаёт кечирди. Шунинг ўзи етарли эмасми? Бу камдан-кам учрайдиган ҳол. У сенинг газетангда эллик йил ишонч ва сидқидиллик билан ишлади. Чоракам бир аср яхши эр бўлди. Ёқуб — умрида ҳеч кимни хафа қилмаган ва ҳеч кимга ёмонликни истамаган инсон. Наҳотки, шу камлик қиласа? Тўғри, фарзандимиз бўлмади. Аммо бирорнинг баҳтига ҳеч кўз олайтирадик. Сиз, эркаклар орасида Ёқубга ўхшагани кам учрайди.

— Хотинлар ичида сизга ўхшаганлари-чи?

— Мени масхара қилма, болам. Тўқсон бешга кириш ҳазил эмас, уни масхара қилиш ярамайди.

— Масхара қилаётганим йўқ, холажон. Демоқчи бўлганингизга энди тушундим.

— Ҳақиқатан тушундингми?

— Ҳа. Тушундим.

— Мени алдамайсанми?

— Худо сақласин! Сиз ва Ёқуб учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиласман.

— Худо ҳайрингни берсин, жаноблари. Мени айбга буюрмайсан. Қампирлар табиатан мужмал бўлади. Ҳатто уларнинг башараси ҳам ёқимсиз бўлади, овози қулоқни тешади.

— Лекин Фитна кампир унақалардан эмас-ку!

— Ҳа, ҳа... Худо сени ўз паноҳида сақласин. Айбга қўшмайсан.

— Омон бўлинг, холажон.

Эшик ҳали ёпилиб ҳам бўлмаган эди, кампир яша қайтиб кирди:

— Сендан илтимосим шуки, хабар беш сатрдан кам бўлмасин ва шу бугунги сонда чиқсан. Мен бу совгани Ёқубга олмос тўйимиз куни тақдим қиласам дейман.

— Худо хоҳласа, истаганингиздек бўлади.

Кампир бош редактор хонасидан чиқиб кетди.

«Аннур» газетасининг ўша кунги сонида сайлов ҳақида бир сатр ҳам сўз бўлмади! Бунинг ўринига газегада бош редакторнинг кекса Фитна билан учрашуви, уларнинг суҳбати ҳақида каттагина мақоласи босилди. Унда автор азбаройи берилиб кетганидан босмахона ишчиларининг ҳеч кимга маълум бўлмаган оғир ва машаққатли меҳнатини батафсил очиб берган. У бир асрдан ортиқ давом этган умрни маҳорат, ақл, идрок ва кўз илғамас фикрларга бой ажойиб ҳаётни мақтайди.

Мақола кам учрайдиган мақолалардан бўлиб чиқди. У фикрларининг оригиналлиги, ёқимлилиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб турарди. Одамлар газетани талаб кетиши ва тезда охирги нусхасигача сотилиб бўлди.

Эртасига «Аннур» газетасининг бутун бир полосаси газета ходимларининг Фитна билан Ёқубнинг ҳурматига, уларнинг хароба уйчаларида ўтказилган ажойиб тананали ўтиришга бағишлиланган эди. Бунда бир неча фотосуратлар ҳам берилган эди. Шу бетдаги энгажойиб нарса, Ёқубнинг эсадаликларидан ташқари, етмиш беш шам ўрнатилган жуда катта ширин пирог ҳақидаги гап эди. Шамларни кекса юбиярнинг ўзи ёқиб, ўзи ўчирди.

Кеча ҳақидаги ҳисбот тубандаги сўзлар билан тугалланган эди:

«...Ёқуб етмиш бешинчи шамни пулаб эди, у ўчди, шам билан бирга Ёқубнинг ҳаёти ҳам сўнди...»



МАРУН АББУД

### МИЛАД

Бу жабру-жафолардан тоқатим тоқ бўлди, э, яхшилар, жондан ҳам тўйдим.

У чап қўл бармоқларини бирма-бир букиб, ўзига-ўзи: Милад, сигир билан бузоққа овқат сол, Милад, эчкиларни далага олиб чиқ, уйни супур,— дейди.

Онасининг овозига ўхшаш товуш билан минғиллади:

— Бўйларингга жоним қоқиндиқ бўлсин, Миладжон, сув олиб кел. — Жим бўлиб хәёлидан бир нарсани ўтказди да, тўсатдан опаси томон ўгирилиб, хон-жаҳди билан қичқирди:

— Куни бўйи эшитганинг: «Хой Милад, уйни супур, Милад, идишларни юв, ҳой Милад, кир юв, ҳой Милад, хамир қил, Милад, тандирга нон ёп...» Ахир ўлимимга рози бўлдим-ку. Бош қашигани ҳам вақтим йўқ!

Миладнинг бу гапларйідан опаси Фрусинә кулиб юборди. Опасининг кулганидан аччиғланган Милад, уни қўрқитган бўлиб, тишларини фижирлатди. Фрусина кулганича гап бошлади:

— Гапларингни эшитсам, эрта-кеч қироатхонлик билан банд бўлиб, овқатланишни ҳам унутиб қўядигач руҳоний Маркус эсимга тушади. Буларнинг ҳаммаси биздақа деҳқонларнинг иши, жоним. Мен бекор ўтирибманми? Онанг-чи? Отанг, укаларинг-чи? Ҳаммамиз ҳам ишлайпмиз-ку!

Фрусинаянг охирги сўзларини елкасида бир боғ ўтин кўтариб келаётган Миладнинг онаси эшитганди. У тўхтаб, опа-уканинг гапларига қулоқ солди. Уйга кириб келар экан, ўғли Миладни кечиргандек, кулиб қараб қўиди.

— Мана, ўзи ҳам дам олмайдиган ва бошқаларга ҳам тиним бермайдиган фаришта келдилар,— деди Милад онасига кўзи тушиб.

— Нима деяпсан, жонгинам?— деди онаси меҳри жўш уриб.

— Ҳеч нарса, йўлингдан қолма,— деди аччиғланниб Милад.— Тилинг ширин бўлгани билан, одамга тиним бермайсан.

— Ҳа, гапларингни эшитдим.

— Тоқатим тоқ бўлди. Уйимиз дўзахга ўхшайди. Ундаги ҳаёт сизларнинг башараларингизга ўхшаб, жонга тегди.

Шундай деди-ю, Милад ташқарига чиқди. Онаси у билан ёнма-ён борар экан, ҳазил гаплар билан уни юпатмоқчи бўлди. У кулмагунча ва ҳаяжондан тушмагунча, она бечора уни эркалатиб, юпатди.

Она уйга ёлғиз қайтар экан, уйга толди: «У ҳақ гапни айтди, умринг бино бўлиб, меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқани билмайсан. Бечора Милад бирор кун ҳам рўшнолик кўрмади!»

Унинг миясига қандайдир қўрқинчли фикр келди шекилли, юзида жиддийлик намоён бўлди. Қўз ўнгини босган қора булут, узоқдан унга гапириб келаётган қўшниси йўлда кўриниши биланоқ тарқалган эди.

— Ҳозир ҳамма бола ҳам сенинг ўғлингга ўхшаган Умм Сайд,— деди қўшниси.—Ҳамма бало Игнатиуснинг ўғлида. У Байрутда икки кун туриб, кеча қайтиб келди. Янги-янги гап топиб келибди. Ҳа-ҳа, Умм Сайджон анча янгиликлар олиб келди. Болаларни биласан-ку, ақли ни-

мага етади. Эҳтиёт бўл, ўғлинг у билан учраша кўрмасин, оқибати ёмон бўлади, опажон.

Умм Саид қўшнисига яқинлашиб, ундан бу гапи билан нима демоқчи бўлганини тушунтиришни илтимос қилди. Улар йўл ўртасида туришарди. Умм Саиднинг қўлида ҳар турли нарсалар солингган сават, қўшнисининг елкасида сувлик кўза бор эди. Улар гапга шунчалик берилиб кетишган эдикি, гап сотишини яхши кўрган хотинларни доим койидиган «Қишлоқ танқидчиси» улар ёнидан ўтмаганида, Умм Саид ҳали-бери уйига қайтмаган, кўза кўтарган хотин эса ўз йўлига кетмаган бўлар эди. Қўшниси етказган янгиликлар Умм Саидни ташвишлантириб қўйди. Унинг қалин лаблари титрарди. Бу гаплардан қаттиқ таъсирланганидан қўли ҳеч нимага бормасди. Нимаики ишга уринмасин, қўли бормайди. Шу кўйи бир соатдан кўп ўтириб қолди. Ниҳоят, туш бўлиб қолгани ва тез орада эри овқатлангани келиши эсига тушди. Эри жудаям инжиқ, у росмана тўйиб овқатланади. Унга овқатни кўп берсанг бўлгани! У ҳамиша: «қоринни боллаб тўйғазиб олмасанг, оёғингни кўтаролмайсан», дер эди. Умм Саид ўчаққа олов қалади ва ясмиқ ҳозирлашга киришди. Лекин қўшнисининг гапи ҳамон унга тинчлик бермасди. Саросимада қолган, ўз фикри билан банд Умм Саид деразадан кўчага қараган эди, уйлари ёнидан ўтиб кетаётган бошқа қўшни хотинга кўзи тушди. Салом-алиқдан кейин, Умм Саид уни уйга таклиф қилди.

Қўшни хотин кириши биланоқ суҳбат яна бошланди. Яна Байрутга бориб келган йигит ҳақида гап кетди. Бу йигит бутун бир қишлоқнинг тинчини бузган эди. Суҳбат қизиб, анчага чўзилди. Хотинлар қишлоқдагиларни бирма-бир эсга олишар, улардан ёзғиришарди. Ниҳоят, иш бундай давом этиши мумкин эмас деган қарорга келишди. Қатта ёшдагилар Америкага, кичикроқлар эса, Байрутга кетса, дәҳқончиликни ким қиласи, рўзғорга ким қарайди?

Абу Саиднинг йўталини эшилган қўшни хотин ўзини панага олиб бошқа эшикдан чиқиб кетди. Абу Саид пишиллаб иккинчи эшикдан кирди. У гап қотмасданоқ, Умм Саид уни ҳорманг, у-бу деб кутиб олди.

Абу Саид лабларини аранг қимирлатиб, «уҳ» деб қўйди-ю, бўйрага ўтирди.

— Худога шукур-э.

— Хуш келибсиз,— деди унга жавобан Умм Саид.

Абу Саид графиндаги сувни шимирди, мўйловларини артиб, ундан паришонлик сабабини сўради.

— Қулоқ сол, жуда ёмон хабар.

— Худо ҳақи, менга қара, қайси, қачон сен яхши хабар топгансан?—деди кулиб Абу Саид.—Ҳамманинг ташвишини тортаверма деб минг марта айтганман-ку, Умм Саид, азбаройи худо, маъюс ўтирганингни ҳеч кўрмай.

Эрининг бу гапи Умм Саиднинг кўнглини ранжитган бўлса ҳам, жанжал чиқишидан чўчиб, ҳеч нарса демади. Умм Саид бир оз тинчигач, яна юрак ютиб гап бошлади.

— Мен сенга бир сирни айтмоқчиман.

— «Сир» дема,— унинг гапини бўлди Абу Саид,— бари бир сен билган сиринг — товуқ титкилаган тупроқдан фарқи йўқ.

Умм Саиднинг жаҳли чиққанидан нафаси ичига тушиб кетди.

— Қани, гапир-чи,— деди раҳми келиб Абу Саид.

— Қайси куни Байрутдан қайтиб келган қўшнимнинг ўғли,— гап бошлади Умм Саид,— ўғлимизни йўлдан урибди. У Байрутдаги ҳаётни шунчалик мақтаятики, бир фалокат юз бермасин деб, қўрқаман. Ўғлимиз яна у билан кетиб қолмасин.

— Тўғри айтасан,вой жинни-еї! — деди қатъият билан Абу Саид ва кулди.—Кетса, кетаверсин, нима бўбди? У бари бир дайди итга ўхшаб қайтиб келади. Қўй уни ўз ҳолига, ўз бахтини ўзи излаб топсин.. Бегона жойларда яшаб кўрсинг, ўшанда ўз уйининг қадрига етади.

Умм Саид эрига бақрайиб қолди. Эри сўзида давом этиб:

— Хўш, нега мунча уккига ўхшаб тикилиб қолдинг? Сен ҳамиша совуқ хабарларни ташиб юрасан! — деди.

Умм Саид ҳўнграб йиглаб юборди. Абу Саиднинг юраги узилди, умрида биринчи марта шундай аҳволга тушиши эди. У гапни бошқа томонга бурди.

— Ке, қўй, биз ҳам одамларга ўхшаб бир-икки кун тинч яшайлик,— деди хотинига мулойимлик билан.— Сен, балки «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деган мақолни эсингдан чиқаргандирсан. Тангри сенга ёр бўлсин. Тур, менга овқат олиб кел.

Унинг эркалатишидан ўзида йўқ суюнган бечора хотин чаққон ўрнидан турди. Милад уйга ҳали қайтиб келма-

гани учун, ўғли келгунча сабр қилиб туришни илтимос қилди. Абу Саид ўғлини кутиб ўтириши хоҳламади.

Абу Саид овқатланиб ишига кетди. Ҳавонинг қовоғи солиқ, анчадан бўён чақмоқ чақарди, у бўлса, ёмғир ёғиб кетгунча ишни тамомлаши керак эди.

Кечқурун Умм Саид ўғли билан Байрут тўғрисида гап очмоқчи бўлиб турган эди. Абу Саиднинг шопдай мўйловлари диккайганига кўзи тушди-ю қўрққанидан ҳеч нима демади.

Милад эртасига барвақт туриб Байрутга кетди. Болашу кетганча уч кунгача дому дараксиз кетди. Ниҳоят, кимдир уни шаҳарда кўрганлигини айтди. Ҳафта ўтди, иккинчи ҳафта ҳам ўтди, Милад ҳамон уйга қайтмаган эди.

Қишлоқда: «Абу Саиднинг ўғли оч, жулдуру кийимда уйма-уй гадойчилик қилиб юрибди» деган гап тарқалди... Аммо бу гап-сўзлар одамларга кам аралашадиган Абу Саиднинг қулоғига дарров етиб бора қолмади. У ердан бошқа ҳеч нимага ва ҳеч кўмга ишонмасди. Ерга сажда қилмаганларнинг ўлгани яхши. У, «Ишламаган — тишламайди» дер эди.

Аммо Умм Саид қишлоқда «Узун қулоқ» номини олган маҳмадана қўшнисидан ўғли ҳақидаги гапларни билиб олган эди. Умм Саид кўп йиғлади. Рождествога<sup>1</sup> икки кун қолганда, у эрига:

— Қўй, мен бориб Миладни қидириб топиб келай,— деди. Эри рад жавоби қилмасданоқ, унга термилиб, шоша-пиша:— Худо ҳақи, жавоб бер. Ўйда ўғлим бўлмаса, байрам татирмиди?

Абу Саид хўмрайди.

— Үтинаман, шаҳарга боришга рухсат бер,— зорланган товуш билан гапирди Умм Саид.

— Бора қол, ишинг ўнгидан келсин, Умм Саид,— жавоб берди у.— Эгнингга кўйлак тикиб ол. Кўйлаклик яrim йилдан бўён сандифингда ётибди. Туфлигинг қаерда?

— Кўйлакни кечқурун тикаман, туфлини эса... Умм Ҳабибникини олиб кияман.

— Шошилмай тикавер,— деди кулиб Абу Саид,— шошилмасанг ҳам бўлади. Агар у байрамда ҳам Байрутда қолса, таъзирини ейди.

— Йўқ, йўқ! Ҳеч-да!

<sup>1</sup> Рождество — Исо туғилган кун байрами.

— Яхши, гапинг тўғри. Тайёргарлик кўр. Уни олиб кел,—деди Абу Саид.

Эрим яна ваъдасидан қайтмасин деб, Умм Саид ҳен нарса тикмади. У ҳамма нарсани, ҳатто сандал, чулки ва бошқа керакли майда-чуйдаларгача қарз олди... Эртасига байрам деган куни кечаси Умм Саид Байрутга етиб борди.

Байрутда Миладга баҳт эшиги очилмаганди. Шаҳарда унга ўхшаганлар кўп бўлиб, улар чигиртга сингари судралиб юришар эди. Уларнинг бири ҳаммоллик қиласар, иккинчиси гадойчилик, учинчиси ўғирлик қиласарди. Милад буларнинг ҳаммасини ҳам қилиб кўрди ва ҳар вақт иши ўнгидан келмасди. Ҳаммолчилик, тиланчиликдан тушган даромад қорнига юқ ҳам бўлмасди. У озиб-тўзиб, бир ҳолатда бўлиб қолганди. Усти-боши яғир, эскиб, тўзиб кетганди. Унинг афту ангорини кўрган одам ундан жирканарди. Бола рождество кечаси ўткинчиларнинг сахийлик билан садақа беришларини эшитиб, хайрият, энди тўйиб овқат ерканман деб, умидланди. Унинг қорни очликдан ғулдирап, оёғида аранг турарди. Милад отасининг «сайёҳ учун бир бурда нон ҳам азиз нарса» деган сўзини фамгинлик билан эслади. Лекин унда бирор увоқ ҳам йўқ эди; тинкамадори қуриб, бозор томон йўл олди.

Милад магазин эшикларига қўйилган байрам арчаларини қўриши билан севинчидан кулиб юборди. Улар қишлоқдаги қишки анжир дараҳтини эслатарди. Бола хўрсинди-ю, бир бурда нон излаб йўлида давом этди. Бир бурда нон анқонинг уруғи эди, унга эришиш очиқкан, силласи қуриган Милад учун амри маҳол эди. Кўча муюлишига бурилганда, илгакларга тумшуғидан осиб қўйилган пиширилган куркаларга кўзи тушди. Булар унга товуқларга ўхшаб қўринди.

— Худо ҳайрини берсин! Булар товуқ-ку!— деди севинчига сифмай улар ёнидан ўта туриб.

Милад яқин ўртадаги кафелардан қошиқларнинг шарақлаган ва бокалларнинг жаранглаган товушини эшитар экан, онасининг ўтган йилги байрамда тайёрлаган нонуштаси эсига тушди. Аччиқ хўрсиниб, ал-Бурж майдони томон йўл олди. Кун жуда совуқ, шимолдан шамол эсади. Милад увада кийимда қалт-қалт титрарди, қани энди бир қултим вино бўлсайди.

Кўчама-кўча тентирашдан ҳолсизланган бола муқад-

дас Георгий соборининг деворига суюнди, қўлини чўзиб қичқира бошлади.

— Сахилар, очга бирор нарса беринглар, очга раҳм қилинглар!

Одамлар унинг ёнидан ўтиб кетишаверар, ҳеч ким тўхтамас. Ўнга ярим киршадан чақа ташлашди, лекин уларни жам қилганда битта нон ҳам келмасди. Милад яна авжига чиқиб ялиниб-ёлвориб тиланди, шундагина чақалар бир оз кўпайди. У чақаларни санаб, кейин кир шапкасига солди.

Ниҳоят, иккита оби нонга етадиган чақа йифилибди. «Худога шукур»— ўйлади Милад ва инжилдан қўйидаги байтларни эслади: «Қидиринг ва топинг, чақиринг, шунда сизга дунё очилар». Милад ўз қайғуси ва азобларини ажойиб тасвирлаб, ўткинчиларни ўзига чорларди, унинг тиланчилик санъатини мукаммал эгаллаб олган дер эдингиз. Аммо бу унга кўп фойда келтирмади, чунки муқаддас собор эшиги ёнида тўпланганлар тарқалишган эди.

Милад тилянишдан тўхтаб, шапкасидаги пулларни охирги марта санаб кўрди. Кечки овқат таъминланган, ҳатто яна эрталабга ҳам етар эди. Хурсандлигидан кетмоқчи бўлиб турганда қандайдир бир бола уни туртиб, қўлидан шапкасини юлқиб қочиб қолди.

Милад овози борича бақириб, шапкасини олмоқчи бўлиб, муттаҳамнинг орқасидан югурди, лекин у очиқиб дармонсизланганидан боши айланиб йиқилди...

Кўчанинг қарши томонида қандайдир бир аёл икки бахтсиз кўча боласининг арзимаган пул учун жанжаллашаётганини кузатиб турарди. Унинг раҳми келди ва жафокаш томон йўл олди. У борар экан узун кўйлаганинг этакларини ўқтин-ўқтин босиб оларди. У қоқилар ва туфлиси оёғига тор бўлса керак, оқсоқланарди.

У ғужанак бўлиб ётган бола ёнига аранг етиб келиб тўхтади. Унинг кўзларида ёш, юзлари ёнарди, боши айланарди. Қисқа вақт хаёл сургандан кейин,— бу вақт унинг бошида қандай фикрлар пайдо бўлганини ким билади дейсиз,— бегона болага ўзидағи энг сўнгги тийинларни беришга қарор қилди.

Боланинг елкасига қўлини узатиб:

— Ҳай бола, тур, юр мен билан, қорнингни тўйғазаман,— деди.

Кўзини аранг очган Милад:

— Ойижон,— деб юборди.



### И У Қ, Т А Қ С И Р...

Ситт ал-Ихва қадди-қомати келишган қиз. Боши сал бир томонга энкайганроқ, чеҳрасидан зийраклик билиниб турарди. Боқишиларида шўхлик ва қувонч барқ урар. Кўз қорачиғларидан қандайдир орзу-умидлари борлиги сезилиб турарди. Ҳамма вақт олға интиладиган, ўз йўлидан четга чиқмайдиган, бир сўзлилиги унинг юзида барқ уриб турарди. Агар кулиб турган ювош кўзлари ва чиройли лаблари бўлмаганда эди, у чинакам қайсар одамини эслатарди. Юзида, кулгандан, унга тенгсиз латофат баҳш этувчи кулдиргичлари бор. Унинг хўлқидаги қатъиятлик гапларидан билиниб турарди, гапирмаганда эса унинг ҳуснига яна ҳусн қўшилгандай бўларди, бу сукутлик олтин билан баравар деган доно сўзниңг тўғрилигиги ни англатарди.

Ситт ал-Ихванинг етти ака-укалари бор эди. Лекин шу етти ўғилнинг ичида Ситт ал-Ихвани алоҳида севиб, эркалатадиган холаси, жияни ёнидан ўткундай бўлса борми, унга суқланиб қарап ва дилидан: «Худо ҳақи, у худди менга ўхшайди-я!» деб қўярди.

Ситт ал-Ихва балоғатга етиб, йигитлар унинг кетидан тўдалашиб юришадиган бўлишди, аммо қариндошлари унинг юриш-туришини қаттиқ назорат остига олишган эди, ахир, қизларнинг тақдирини, одат бўйича қариндошуруглари биргаллашиб ҳал қиласди-ку.

Қариндош-уруглари, амакиваччалари, тоғалари, амакилари, қайсар онаси ва ҳатто шол отаси — ҳаммалари уни яхши ва бой оиланинг кўримсиз ўғлига эрга тегишга мажбур қилишмоқчи бўлишди. Қариндош-уругларидан ҳар бирининг ўзига яраша ўйи бор эди; фақат муҳтожлик машаққатларини тортган ёлғиз онагина қизининг яхши ҳаёт кечиришини ўйлар эди. Тажриба унга севги ўтиб кетишини, бойлик эса қолишини кўрсатган эди.

Кўп ва узоқ панд-насиҳатлардан кейин онаси қизининг күёвга муносабатини билиб, унга: «Сен унга кўни-кишинг керак», дерди. Ситт ал-Ихва кулиб: «Онажон, ахир у таоммидики?..» деб жавоб қайтарарди.

«Албатта ҳамма нарса ўрганишга қарайди», дерди онаси. Шунда Ситт ал-Ихва күёвни яхшироқ кўрмоқчи бўлди, лекин қараса, оиласи танлаган күёви яқиндан яна ҳам бадҳазм эмиш.

Қиз севгувчи холаси Ситт ал-Байтга маслаҳат солгудай бўлса, у доимо жавоб беришдан бўйинтовлар: «Эркинг ўз қўлингда. Унга тегишга ким сени мажбур қиласди?» дер эди.

Қачонки Ситт ал-Ихвани ҳоли-жонига қўйишмаганларида, холаси унинг ёнига келиб, кифтига қўлларини қўяр ва қошларини чимириб, бир нима демоқцидай унга тикилиб қолар, аммо ҳеч нарса демасди.

Бир куни Ситт ал-Ихва ёлвориб: «Гапирсангиз-чи хола, нима дардингиз бор?» Аммо холаси бурилиб ўз йўлига кетар экан: «Ҳеч нарса», деб қўя қолди.

Қиз ҳайрон..

Бир куни Ситт ал-Ихва холаси нимаям қилганида отаси ундан ранжиб: «Бунинг ўжарлиги ўлганда қолади», деганини эслади. Шунда Ситт ал-Ихва бу сўзнинг маъносини билмоқчи бўлди.

У баъзан кутилмагандага чигил тугушини ечинига мунис-  
саар бўлгандай, бу муаммони биллинига мунаффақ бўлди.  
Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ситт ал-Ихва: «Холижон,  
сен бу дунёнинг кулфатларидан қутулиб, яхши иш қили-  
гансан», деганда, холаси қовоғини солиб:

— Ушанда худонинг продаси бўлганди, у мени қўли-  
лади. Умр бўйи жафо чеккандан кўра, бир марта чидла-  
ган яхши. Худонинг менга раҳми келди,— деди.

Ситт ал-Ихва холасига:

— Эҳ, худойим! Наҳотки, худо қарисиз бўлиб қоли-  
шингизни афзал кўрди, холажон!— деди гулгуи очилиб.

Ситт ал-Байт қулиб жавоб берди:

— Худо ҳақи, ажойибсан! Менга ёшлик чогимни эс-  
латасан. Йўқ, бўйингдан қоқиндиқ, бу худонинг буйру-  
ғи билан эмас, йўқ: одамларнинг хоҳиши билан бўлди.  
Ҳамма балога гирифтор қилган мана шу одамлар.

— Қўйинг холажон, мени масхара қилманг... Наҳот-  
ки, шундай бўлса? Худо ҳақи, галиринг, нима гап. Мени  
ҳам тузоққа илинтиришмоқчи.

Ситт ал-Байт жиянига тикилиб қолди, шу пайтгача  
яшириб келган сирини гўё тўкиб солмоқчи бўлди-ю, яна  
жим қолди. Қиз холасининг юзларидан ўпар, у бўлса  
уни аста итариб, кўзи тўла ёш, тикилганича гапирди:

— Тур ўрнингдан, бориб ибодат қилиб келайлик.

Ситт ал-Байт бундан иккى минг йил илгари Адонис  
ибодатхонаси бўлган қадимги черковга кириши билан  
тўхтади, бу ер қоп-қоронғи эди. Кўз қорачиғлари ке-  
нгайгандай, у ҳозир худо номидан гапираётган пайғам-  
барга ўхшаб кетарди. Ибодатхона эшиклариға қўллари  
билан уриб, жангда ғолиб келганини гапириб бераёт-  
ган лашкарбошининг овозига ўхшаш товуш билан гап  
бошлади:

— Шу деворларнинг тили бўлгандага, кўп нарсаларни  
айтиб берган бўлардилар. Менинг қиссам анча узун, уни  
бингланлар аллақачонлар бу дунёни тарқ этган. Шулар-  
дан фақат сенинг отанг тирик. Менинг бошимдан ўтган  
воқеа ҳам худди сеникига ўхшаган, жонгинам! Сен:  
«Ютганим ўзимники-ю, чайнаганим гумон» деган мақол-  
ни эшитганмисан. Биласанми, жуда тўғри айтилган.  
Эшит, мен уни бутун қалбим билан севар эдим. Ишон-  
санг, севги мени тамомила қамраб олган эди. Йигит  
йўлбарсдай паҳлавон эди, кўз қарашлари арслонникига  
ўхшарди. Үнга турмушга чиқишимга рухсат этишмади.

Улар мени бошқага берамиз деб, бебурд бўлиб қолдилар. Тўй пайшанба куни масленица байрамига белгиланган эди. Биз севишганлар, никоҳдан бир кун илгари учрашдик, юрагим гупурарди, ўзимни тутолмай, унга: «Мен сеники» дедим. У жуда ҳайрон бўлиб: «Фотиҳа нима бўлади?» деб қолди. «Мен ҳаммасини ўз зиммамга оламан», дедим. Шундай қилиб биз келишиб олдик. У менга томон энгашган эди: «Нари тур! Ҳозир менга ёндошма» дедим. Очифини айтсам, жонгинам, унга ҳатто кўйлагимнинг этагини ҳам ўптирмадим.

— Худо ҳақи, айт, холажон, у ким эди?

Ситт ал-Байт хандон ташлаб:

— Унинг номи, сенинг дўстингнинг номига ўхшаш— Михайл.

Ситт ал-Ихва оғир хурсиниб, қўлини беихтиёр тиззасига ташлади. Холаси эса сўзида давом этарди:

— Қулоқ сол, биз сенинг манфур холанггача ҳеч бир аёл қилмаган ишни қилишга қарор қилдик.

— Холажон, сен манфур эмассан, олижанобсан.

— Ҳа, азизим, аммо ҳар қайси авлод, олдин ўтган авлодларнинг афзалликларини улуғлайди.

Ситт ал-Байт андаккина сукутга кетди, бу ҳол жиянига мангудек туюлди. У холасининг юзига суқланиби қараб турарди. Унга холаси ҳали жуда ёш кўриниб кетганди. Унинг юзлари, айниқса, кўзлари қандайдир янги тиниқ нурни акс эттиради. Қиз жимликни бузишга жасорат қилолмасди.

Ситт ал-Байт унчалик совуқ бўлмаса ҳам кампирларга ўхшаб қалин кийимга ўралиб олган эди. Аммо Ситт ал-Ихва уни қадди-қомати барваста, самбиттол новдаси сингари тасаввур қиласди.

Тоқатитоқ бўлиб, сўради:

— Холажон, ундан кейин нима бўлди?

Кампир ўзича нималарнидир фудранди, кейин ўтирган жойидан турди.

— Улар мени шундай ясантиришдики, биронта келинчак бунчалик ясанган эмасди. Мен ҳаммадан ҳам чиройли эдим. Биз йигитлар қўшифи ва хотинларнинг хурсанд кийқириғи билан уйдан чиқдик. Ибодатхона ҳовлисида тўхтаб турдик. Халқ йиғилди. Черковда одам лиқ тўла ва гуж-ғуж эди. Поп никоҳ ўқишини бошлади. Михаилни кўриб ҳамма ҳайрон қолди ва уни мақтаб кетди. Дъякон: «Ҳой хотинлар, худога қанчалик сажда қилсан-

ғиз, эрларингизга ҳам шунчалик итоат қилинг, чуники хотин, эркакнинг измида бўлади», деб ўқий бошлади. Михаилнинг ранги қув ўчди, ҳеч кимга сездиримай унга кўз қиrimни ташлаб ҳам эдим, у тинчиidi. Йъякои:

— Исо пайғамбар ибодатхонанинг боши бўлгани каби, эркак ҳам хотиннинг бошиидир. Черков Исо пайғамбарга бўйсунганидек, хотиннинг имон-иҳтиёри эрида бўлади,— деб сўзини давом қилди. «Апостол»дан сўнг поп инжилдан, эркак ўз ота-онасидан ажраб, ўз хотини ёнига бориши ва улар бир тан-бир жои бўлишлари лозим. Худонинг амри билан боғланган бу жуфтликни одамзод ажратолмайди, деган васиятларни ўқиди. Шундан кейин поп насиҳатгўйликка ўтди. У никоҳ вақтида айтиладиган: «Бахтиёр келин, эрингга айтганларимни эшитдингми?» деб сўз бошлади. Бу гапларни эшитган Михаил гоҳ қизарар, гоҳ бўзарар, унга зимидан кўз қирини ташлаганимда, у яна тинчланарди. Поп вазъхонликда давом этарди. «Менинг ҳар икковингизга қиласидиган насиҳатим: эрингга, тангрига итоат қиласидай итоат қилишинг лозим, унинг ҳамма айтганларини қилишинг ва гуноҳдан бошқа нарсаларда итоатда бўлишинг керак. Сен унга раҳмдил бўл ва уни сев, унга содиқ бўл ва ғамхўрлик қил. Камтар ва сертакаллуф бўл, ҳамма сипо хотинлар сингари ўз мавқенингда тур. Ақлли хотин бебаҳо бойлик».

Ситт ал-Ихва астойдил маза қилиб кулди ва:

— Сен шуларнинг ҳаммасини ёдлаб олдингми-а! Ҳатто ўша домланинг ўзи ҳам сенчалик билмаса керак!—деди.

Холасига бу мақтоллар жуда ёқиб тушди шекилли, жавоб қилди:

— Саводхонликда холангга етари йўқ эди. Бутун бир қишлоқда мендан бошқа ўқиш ва ёзишни биладиган қизлар йўқ эди. Ундан ташқари, холангнинг овози яхши эди, шундай қўшиқ айтар эдики, поп ва дъякон унинг овозини эшитганда жим қолишарди. Менга халақит берма, ҳикоямни тамомлай. Узил-кесил ҳал қилиш пайти келган эди, поп куёвга мурожаат қилиб: «Ҳой, қадрдан ўғлим, Лавандус, шу ерда турган тангрининг қули Ситт ал-Байтни хотинликка оласанми?» Лавандус ўйлаб-нетиб ўтирасдан дарров: «Ҳа, албатта, тақсир!» деди. Шундан кейин поп мен томон бурилиб, сўради: «Сен-чи, содиқ қизим, Ситт ал-Байт, шу ерда турган тангрининг қули Лавандус билан тақдирингни боғлашни хоҳлайсанми?» Мен жим турардим. Шу ерда ҳозир бўл-

ғанларнинг баъзилари: «Ўяляпти, тортинчоқлик қўйяпти» деб шивирлашарди. Бошқалари: «У «ҳа» деди, ҳурматли поп, уларни никоҳ қиласверинг», дейишарди. «Мен ҳеч нарса эшиитмадим, саволимни тақорлайман»,—деди поп. Шунда мен: «Йўқ, тақсир!» деб юбордим. Орқа томондан бировнинг: «Қиз гёё бир сирли сандиқ, унда сир тўлиб-тошиб ётиби!» дегани эшитилиб қолди. Ҳеч қачон бундай бўлмаганди! Ҳамма ҳаяжонда эди. Баъзи бировлар: «Бу қандай шармандалик-ал» деса, бошқа бировлар: «Юзимизни ерга қаратма, Ситт ал-Байт», дейишарди. Лекин мен ўз айтганимда туриб олдим, ҳар қандай ялинниш, алдашларга учмадим. «Охири марта нима дейсан, қизим?» сўради поп. «Сўнгги марта ҳам биринчи марта нима деган бўлсан, ўшани дейман» деб жавоб қилдим. Поп ёпитрахилни бўйнидан олмоқчи бўлганида, амаким унга: «Андак шошманг тақсир, унга насиҳат қилиб кўрай-чи», деди. Жон-жаҳдим билан попга: «Тақсир, гувоҳ бўлинг, мен Михаил Бутрусга тегаман», дедим. Оломон ичидан Михаилнинг: «Тақсир, гувоҳликка ўтинг, Ситта ал-Байтни ўзимга хотинликка қабул қиласман», деган товуши эшитилди. Қаҳр-ғазаб аланга олди ва ҳамма ёқ қонга беланди...

Ҳозир бўлганлар иккига бўлинди. Меҳробда на биронта шам, на биронта шамдан қолди, ҳаммасини синдиришди; китоблар, қандилларни отишар, ҳатто бухурларни бир-бирларига итқитишарди. Фақат биргина олтин косага ҳеч ким тегмаган эди. Ўзини дахлсиз, муқаддас ҳисоблаган бу руҳоний нима қиласини билмай қотиб туарди. Соқолларигача қалтиради.

— Сиз нима қилдингиз?— деди Ситт ал-Ихва.

— Нима қилдингиз дейсанми? Бу аҳвол нима билан тугашини кутар, ҳамма нарсага тайёр туар тудим.

— Эрга чиқишингиз нима бўлди?

— Эрга чиққанлигимни тасдиқлашди, қизим, аммо улар бизга ибодатхонага боришни тақиқлашди, шундан сўнг анчагача уйда қолдим.

— Пировардида нима бўлди?

— Ибодатхона ҳар қандай гуноҳни ҳам кўп ўтмай кечади. Яна ибодатхонага борадиган бўлдим. Биз Михаил билан келишдик, шунга кўра, у мендан олдин Америкага кетадиган бўлди. У ерга боргандан кейин безтак касали билан ўлди, мен эса Марселдан орқамга қайдим. Мана холангнинг тарихи, бошидан ўтган гапларни

ашитиб, кўнглиниг жойига тушдими, қиамі Мен сенга ҳаммасини айтиб бердим.

Ситт ал-Ихва:

— Демак, «Тақсир, гувоҳликка ўт» сўзи никоҳ фотиҳасининг ўринин босарканда? — деди.

— Албатта. Бу одат, заиф қизлариниң эркани ҳимоя қилиш учун ўйлаб топилган.

— Модомики бундай қизлини қонуний ва мумкин бўлса, нега улар сизларни ибодатхонадан қузани қилишиди?

— Бундай никоҳ қонуний ҳисобланади, аммо бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Бу хил воқеалар камдан-кам бўлғанлигидан, бизнинг она черков белгилаб берган қоидага қарши исён деб қаралган. Шунинг учун одамлар менинг бу ҳаракатимни маъқуллашмайди. Мен асрлар мобайнида белгилаб қўйилган қонуимлар олдида шу қилган ишимни яхши деб ҳисоблайман.. Севги фалсафага муҳтоҷ эмас. Баъзан заиф, шу билан бирга, севған қиз қаҷрамон бўлиб чиқиши мумкин. Айниқса, агар ўтибнатаан ҳолангга ўхшаса, ҳамма ерда ғолиб чиқади. Йиқо пайғамбар Лазарни севгани учун уни тирилтириди. Ахир мен ўз юрагимни нима учун умрбод гўрга кўмиб юборишим керак экан? Ахир, менинг юрагим битта-ку? «Йўқ» дейининг билан бир умрга тинчланасан. Қонун, албатта, керак. Агар у бўлмаса одамлар ҳайвонга айланниб кетади, лекин қонун одамларга зулм қилмаслиги лозим. Худди шунинг учун ҳам: «Тангри ва унинг апостоллари ҳурмати учун!» деган сўзлар шу маънога эга. Тангриининг айтганларига итоат қилмоқ керак. Агар сдамлар қонунни бузишадиган бўлса, нотўғри иш қилишади... Ишонасанми, Михайлни ҳар куни тушимда кўраман. Мен фақат шу билан овунамай.

Ситт ал-Ихва кулди, аммо холаси:

— Масхаралайвер, мазах қилавер! Агар ишонасанг, қачонки панд-насиҳат сўзларни айтиб, «муқаддас Михайл ва Жаброил» деган сўзларга стганимда бугун аъзойи баданимни титроқ босади.

— Бечора Михайл!

— Мазах қилма, қиз, чинакам севги ўлмайди. Ҳар қайси отнинг ўз чавандози бор. Тур ўринингдан, кеч кириб қолди, қайтамиз. Сендан сиримни маҳфий тутинни илтимос қиласман. Сен ҳам ўз тақдириниғни оиласиб ол. Қизлар табнатан уятчан бўлишади. Узинги дадда тут,

Бошингни баланд кўтар. Ювош бўлма. Сен фалокатдан ўзингни ўзинг қутқаришинг керак.

Севмаган кишисига әрга тегишга розилик олиш учун ҳаракэт қилиб юрган қариндош-уруғлардан қаёққа қочиш иложини тополмай тамомила қийналган Ситт ал-Ихва отасининг ёнига келиб, унга ҳаммасини галириб берди. Чўп-устихон, мункайган бу чол, унга еб қўйгудек бўлиб қаради ва эшитилар-эшитилмас синиқ товуш билан:

— Кизлар ҳамма вақт холасига ўхшайди. Бор, қизим, сени худога топширдим! Бизга иккинчи марта «Европа-ча никоҳ»<sup>1</sup> керак эмас. Биз унинг мазасини бир карра тотиб кўрганмиз,— деди.

---

<sup>1</sup> Бир неча гувоҳ қатнашувида ўтказилган никоҳни Ливанда европача никоҳ деб айтишади. Бундай никоҳ, ҳатто никоҳ хутбаси ўқимаса ҳам қонуний деб ҳисобланади.



## ЧҮҚИНТИРИШ КЕЧАСИ

Чўқинтириш кечаси — фароғат кечаси. Бу кечада қалб умид·орзуларга тўла. Яхшилик қилганлар бахтла бўлади.

Шу кеча Насрулло ҳазратлари, ўчоқнинг ўнг томсозда чордана қуриб ўтирадилар. Рўпарада уларният сеналари ҳам бир уюм эски-тускига ўхшаб ўтиред ёзга.

Кашиш қовоғи солиқ ва паришонҳол, гоҳ бермосхлари билан узун соқолларини тарап, гоҳ ўчоқдаги салозни пуфларди. Ўчақдан кўтарилиган кул жуббасига ёншар, кейин пастлаб қалпоқ ва бўйраларга қўнарди. Хотин бечора Эрининг чўқинтириш байрамида киядитган кийимларини не машаққатлар билан тозалаб берганини эсларкан, лабларини норозинамо қимтиб қўярди. Уснор хўрсиниб қўяр, галириворай·галириворай дерди·ю, ўзи-

ни баъзўр тийиб қоларди. У эримнинг ўзи тушуниб қолар деган мақсадда кийимини, бошидаги ипак рўмолининг кулини жон-жаҳди билан қоқарди. Аммо эри бу нарсани тушуна қолмасди.

У ҳозир нималарни ўйларди? Балки фарзандсизлигини ўйлар... Лекин бу нарса худонинг ўзига ҳам аён-ку, ибодатхонанинг содиқ фарзанди эканини билади, ҳамма қавмларини эса, бир отанинг — Исо пайғамбарнинг болалари деб билади. Меросхўр қоладими ёки йўқми, бунинг нима фарқи бор? Олтмиш ёшли хотини бўлган саксон ёшли чол нимадан ҳам умидвор бўлсин? Хотини ҳеч қандай новда бермайдиган қилиб тагидан қирқилган кедр дараҳтига ўхшайди... Агар у қавмларига ўхшаганда эди, бу мушкул муаммони ҳал қилиш учун хотинининг ўлимини кутиши мумкин эди... Хўш, ундан бўлса, кашишни нима бунча эзялти? Хаёли нима билан банд? Унинг таъсири кучли, бутун қавм унга итоат қиласди. У оддий ҳалққа ўхшаб, шу кеча христианларнинг уйи ёнидан ҳазрати Исо ўтишига ва ҳар кишининг қилмишига яраша ҳиммат кўрсатишига ишонадими?

Буларнинг ҳаммаси тахмин, холос. Аммо хотини эрини ҳеч қачон шу кечадагидек ўйчан кўрмаган эди. У эрини кўнгилсиз ўйлардан чалғитмоқчи бўлди. У чарх ёнига бориб: «Э тангри!» деб нидо қилди. Кейин ўз жойига қайтиб келиб, яна: «Э, Марям!» деди. Лекин бу илтижолар бефойда бўлиб кетди. Кашишнинг хаёллари уни узоқларга олиб кетганди. Хотин ҳамон сукутда ўтирган эридан кўз узмай, жун тара什 ва ип йигириш билан машғул бўлди.

Узоқ жимликдан сўнг ниҳоят, кашиш сўради:

— Қанча ратл<sup>1</sup> хамир қилдинг?

— Тўрт ратл,— жавоб берди хотини ва «уҳ» деб қўйди.

— Оз. Ахир, бугун сеникига қишлоқдагиларнинг ҳаммаси келади-ку.— Хотини бармоқларини букиб, санай кетди:

— Буғдоӣ, нўхат, анжир, ёнғоқ, бодом, майиз.

Эри ичдан қувониб:

— Бу, ахир, меҳмондўстлик одати-ку, қадрдоним! Бутун қишлоқ келиши эҳтимоли борлигини эсингдан

<sup>1</sup> Ратл — тахминан 450 граммга тенг оғирлик ўлчови.

чиқарма. Ҳаммасининг қорнини тўйғаз, аммо исрофгар-  
чилик бўлмасин,— деди.

Унинг мақтоворидан мамиун бўлган хотин:

— Ҳақ гапни айтяпсиз, биз бойимиз. Сенинг дуойи фо-  
тижаларинг ҳаммамизникидан инобатли...— деб жавоб  
қайтарди.

— Мен ҳам гуноҳкорман, хотин,— деди кашиш бо-  
шини қўйи солиб.

Хотин гуноҳлари шу кеча кўз олдида намоён бўлга-  
нидан эрим камгап экан деб ўйлади, хижолат бўлгани-  
дан ҳеч нарса демади.

Кашиш ҳам индамаганича оловни пуфлашга кириш-  
ди. Тут палёнларидан учқунлар сачрар, айниқса палён-  
лар шу бугун аланга олиб, ловиллаб ёнарди<sup>1</sup>. Кашиш  
оловни пуфлашдан тўхтаганда, хонага шамол ёпирилиб  
кирди ва ўчоқдаги кулларни тўзитиб юборди...

Бундан жаҳли чиққан хотин:

— Қаранг, ҳамма ёғингизни ифлос қилдингиз. Қи-  
йимни эҳтиёт қилиш керак,— деди истеҳзо билан ил-  
жайиб.

Кашиш хижолат тортиб кулди ва қандилни бериб  
юборишини илтимос қилди. Хотин ўрнидан туратиб  
қўлига тиранган эди, кашиш ҳазиломуз:

— Куч-қувватдан ҳам қолибсан-ку, кампир.— деди.

Хотин кулиб:

— Худога шукур-эй, сиз ҳам гапирав экансиз-а,— деди.  
Хотин қандилни эрининг ўнг томонига қўйиб, ўзи чарх  
ёнига ўтириди. Кашиш кун чиқарга юзланди ва ибодат  
қилиш учун чўкка тушиб ўтириди. Чарх йигираётган  
хотинига кўз қирини ташлаб, йўталиб қўйди. Хотин  
шу заҳоти чарх йигиришдан тўхтаб, қўлига тасбеҳни  
олди.

Кашишнинг уйига одамлар кела бошлади. Улар оҳис-  
та бориб ўтиришар, фақат болаларгина бинжиллашар.  
Оналари уларни жим қилмоқчи бўлар, шўх болаларни-  
нинг оғзини енглари билан бекитишарди. Шунга қара-  
май, баъзи болалар тинчимасди. Мабодо тинчитиши она-  
нинг қўлидан келмаса, кашиш пўписа билан овозини  
ўчиради.

Кашиш қалин лабларини қимтиб ўз жойига ўтгач,  
ҳамма бир овоздан унга салом берди. Ў жойига ўтириди,

<sup>1</sup> Туғилиш кечаси, одат бўйича тут ўтин ёқилади.

ширин булоқ ёнига одам кўп тўплангани сингари, ҳамма унинг қўлини ўмоқчи бўлиб тўпланганди. Улар бир-бирларига уриниб, туртинишиб кетардилар, қўлини юзларига тегизмагунча ҳеч ким унинг олдидан кетмасди. Кейин ҳамма жой-жойига бориб ўтирди ва қашишнинг гапиришини кутиб жим қолиши. Ниҳоят қашиш тўплангандарга юзланиб деди:

— Бундай табаррук кеча йилда фақат бир марта бўлади. Шу кеча муқаддас руҳ Иордан дарёсидаги ҳазрати Исо устига қўнади. Дили пок бўлганлар, тангри айтганидай, бу руҳни ўз кўзлари билан кўришга муяссар бўладилар. Уни ҳар қанча улуғласак ҳам оз. Менинг художўй фарзандларим, тайёрмисиз?

Хаёли уй бекаси тайёрлаган қўймоқ билан банд бўлмаганлар: «Ҳа, тақсир» деб жавоб беришди.

Шундан кейин қашиш сиполик билан:

— Ҳазрати Исонинг бизга ҳам кўринишини тилайман, дўстларим.

Қашишнинг мулойим сўзларидан далда олган қавмлар қўшниси билан жанжаллашгани учун ибодатхонадан ҳайдалган кишини унга эслатиши. Қашиш бу одамнинг гуноҳини кечди ва уни олиб келишга рухсат қилди.

Қашиш яна чуқур ўйга толганди ҳамки, қавмларнинг жағи очилди. Улар қишлоқдаги ишлар ҳақида бири олиб, бири қўйиб гапириб кетиши. Гап орасида тоғорага, қозонга дам-бадам кўз қирларини ташлаб ҳам қўйишарди. Уй бекаси хамирли тоғорани тош супа ёнига қўйиш учун ўрнидан турганида, унга ёрдам бермоқчи бўлиб, кўп қўллар чўзилди. Қизлар эса енгларини тирсакларигача шимариб, қўймоқ қилишга киришиши.

Қўймоқлар товаларда вижиллар, болалар пишганинги оналарига бермай қўлларидан тортиб олишарди. Ҳамманинг фикру хаёли пишаётган қўймоқда. Аввал таом, бадаз қалом деганларидек, овқат тургандан бошқа гап қулоқча киармиди. Бир қиз товага хамир қуяр экан, жимликни бузиб:

— Холажон, хамирингиз яхши ошибди,— деди.

Шу қиз атрофида парвона бўлаётган йигитча жавоб қилди.

— Қашиш бекаси бўлсину, унинг хамири яхши ошмай, кимники ошсин?

Бу сўзлар шу ерда тўплангандарга жуда ёқиб тушди,

чунки улар бу дастлабки мўъжизадан<sup>1</sup> кейин бошқа яна мўъжизалар бўлишига ишонишарди. Хона хушчақчақликка ва қизиган ёғ ҳидига тўлган эди.

Ҳамма, уй бекасининг долчин солинган, хушхўр қиёмга буланган қўймоғини зўр иштаҳа билан ер, шу билан Мангу<sup>2</sup>ни хотирлашиб байрам қилишарди.

Меҳмонлардан бири:

— Кимки, ёнидан Исо ўтаётганда худонинг марҳаматига муяссар бўламан деб, шу кеча ўзининг томида тиз чўкиб ўтиrsa, баҳтли бўлади,— деди.

Йигит жавоб қилди:

— Худо хоҳласа бу баҳт бизга ҳам боқар.

Бурчакда ўтирган Раашан деган чолнинг овози эшилди.

— Шу кеча хотинлар тангрининг марҳамати ёғилсин деб, ун солинган яшикларнинг оғзини очиб қўйишади,— деди у.

Яшикни бекитиб келгани эсига тушган бир хотин қўлларини нари-бери артиб, уйига югурди. У байрам қўймоғидан бебаҳра қолишдан қўрққаниданми, нафаси оғзига тиқилиб тезда қайтиб келди.

Гап ачитқи устида борди, хотинлардан бири ачитқини ўриқ шохига илиб қўйганини айтганда, Мангу ҳақида гапираётган Раашан:

— Умм Юсеф, чакки қилибсан. Ўриқ бу кеча тиз чўқади. Ачитқини анжир ёки тут дарахтига осиб қўйган яхши. Тут дарахти мағрур ва унча-мунчага бўй эгмайди, анжир Христдан ранжиган... Чунки Христ уни қарғаган,— деди.

Шу вақт йигит гапга аралаши:

— Бува, қўзоқ дарахтини мутлақо унутибсан шекили,— деди.

— Ҳа, тўғри айтасан. Қўзоқ дарахти худога ёлвориб, шундай деган экан: «Ўзи иккιқат — эмизади, елкасида тўрттадан боласи»<sup>3</sup>,— деди чол.

Раашаннинг дабдабали гапларига ҳамма таажжубда қолди. Ўтган йил ўз ачитқисини ўриқ дарахтига қўйиб, оқибатда ҳамири ерга тушиб, ифлос бўлган хотин ачитқини анжирга осиб қўйиш учун уйига югурди.

<sup>1</sup> Шу кечада ҳамиртурушсиз ҳам ҳамир ошади деган ишонч бўлган.

<sup>2</sup> Шарқда Исо пайғамбарни мангу тирик деб аташади.

<sup>3</sup> Сермевали ҳақида топишмоқ.

Товадаги ёғ қайнар, қўймоқлар жизиллар, одамлар пишган-пишганидан зўр иштача билан тушириб туришар, шу орада гапни ҳам тўхтатишмасди. Хаёлга чўмган қашиш ҳеч нарса кўрмас ва ҳеч нарса эшитмасди. Хотини эри қўймоқни жуда севишига қарамай, ундан тотинмаётганилигига ажабланарди. Қўймоқ еб бўлингандан кейин, қизлар таббанга<sup>1</sup> ўтиб, соchlарини тараи бошлишди. Баъзиларининг сочидан ҳатто учқунлар ҳам чиқарди, эркаклар буни кўриш учун улар ёнига боришди. Кашиш уларга бир қур кўз қирини ташлади-ю. лекин бир сўз демади.

Навбат қайнатилган буғдой билан нўхатга келди. Кашишнинг хотини таом сузилган сопол лаганларни меҳмонлар олдига қўйди. Ҳамма овқатга қўл урди. Оғзига овқат тўлдириб олган йигитча:

— Кунлардан бир куни, ўша Мангу жулдур кийимда буғдой бўтқа пишираётган хотин олдига келади. Ҳалиги хотин унга бахс<sup>2</sup> пиширяпман деган, шунда Мангу буни эшитиб хотинни қарғайди. Бир вақт хотин қозоннинг қопқоғини очсаки, уйига тош тўлиб кетибди. Агар шу пайт қашиш унинг эшиги олдига келиб дуо ўқимаганда эди, бутун қишлоқни тош босиб кетарди...

Меҳмонлардан яна бири:

— Меҳмондўстлик кўрсатган бир камбағал хотин билан бунинг акси бўлганди. Шундан кейин унинг болалари йил бўйи тўқ яшаган.

Бариси эшитган-кўрган мўъжизаларни эслашди. Эрининг бу ўтиришидан тоқатсизланган хотин уни ҳам гапга тортинглар дегандай қилиб, Хабкукни туртиб қўйди.

Қашиш билан тенгқур бўлган Хабкук ҳам бу аёлнинг демоқчи бўлганини тушунди шекилли, қашишга қараб.

— Тақсир, айт-чи, шу кеча денгиз суви ширин бўла-ди дейишади, шу ростми? — деди.

Қашиш жавоб бермади. У шу кеча Мангуни кутиб очиқ қўйилган эшикка тикилиб ўтиради.

Олтмиш ёшли чол Рухана:

<sup>1</sup> Табба н — моллар овқати сақланадиган омбор. У ҳар қайсан ливан деҳқонининг уйида, шунингдек деҳқончилик билан шуғуллана-диган диндорларининг уйида ҳам бўлади.

<sup>2</sup> Бахс — майдо тош.

— Роза ярим кечада денгиз сувини ичган кўп одами биламан, ростдан ҳам бу сув шарбатдан ширии бўлармиш,— деб тасдиқлади.

Кашиш хотини, эридан яна бирор нарсани сўрагни дегандай Хабкукни туртиб қўйди. Лекин ўзи худо унинг тилини ҳам ибодатхонадаги Захариянииг тилини боғлаб қўйгандай боғлаганини биларди. Шунда Хабкук эшигтириб:

— Тақсир, Насрулло, қани сизнинг хушхабарлариниз? Шу кеча сиз билган янгиликлардан биронтасини ҳам эшигмадик-ку!—деди.

Кашиш Насрулло унга кўзларини чақчайтириб қарди-ю, лекин ҳеч нарса демади. Унинг бу қарашидан хотини қўрқиб кетди. У шу он, ёши олтмишга кирган бўлса ҳам, туғажагига ишонган эди. Балки, яна бир Иоани дунёга келар. Хўш, нега ҳам шундай бўлмас экан, ахир, инжилда бари худонинг ами билан дейилган-ку. Унинг эри, тили қотиб қолган ҳазрати Захарияга ўхшаса ҳам, ўзи Елезавета сингари бефарзанд, дини пок ва бенуқсон эди.

Тўпланганлар нима бўлаётганини тушунмай, келар вақти яқинлашиб қолган Мангум ҳақида гаплашишар эди.

Кимдир:

— Оёғи чўлоқ бир қиз тангридан меҳнат қобилиятини қайтарниши сўраган. Бунинг учун бир қўлини ўроқ, иккичи қўлини эса мотига<sup>1</sup> қилиш керак эди. Мангум унинг илтимосига қулоқ солди, қиз ўзини қийнаганлардан халос бўлди-ю, дунёдан кўз юмди.

— Бир одамнинг,— деб гап бошлиди яна биттаси,— бой ва ўтакетган хасис, ҳеч кимга нафи тегмайдиган Христина исмли холаси бўлган. Кунлардан бир кун ҳалиги одамга холаси: «Мангудан мен учун бирор нарса сўрасанг-чи» дейди. У ҳам илтижо қилади:

«О покиза ва бенуқсон тангрим, холамни шарга ўхшатиб қўй».

— Кейин у шарга ўхшаб қолибдими?— сўради йигитча. Ҳикоя қилувчи астойдил ишонч билан:

— Ўҳ-ҳў яна қанақа шар дегин?— Ёнида ўтирган кишига энгашиб:— Сенга айтиш осон. Сен ҳам шу кеча Мангудан холангни истаган нарсангга айлантиришни илтижо қил, шундан кейин ундан оп-осон қутуласан-қўясан,

<sup>1</sup> Мотига — кетмонга ўхшаш асбоб.

— Ешлар ёнгоқ ва бодомни бепарво чақиша, оғзида тиши йўқ чоллар ҳам зўр бериб майиз ва анжир ейишар эди, шунда кашиш тўсатдан ирғиб туриб эшикка яқинлашди. Тўпланганлар саросимага тушишди. Унинг бу бежо ҳаракатидан ажабланган меҳмонлардан баъзилари унинг кетидан турди. Кейин ҳаммалари ўз жойларига қайтиб ўтиришди ва кашишдан нима кўрганини сўраша кетди, лекин у ҳеч нарса демасди. Шу заҳоти кашиш хотини қорнида нимадир қимирлаётганини сезгандай бўлди...

Узоқ сукутдан кейин қавмларнинг энг каттаси:

— Ҳулкар фарбга томон оғибди, туринглар, кетдик,— деди ва ҳаммалари хайр-маъзур қила бошлишди.

Кашиш хотини эрига тикилди, лекин у ҳамон сукутда эди. У қорни қаппайиб, гүё етти ойлик бола бордай сезди. Вақтидан олдин туғиб қўйиш ёки бола тушиб-нётуб қолишидан қўрқиб, эҳтиётлик билан ўрин солиб ётди ва кўзи уйқуга кетди.. Аммо кашиш унинг ширин уйқусини бузиб, кетаётгандар кетидан бақирди:

— Ибодат ярим кечада бўлади,— деб қичқирди.

Хотини безовталаниб ўрнида ёнбошига ағдарилди, шунда кашиш ундан нега безовта бўлаётганини сўради, хотин жавоб бермади. Шунда: «У кўп харажат қилганига ачинаётгандир, ҳар ҳолда мен бой эмасман-ку», деб кўнглидан ўтказди. Ундан кўзини олди, ибодат қилишга тутинди. Кейин стул суянчиғига суянганча уйқуга толди. Ухлар экан, тушида бундан бир соат олдин эшик олдиндан ўтган шарпа кўрингандай бўлди. Эшик тақиллашини эшитиб, қўрққанидан чўқиниб ва нималарни дирвалдираб ўрнидан турди. Сўнгра шамни ёқди ва жубасига ўранди. Ибодатхонага кетиш олдидан ҳассаси билан хотинини туртди. У ҳам бир керишди-да, туриб ўтирди.

Кашиш уйидан чиқиб, бир неча қадам ташламаёқ, хаёлига қизиқ фикрлар келди. Тўсатдан кўзига қандайдир шарпа кўриниб кетди ва қалтироқ босиб, қўрққанидан турган жойида қотиб қолди... У уйга қайтмоқчи ҳам бўлди, бироқ ўзини бардам тутиб, тез-тез чўқинди-да, турли дуоларни ўқиди. Қатъият уни бардам қилди, вужудида қўрқувдан асар қолмади.. У шу алпозда черковга келиб қолганини ҳам сезмай қолди. У қўнгироқка бойланган арқонни аранг тортди, қўнгироқ бир неча марта чалинди, шундан кейин ўзини бардам тутишга ҳа-

ракат қиласы. Ибодатхона гимнини айтиб хорга күтарили. Қалтираётган қўллари билан мойчироқ ва шамларни ёқди. Қанчалик ўзини тетик тутишга уринмасин, қўрқув шунчалик кучаярди.

Базўр ибодатхонанинг ўнг томонидаги бурчакка етиб олди; шу кечаси ибодат вақтида айтиладиган қўшиқларни қидириб топиш учун ибодатхонадаги китобларни варақлай кетди. У шу билан ўзини алаҳситиб бир оз тинчитмоқчи эди. Бир пайт унинг олдида нотаниш ёш бир йигит пайдо бўлди. Кашиш унда Исонинг қиёфасини кўрди. Орқага тисланди-ю: «Ё, тангри! Ё, тангри!» дея хитоб қилди. Шу вақт йигитча унга қўлини чўзди, кашиш олдида турган Христос эканига ишонди. У шунда муккаси билан тушди ва ҳушини йўқотди.

Уни қўнфироқ чалиниши билан қавмлардан олдин ибодатхонага келган дъяконлар топиб олишди. Кашиш Насрулло ерда ўликдек чўзилиб ётарди. Дъяконлардан бири уни ҳушига келтириш учун сув олиб келишга шошилди, бошқаси бир парча латтани ёқиб, чўзилиб ётувчининг юзига яқин олиб борди, учинчиси ёрдамга чақириб қўнфироқни маълум саноқ билан чалди. Қавмлар шошганча ибодатхонага кириб келишди. Бу ерга ҳаммадан сўнг кашишнинг хотини келди.

У ерда ётган эрини кўра солиб, унинг ёнига ўтиреди.

— Улганим яхши,вой мен ўлай, эрим дунёдан ўтибди! Кашиш Насрулло оламдан ўтибди! Уйинг куйгур, Азроил!

У ўлим фариштасини лаънатлаб, кўп йиглади, кейин, инграб-сихтаб соchlарини юла бошлади. Ниҳоят, шу ердагиларни қўрқитиб:

— Еронлар, уйим куйди! Ғам-кулфатларга ташлаб кетдингми, кашиш Насрулло!— деб айоҳаннос солди.

Шу вақт кашиш кўзини очди, аммо ҳеч сўз демади. Хотин тинчланди ва ҳомиладор бўлганига яна ишонтирмоқчи бўлди. Энди у бунга илгаригидан кўра астойдил ишонган эди, чунки унинг эри ҳам ибодатхонанинг ўнг қисмида — Заҳария учраган ҳодисага йўлиқкан эди.

Кашиш қўлларини одамларга чўзган эди, поп хотини севинганидан кулиб юборди. Бир оздан кейин кашиш бир нималар деб ғулдиради. Сўнгра яна гапирган эди, бу галгисини тушуниш мумкин бўлди, халқقا томон юзланиб Мангуни ўз уйида, эшикка чиқаётган пайтда кўр-

ганини айтди. Сўнгра Мангу ибодатхонага келганини ўз кўзи билан кўрганини ҳикоя қилди.

Кашишнинг хотинидан бошқа ҳамма, яратувчи туфайли шундай бўлганини англаб, ибодатга киришган эди. У қаққайиб турганча қимирламади ҳам. Ахир, бошқа нарсадан умидвор бўлганидан бу шарпа унга ёқмаган эди. У дарҳол ўз ҳолатига рози бўлганди. «Бола бўлмаса бўлмасин. Эримнинг соғлиги мен учун қимматли» деган сўзларни кўнглидан ўтказди.

Бир оздан кейин кашиш ўзини бардам ҳис қилди, ўзини бургутдек кучли сезди. Жаранглаган товушда астойдил ибодат қилди. Унинг бу хизматлари бир соатдан ортиққа чўзилган эди. Хорни баравар айтишар ва агар дъяконлардан биронтаси етишолмаса кўз ташлаш билан унга далда берарди. Ибодатдаги сўнгги сўзларни шундай завқ билан айтдики, Нўх олдида ўйинга тушаётган Довудга ўхшаб кетарди.

Кашиш эрта билан қишлоқни айланиб, уйларга табаррук сувни сепиб чиқди. Қавмлар уни зўр иззат-икром билан кутиб олишди. У қаерда ўтирмасин ҳамма уни қуршаб олар, нари кетса, орқасидан эргашарди. Чоштогоҳдан кейин у уйига қайтиб келди. Челакда сув қолмаган бўлса ҳам, унинг ичи чақа пулларга тўлган эди. Ҳамма, ҳатто бева хотинлар ҳам кашишга сахийлик кўрсатишган эди. «Кашиш диндорларнинг садақаси билан яшайди».

Бу музъиза ҳақидаги хабар оғиздан оғизга ўтиб юрди. Узоқ қишлоқлардан duo олиш, кашиш Насруллони зиёрат қилгани одамлар келадиган бўлди. Унга рўбарў келолмаганлари, кашиш хотинининг суҳбатидан қаноат ҳосил қилар ва ундан Мангу пайдо бўлгани ҳақидаги ҳикояни эшитар эдилар. Кўпинча ўзининг ҳомиладор бўлганини гапирмоқчи бўларди, лекин ичдан кулар ва жим қоларди.

Бу табаррук кишига Мангуни кўриш мұяссар бўлганидан, ҳамма унинг Мангу ҳақидаги гапларини эшитгиси келарди. Ҳалқ унинг табаррук қўлларини кўзларига суриш ва дуойи фотиҳасига сазовор бўлиш учун уни қидириб юрарди. У сичқон, каламуш ва илонларни ҳайдаш учун сувга сажда қиласарди. Кашишнинг таъсири зўрайди. Агар у гиёҳ ўсмайдиган ерга duo ўқийдиган бўлса ҳам, ундан гуркираб гуллар униб чиқадиган бўлиб қолди.

\* \* \*

Бир ойдан кейин муқаддас Марун байрами бўлди. Кашиш Насруллога олтин жом керак бўлиб қолди, лекин уни қўйган жойидан топа олмади. Унинг йўқолганини пайқаб, жинни бўлаёзди. У қисқа ибодатни қилишда ҳам қийналди, унинг бу ҳолатига ажабланган қавмлари, бетоб бўлса керак деб ўйлашди. Насрулло бу оғир жиноятни ким қилганини билишга уриниб кўрди-ю, аммо ҳеч кимдан гумонсиrolмади.

Ниҳоят, қишлоқ аҳолиси ҳам муқаддас Марун, чўқинтириш ва пасха байрамларида ишлатиладиган олтин жомнинг йўқолганлигини билди. Улар кашишни роса койишди ва қишлоқнинг бу муқаддас кишисидан ихлоси қайтди. Уни оқизлик ва лапашангликда айблашди. Ўғрининг қўли жомга етмасданоқ, уни ушлаб бўғиб ташламабди-да, дейишарди фиғонлари ошиб.

Жомнинг йўқолгани ҳақидаги овоза патриархнинг қулогига ҳам бориб етди. Патриарх ўғрини ибодатхонадан четлатаражагини эълон қилди. Бу жазо шунчалик оғир эдик, деҳқонлар унинг тўғрисида: мой жунга қанчалик сингса, у суюклардан ўтиб сийнага қаттиқ ботади дейишарди. Патриархдан кейин кўп ибодатхоналарнинг кашишлари бир вақтнинг ўзида ўғрини лаънатлашди, ибодатчилар жомнинг қайтарилишини кутишди. Аммо у қайтарилмаган эди.

Ун тўққизинчи марта, муқаддас Юсуф байрами куни қишлоққа хачир минган нотаниш одам кириб келди. Туёқ товушини эшигтан қишлоқилар эшиклиридан мўралай бошладилар. Одатдагидек бу нотаниш одамнинг орқасида уч-тўртта ҳамроҳи ҳам бор, улар ҳам бирга кашишнинг уйига киришди. Келувчининг сўзидан унинг патриарх ноибининг вакили кашиш Бутрус Давв эканлиги маълум бўлди, жом топилгани маълум бўлди. Бу хушхабар бутун қишлоққа ёйилди.

Кашиш уй кийимини кўк жуббага алмаштириб улгурмасиданоқ, қавмлар унинг 'уйи ёнида хачирни ўраб олишганди. Улар бу ерга ўз улуғларини кузатиб, унга оқ йўл ва муваффақият тилаш учун келишган эди. Жом топилди, ҳамма буни кашишнинг яна бир мўъжизаси деб биларди, чунки у ўғрини икки марта лаънатлаган эди: бу патриархнинг четлатганидан кейин ва муқаддас диний расм-русумнинг охирида бўлган эди.

Ҳамма томондан табрикланган кашиш Жубейлага етиб келди. Уни у ёрда патриарх ноибининг одамшаванда ва билимдон вакили иззат-ҳурмат билан кутиб олди. У жомнинг заргар Ҳалилдан топилганини ва ўғри қамоққа олинганини хабар қилди. Шундан кейин улар жомни ва ўғрини кўриш учун жўнашди.

Насруллонинг кўзи ўғрига тушган ҳам эди, кашишни титроқ босди, ранги мурда сингари оқарди, бўшашиб кетаётганлигини сезди. Ўғри ўша, унинг кўзига кўринган Мангунинг худди ўзи эди.



## СЕЛЬМИ САЕХ

### ДИРАНИЯЛИК ҲАЙФА ҚИССАСИ

Ҳайфа ўттиз беш ёшдаги зуваласи пишиққина күхли жувон. Унинг келишган қомати, нафис бўйни, очилган чиройи ҳамда шаҳло кўзлари гўзал ва латиф. Ҳар он кулгандада садафдай оппоқ тишлари кўриниб кетади. Ияигидаги чуқурча, кулгичлари ҳам ўзига ярашиб туради. Дарҳақиқат, Ҳайфанинг исми жисмига монанд<sup>1</sup>.

Ливанликлар бу чиройли исмни қардошлари — кўчманчи араб-бадавийлардан олишган.

Ливандада учрайдиган исмлар кишини донг қотириб қўяди. Биронта аёл болаларини ҳақиқий арабча исмлар билан: «Ҳайфа, Саад, Асад, Дарғам!» деб, ёки иккинчиси: «Ҳой, Башир, Руказ, Игнатус, Анвар!» деб-чақирса,

<sup>1</sup> Ҳайфа арабча хушбичим, кўркам демакдир.

бу исмларнинг қаердан келиб чиққани равшан. Уларни эшигтан заҳоти хотирингизда Ливаннинг тарихи гавдланади. Феодал Ливан, таассуб авж олган даврдаги Ливан, бир пайтлар Туркияда содир бўлган ёшлар ҳаракатининг революцияси ва уларнинг конституциясидан руҳланган Ливан бирма-бир кўз олдингиздан ўта бошлида.

Хойнаҳой, ажнабий киши тез-тез дехқон хотинларининг гоҳ шимолий, гоҳ жанубий ливан шевасида турлича талаффуз билан айтадиган Эдмон, Роберт, Виктор каби исмларни эшитиб ажабланади. Шундай ҳолларда албатта, бу муҳожирлик оқибати ва Яқин Шарқ мамлакатларига Европанинг таъсирни туфайли содир бўлишини унга тушунтирадилар. Бироқ, фарзандига Франклин деб от қўйган муҳожир ҳақида нима дейиш мумкин?

Бошқа нарсаларга алаҳсимасдан, яхшиси дириялик ёинки дирианиялик Ҳайфага қайтайлик. Университет районида унга шундай деб ном беришган. Ҳайфа ўша ердаги бир қанча уй бекаларининг хизматларини қиласди. Бойвучча хотинлар турғунликни ўзларига бирдан-бир маслак қилиб олган бўлсалар-да, уларнинг назарида Ҳайфанинг бир хонадондан иккинчи хонадонга кўчиб юришидан унга ҳеч қандай зиён етмас эди. Унинг саранжом-саришталиги, чаққонлиги, тўғрилиги, тиним билмай ишлашидан бу камчилигини афв этардилар. «Дириялик Ҳайфанинг ёлғиз ўзи бутун хонадонни кутади» деб ҳар қанақасига унга хушомад қилиб қўлдан чиқариб юбормасликка ҳаракат қиласди.

Шўрлик Ҳайфа! Бойвучча хотинлар унинг шунчалар қўнимсизлигининг сабабини тушунса, ҷарчаш нималигини билмайдиган шу забардаст танада ойлар, йиллар давомида аллакимни қўмсаб соғиниш ва чексиз ғам-ғуссадан эзилган юрак тепишини билсайдилар! Бирон кун йўқки, у ўз қайғусини эсламаса, ўйламаса! Гоҳи маҳаллар Ҳайфа Байрутдаги хўжайинлариникидан юрагида йиғилиб қолган дард-аламлар билан қишлоқдаги эски кулбасига кетиб қоларди. У ерда барбод бўлган турмуши, аччиқ қисмати учун зор-зор йиглаб енгил тортарди-ю, яна шаҳарга қайтарди. Орадан бир неча ой ўтар-ўтмас соғинч ва қандай ёўлмасин бирон бир хабардан астойдил умидворлик уни яна қишлоққа қувиб келтиради. Шояд, ўша узоқ мамлакатдан биронта одам келган бўл-

са? Балки кекса шайхнинг уйида унинг номига келган хат ётгандир?. Шу аснода кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтарди. Лекин Ҳайфа ҳеч қа-  
чон ҳасратини унута олмади. У ҳузур-ҳаловатини йўқот-  
ган, ҳамиша нотинч.

Мазлум қалб, заҳматкаш аёл турмуши ҳақида аянчи-  
ли қисса!

Камбағал, бечора аёлларнинг қалби ҳам саройларда истиқомат қиливчи хотинларники сингари севади, севила-  
ди, қўмсайди, алам чекади, қаёққадир интилади, йифлайди, инграйди. Ҳа, худди шундай! Киборлар жамиятидан бўлган аёлларнинг-ку бузилган турмуши оқсуяклар йиғинида барча тафсилотларигача гап-сўз бўлади, эрмак қилинади, фисқу фужурдан кейин эса хўжакўрсинг учун уларга шафқат, муруват кўрсатгандек бўладилар. Фа-  
қат бебош болаларгина баҳти қора кўрнинг ҳассасини синдириб, оёқлари остига улоқтириб шундай хўрлайди-  
лар. Камбағалларнинг фожиаси жамиятда кимни қизиқ-  
тиради, ким уни эсга олади, улар бир зумда унитиб юбо-  
рилади. Эҳтимол, бу киборлар жамиятидан бўлган толеи пастрлар қаршисида камбағал аёлларнинг устунли-  
гидир.

Ҳайфа саводсиз. У дабдабали қилиб гапиришни бил-  
майди. Юрагидаги дардини чиройли қилиб тасвирлаб беришдан ожиз. Ахир, у ҳаётни жўшқин ҳис-туйғулар ва турли эҳтиросларнинг шиддатли тўқнашувлари тасвир-  
ланган замонавий романлардан эмас, балки бевосита турмушнинг аччиқ-чучугини татиб билди.

Ҳайфа илмсиз. Аммо у яккаю ёлғизлиги, бошига тушган кулфати, азиз, севикли кишисини соғиниб кутиши ва фарзанд ўстириш орзуси ҳақида қанчалик таъсири қилиб гапиради? Севги-муҳаббатсиз, яқин дўсти-  
нинг ҳимояси ва ёрдамисиз, олдида мўмин-қобил қизи бўлмай туриб, дўмбоқ невараларисиз совуқ қоронғи кул-  
бахонада бефойда ўтиб кетадиган умр уни қанчалар даҳшатга солмасди?

Ҳайфа қисқа муддатда хўжайинларининг болалари билан элакишиб, иноқлашиб кетди. У, болаларга меҳр қўйиб әркалар, уй атрофида чулдирашиб юришганини кўриб, қий-чув овозларини эшитиб беҳад қувонарди. Кечқурунлари эса алоҳида хонага кириб дарс тайёрлашга ўтиришганда, улар билан ёнма-ён, узун жун рўмо-  
лини тўқиб ўтиради. Болалар дам-бадам дарсдан бош-

ларини күтариб: «Ҳайфа, битта эртак айтиб бера қол», деб қўйиншмасди. У ишини бир ёқقا йигиштириб қўярди-ю, «Айёр Ҳасан билан етти кампир», «Қирқ ўғри ва гўзал малика» ҳақидаги эртакларни бошларди.

Бир куни уй бекаси:

— Ҳайфа, менга ҳам бирон нарса айтиб берсангчи? — деб сўраб қолди.

— Сизга нима айтиб берай, бекам?

— Ўзинг кўрган-кечирганларингдан гапириб бера қол... Шояд дардингга малҳам бўлсам...

Ҳайфа одатдагидек жилмайиб қўйиб, ўтмиши ҳақида — Байрутда ишлагани, онаси қазо қилиб уйига қайтгач, қишлоқ оқсоқолининг ўғли Бутрус билан танишгани ва йигит ота-онаси ҳамда қариндошларининг фифони чиқиб қаршилик кўрсатишларига қарамай, унга уйланишга қатъий аҳд қилганини ҳикоя қила кетди. У, гулгун очилиб, йигит унинг деразаси тагида ҳамиша дайдиб юришларини сўзлаб берар, Бутруснинг энг яхши кўрган, баланд тоғли жойларда айтиладиган ашулаларини эсларди. У қўшиқларда ошиқнинг маъшуқага айтмоқчи бўлган сирли гаплари ҳақида куйланади.

Йигит ўқиш-ёзишни билмаса-да, бир-бировларини ҳеч қийналмасдан тушунишарди. Деворга битта белги чизилган бўлса, булоқ бошида, иккита бўлса, нонвойхона ёнида, учта бўлса, черков яқинида учрашишларини англатарди.

Шуларни эсларкан, Ҳайфа қувончи ичига сифмай чехраси очилиб, иягидаги чуқурчаси юм-юмалоқ бўлиб кетди. Жарангдор қаҳқаҳаси уйни тўлдириб юборди.

Бутрус ҳеч иложини тополмагач, уйини ташлаб қочиб кетди. У юборган тўртта ўртоғи ойсиз, қоронғи кечада қизни ҳам ўғирлаб кетишиди. Лекин кашиш уларни никоҳлаб қўйишга унамади. Шундай қилиб, қишлоқдагилар икки гуруҳга бўлинишди. Биринчи гуруҳ уларнинг никоҳланишини маъқулласа, иккинчиси бунга қарши эди. Митрополит ишга бош қўшди-ю, Ҳайфа устун чиқди.

— Сени шунчалик яхши кўраркан, нега ташлаб кетади? Қандай кўргилик бу?

— Тайнли турар жойимиз йўқ эди. Бутрусни отаси оқпадар қилди. Қейин менинг отамницида тура бошладик. Эримнинг уруғлари менга қарши кек сақлашар. Бутрусни ҳам тинч қўйишмасди. Уни ҳадеб, Америкага жўнаб кетишига ундашарди. Улар шу йўл билан мендан

ўч олмоқчи эдилар. Ишсизлик эса өримни серзарда, сержаҳл қилиб қўйған эди. Ахирни у ўғилчам билан мени қолдириб, жўнаб кетди. Жўнаб кетини олдидан бутга сажда қилиб, Америкага етиб олини билан менга йўл харажатлари учун пул юборишга ватъда қилди.

Шу ерга келганда Ҳайфанинг гани узилиб қолди. Қўзлари жиққа ёшга тўлди... Дастрўмолининг уни билан ёшини артди-да, давом этди:

— Аввалига унинг иши юришмай турди. Мен бўлсам қишлоқда бир кунимни кўриб юрдим. Бирорвиинг кирини ювдим, бирорвиинг ионини ёпдим. Бир замонлар шойи тўқийдиган фабрикада ишладим, қурт ҳам тутдим. Шу орада уруш бошланиб кетди. Мен Бутруслар туғишиларни билан ярашиб, ўғлимни уларга қолдирдим-да, ўзим Ҳовранга жўнаб кетдим. У ерда батрак бўлиб ишлай бошладим. Топган пулимнинг ҳаммасини, қариндошларим ўғлимга қараб туришсин деб, қишлоқка юборардим... Улар бўлса ҳаммасини жигилдонларига уриб, ўғлимни очлиқдан силласини қуритиб ўлдиришди.

Ҳайфанинг лаблари пирпираб, кўкраги юқорига кўтарилиб туша бошлади. Юм-юм йиғлади. Ички бир ни до билан гапира бошлади:

— Эҳ, тангрим, яна бир мартагина Бутрусларни кўрсам, унга шунча тортган азоб-уқубатларимни гапириб бериб, кейин ўлсам ҳам майли эди. Сендан тилагим шу.

— Ҳайфа, нега сен унинг орқасидан бора қолмадинг?

— Мен ҳар гал жўнамоқчи бўлиб турганимда, ундан яқин кунларда ўзим бориб қоламан деган мазмунда хат келиб қоларди. Бундан икки йил муқаддам турган жойидан яна узоқроқ юртга кўчиб кетибди. У ергача қуруқликнинг ўзида йигирма кун йўл босилар эмиш. Охириги хатида шундай деган эди. Шу-шу ёзмайди...

— Кўй, Ҳайфа, садқайи кўз ёшинг кетсан?!

— Йиғламасдан бўларканми?... Қандоқ қилай... Унубтиб бўладими уни, ахир? Унга бўлган муҳаббатим, ҳаётимнинг сўнгги дақиқаларигача юрагимда яшайди. Юрак бағримни доғлаб, узоқларга кетмасидан олдин адo бўлсам кошкийди.

Бултур муҳожирликдан қайтиб келган бир кишидан Ҳайфанинг эри ҳақида суриштирғанларида, Бутрусларни аллақачонлари уйланиб, бола-чақали бўлиб кетганини айтиб берди.

Ҳайфа эса ҳалиям ўша ғайрати, ўша софдиллиги, ўша умидлар билан бирорларнинг хизматини қилиб юрибди. Ў, кунда кечқурун авлиё Исо пайғамбар сурати қаршисида тиз чўкиб, бегуноҳ ўғилчаси ҳақига дуо ўқийди, тасбех ўгиради. Кейин бир марта Исо пайғамбар учун, икки марта Биби Марям учун, бир неча марта эрининг эсон-омон қайтиб келиши учун ибодат қиласди...

Ҳайфанинг бекаси тунда унинг чуқур хўрсанишлари ва босинқиравшларидан бир неча допқир уйғониб кетади. Шунда у Ҳайфанинг каравоти бошига келади-да, уйғота бошлайди:

— Ҳайфа, ҳой Ҳайфа, сенга нима бўлди, қизим?— Каравот билан битта бўлиб ётган Ҳайфа чарос кўзларини очиб, қизариб бўртган юзларини тутиб, ёйилиб ётган узун соchlарини забардаст қўллари билан йиғиштириб, ёстиққа ташлайди-да:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ... Ҳеч нарса... Чарчаганман хоним...— деб қўя қолади.



## РАУФ ҲУРИЙ

### БОЛАЛИК

Тонг ёришди. О, бу қандай мўъжиза! Ёмғир тинган, осмон мусаффо! Шамол бир кечадаёқ булутларни тарқатиб юборарди. Ажабо, осмон нақадар беғубор-а! Ахир, бунгача ёмғир тўрт кеча-ю, тўрт кундуз муттасил челакдан қўйгандек ёфувди. Ҳар гал момақалдироқ гумбурланда шерлар тўдаси ўқираётгандай, тоғлар ўпирилаётгандай бўларди. Гўё қишлоқни ўраб турган тоғ чўқ-қиларидағи улкан қоялар ўрнидан силжиб, водийга ағдарилиб тушаётгандек. Зулмат кечада яшин тушиб, ҳамма ёқни ўт олиб кетадигандай. Чақмоқ худди булутлар орасига яшириниб олиб, оловли тилини чиқазиб, осмону фалакни бир карра ялаб, ўша заҳоти яна қоп-қора оғзига қайтариб солувчи афсоновий маҳлуқ сингари

ялт этиб кўриниб ўчарди. Бўрон бамисоли қутурган новвослар подаси каби бўғиқ овоз чиқариб ғувуллар, щилдат билан дарахтларга, уйларга, йўлида нимаики дуч келса, чангал соларди.

Танус тўрт кундан бери беркитиб қўйилиб, ниҳоят, эндиғина очилган деразадан денгизни томоша қилиб турарди. Уфқ ҳар қандай ғубордан холи, денгиз кечагидек мавж уриб тўлқинланмас, сокин эди. У меҳнат кунидан кейин дам олиб, ҳордик чиқараётган одамга ўхшар эди.

«Бугун ҳали офтоб чиқиб қиздиради,— бола шуни дилидан ўтказиб қувониб кетди,— мактабда совуқдан эт увшумайдиган, оёқ совқотмайдиган бўлди».

Мактаб эсиға тушди-ю, уни ғам босди. Тўғри, совуқ юпқа чоловаридан, кўйлагидан ҳам ўтиб аъзойи баданига игна санчгандек бўлса-да, бундан қўрқмайдиган бўлиб қолган. Яхдай сув пойафзалининг тешикларидан кириб оёқларини музлатганда оғриқقا чидаёлмай сакрашлари-чи? Буниси ҳам унча эмас. Аммо ўқитувчининг қўлидаги узун силлиқ калтаги-чи?! Мана бугун ҳам у бурчакда олов ёқилган ўчоқ ёнида якка ўзи исиниб, маза қилиб ўтиради. Унга ҳеч ким ҳasad қилолмас. О-о, унинг калдаги, ҳа-ҳа тақсиримнинг силлиққина калтаги. Бугуннинг ўзида Тануснинг орқасига неча бор тушаркин?

Тақсир элликларга бориб қолган, ўрта бўйли, қорни мешдай, бўйни гўштдор, серсоқол киши. У жамоа ибодатхонаси ва мактабларни ўз қўлида сақлаб туради. Тақсирнинг на хотини, на бола-чақаси бор. Уни кўролмайдиганлар бева хотинларга майли борлигини сезиб қолишган. Шунинг учун дуч келган жойида ҳатто, унинг талабалари олдида ҳам ғийбат қилиб юришади. Бу гаплар тақсирнинг қулоғига етгудай бўлса: «Тили узунлар худонинг қаҳрига учрайди», деб қўя қолади у.

Одамлар йиғилганда, айниқса, хотинлар тўпланишган жойда тақсирнинг ибодат қилиш учун тили дарров камимага кела қолади.

Улгидай зиқналиги, пулга ҳирс қўйганлигини айтмайсизми. Кўлига олтин танга тушиб қолгудай бўлса, «сенинг жойинг шу ер» деб қамиш ғовагига бекитиб қўйган олтинларига қўшиб қўяди.

Танус ўқитувчи ҳақида бундан бошқа гапларни ҳам билса-да, шу топда буткул бошқа нарса ҳақида ўйларди. Ҳозир у, талабалардан бирортаси ножўя иш қилиб қўйгандага, тақсирнинг қай аҳволга тушишини кўз олдига кел-

тиряпти: қошлари чимирилиб, кўзларига қон тўлади-да, тахта устидаги калтакка қўлини узатади... Ўшанда бечора талабанинг шўри қуриди деяверинг!

«Дарсни яхши уқиб олдимми, йўқми?» хаёл сурали Танус, дераза ёнида туриб. У деворда осиғлиқ жилдга кўзи тушиб, ўша томонга юра бошлайди. Қаёқдан ҳам дарсни яхши ўқиб олай? Келдинг дегунча иш. иш. Кўзада булоқдан сув таши, эрта тонгдан ўтинга бор, фалтакка ип ўра...»

«Ўра ўғлим, ўрай қол,— дерди онаси унга,—мен дастгоҳдан силжисам бўлмайди, босим ўтириб тўқишим керак... Даданг омочи билан, мен дастгоҳимда ишламасак тирикчилик нима бўлади?.. Ҳа, бўла қол, ўғлим, бўла қол».

Танус китоб олмоқчи бўлиб жилдига қўл узатганда гина нариги хонада онаси ишләётган дастгоҳнинг дақир-дуқури қулогига кирди. Шу вақтгача хаёл билан бўлиб, унга эътибор қилмабди. Ў, жилдидан бетлари сарғайиб кетган, увада китобчасини чиқарди. «Дарсим қайси саҳифада эди?..» Бармоғини лабларига теккизиб ҳўллаб, китобни варақлай бошлади.

«Ҳарфларнинг талаффуз қилиниши». «Топдим!» деди у ва худди ўқитувчининг қархисида тургандай ёки ҳарф уни тишлаб оладигандай дир-дир титраб, кўрсатгич бармоғини биринчи ҳарфга қараб босди. «Алиф, ҳамза, фатҳа, лом, сукун, ал,—деб ғўлдиради у,—айн, касра, айн...<sup>1</sup> Тағин дақир-дуқур! Жонга тегиб кетди-ку!» Моки дам у ёққа, дам бу ёққа бориб-келиб ғижирлайди. Бирдан дастгоҳнинг шовқини тиниб қолди. Ип узилиб кетгану, ойиси дастгоҳни тўхтатиб, уни улаётганмикан? Ёинки найчада ип соб бўлиб, мокига бошқасини қўяётганмикан? «Ҳадемай тайёр найчалар тугаб қолади. Уларга ип ўрагунча кечаси билан ухламай чиқувдим. Нега тағин шулар хаёлимга келади-я?.. Ал, нун, фатха, ал, ан...»

Дастгоҳнинг қайтадан бошланган шовқини унинг диқ-қатини бўлди. Минут сайин битта найчани ипи кетиб турибди. Зум ўтмай қолганлари ҳам тугайди.. «Кел Танус, менга ип ўраб бер. Қела қол... Умримнинг заволи шу ип ӯралган найчалар»...

Танус нимадан аламини олишини билолмай гаранг

<sup>1</sup> Араб алфавитидаги ҳарфларнинг исми ва белгилари.

бўлиб турувди. Шу пайт дастгоҳ таққа тўхтади-ю, она-сининг гапираётгани қулоғига чалинди:

— Танус, овқатингни едингми? Мактабингга кеч қолмагин. Ана-мана дегунча, ўқитувчинг қўнгироқ чалиб қолади.

— Ҳозир,— деб жавоб берди у. Асабий ҳаракат билан китобини жилдига соларкан, жилди билан битта михга осилган элакни тушириб юборди.

— Бирор нарсани тушириб синдиридингми?

— Йўқ, ҳеч нарса сингани йўқ.

Танус шошилганича нонга анжир қўшиб ея бошлади.

...Ана, ўқитувчининг қўнгирифи ҳам жиринглаб қолди.

— Тезроқ мактабингга бора қол. Дарсингни гапириб бергину, бир соатдан кейин қайтиб кел. Ип ўраб бериб турасан. Ўқитувчингга шундай десанг, жавоб беради. Тушундингми?

Танус сукут сақларди.

— Айтганларимни тушундингми?—қайта сўради онаси аччиғи чиқиб.

— Тушундим! Ҳаммасини тушундим! Ипингиз ҳам, бошқаси ҳам жонимга тегиб кетди!

— Ҳа, бахти қора. Қалтак бурчакда турибди-я, ҳеч қаёққа кетгани йўқ...

Танус эшикдан отилиб чиқиб, мактабга югурди. Мактаб ҳам узоқ эмас, сал нарида.

Ёмғирдан кейин кўча ўйдим-чуқур бўлиб кетган, ариқчалардаги сувлар кўчага тошиб оқарди. Танус оғзини тўлдириб нон кавшар, мактабга кечикмаслик учун ҳаллослаб югарарди. Бир маҳал оёғи тойиб кетиб, лойга йиқилди. Қўлларини қўлмак сувга наридан-бери ювиб, яна югурди. У болаларга келиб қўшилганда, биринчи сафдагилар мактаб эшигидан кириб кетишаётган эди. Танус йўтали тутиб, ҳар дамда енгининг уни билан бурнини артиб ҳаллослаганича орқароқдаги болалар билан кета бошлади. Мактабга етиб, ўз жойига ўтиргандагина хаёлини бир ерга йифа олди.

Ўқитувчи болаларга зимдан кўз югуртириб чиқди. Ҳамма жим, бошини китобга эгиб, қимир этмай ўтиради. Ана, ўқитувчининг лаблари қимирлагандай бўлди. Ҳамма нафасини ичига ютиб кутмоқда. Тануснинг назарида, унинг юрак тепиши чопиб кетаётган кишининг дупур-дупури ҳаммага эшитилаётгандек туюлди. Ўқитувчи биринчи бўлиб уни чақириб қолса-я тағин?

— Юсуф ва унинг компанияси! Қани дарсни гапириб беринглар-чи,—деб қолди ўқитувчи.

Шунда Танус елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тин олди. «Юсуф ва унинг компанияси» бошларидан торбушларини<sup>1</sup> олиб, столга, оҳиста китобларига баттарроқ ёпишиб олишди. Юсуф... Ҳа-а-а, унинг дадаси домланинг бева хотинлар билан алоқаси ҳақида нималар ҳам деб эди!..

Ўқитувчи боши билан имо қилиб:

— Уқи, Юсуф!— деди.

«Шоҳ Дабшалим файласуф Бидейга айтибди», бидирлаб ўқишга тушди Юсуф. У шу қадар тез ўқирдики, фақат нафасини ростлаб олиш учунгина бир зум тўхтар, ютуниб олиб яна давом этарди.

— «А» ўрнига «у» қўйиб ўқилади! Ҳеч нарса ўрганмай келганингни билувдим-а,— ўдағайлади ўқитувчи.

Юсуф чўчиб тушиб хатосини тузатди-да, ўқишида давом этди. Лекин тили тутилиб тўхтаб-тўхтаб қолаверди.

— Кесрани<sup>2</sup> қўйиб ўқи дейман, бўлмаса қовурғангни уриб синдирайми?!— Ўқитувчи қўлидаги калтакни столга шундай зарб билан урдики, Юсуфнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам юраги орзиқиб тушди.

— Дарсниям жуда яхши тайёрлайдиган бўлибсанми! Тамом қил, яна бир оз сабр қиласман.

Боланинг тили бўғзига тиқилгандай бўлди. У дудукланиб, ўқишида давом этди. Унинг ўқиётганидан ҳеч нарса англаб бўлмас, лаблари қимирлаб аллақандай ғўн-филлаган товуш чиқаради, холос.

— Афсус, агар ўрнимдан туриш малол келмаганда ба-шарангга қараб бир туширадимки, кўзларингдан олов чиқиб кетарди. Қўлингни бер бу ёққа, столнинг устига қўй!

Домла шундай деб, калтакни столга тарақлатиб урган эди, хонанинг бурчагидан акс садо эшитилди.

Ҳамма Юсуф ўзини ташлаб юборади деб турувди. Йўқ, у ҳамон йиқилмай тик турарди. Масала равшан, Юсуф домланинг кўзини шамғалат қилиб қўлини тортиб олган ва калтак столга шарақлаб теккан.

Ўқитувчи дарғазаб бўлиб, ўрнидан туриб кетди. Тишларини ғижирлатиб, қонсираган ваҳший ҳайвон

<sup>1</sup> Торбуш — бош кийими.

<sup>2</sup> Арабларга хос сўз ўйини: Касра — ҳарф, қисқа «и», касра парчаламоқ феъли...

сингари, кўзлари еб қўйгудай бўлиб, ўз қурбонига тикиларди.

— Ҳали мени алдамоқчи ҳам бўлдингми? Ўнг қўлингни қўй, чап қўлингни... Ўнг қўлингни.... Чап қўлингни::

Қалтак бир текисда дам юқорига чиқиб, дам пастга тушарди. Ўқитувчи болани савалаб ўч оларди. Юсуф оёғи қўрга ботаётгандек уни кўтариб-кўтариб босар, типиричиларди. Чирт юмиб олган кўзларидан ёш сизилиб оқар, оғриқдан юзлари тиришган.

— Ҳа, йиғла, дод дегин, маймунга ўхшаб сакрагин, кўзингни қаттиқроқ юм! Хўш, юлдузлар кўриняптими кўзингга?— деб жавраб қалтаклайди ўқитувчи. Ахийри ўзи ҳам ҳолдан тойиб, стулга ўтириб қолди.

Боланинг ўкириб йиғлашлари босилиб, мушукнинг заиф миёвлашига ўхшаш товушга ўтиб, тинди.

Хонага жимлик чўкиб, сув сепгандай бўлиб қолди. «Бошим айланиб кетяпти, касалман. Уйга боришими керак. Ойим ҳам кутиб қолдилар. Ҳозир ўрнимдан тураману, рухсат сўраб ташқарига чиқаман. Йўқ-йўқ, мен буни қилолмайман... Таваккал, сўраб кўраман».

Танус қўлини кўтарди.

— Нима дейсан?— домланинг кўзига қон тўлган эди.

Танус тиззалари бўшашиб, ўрнидан турди.

— Тақсир, менга жавоб беринг... Мен... ойимга ил ўраб боришими керак.

— Сен доим онангга ил ўраб берасан. Йўқол, кўзимга кўринма,— ўқитувчи таёқ билан унинг орқасига тушириди.

Танус коптоқдек сакраб ўзини четга олди. Жилдини илиб кўтариб, эшикдан сирғилиб чиқиб кетди. Кўчада соғ ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олиб, ўзини енгил сезди. Бутун даҳшат орқада қолди. Жилва қилаётган заррин қуёш нурлари қандай оромбахш! Улар гўё Танусга салом йўллаб, олқишлиётгандай. Аммо унинг кўнгли беҳузур бўлиб, бир хил бўлиб кетяпти... Ҳолсизланиб деворга суюниб қолди... Оппоқ пахтадай шаффоф булутлар мунча чиройли?..

Танус ўқчиб қусиб юборди...

— Сенга нима бўлди, бўтам? Нега рангинг ўчди? Ўқитувчинг урдими?— эшикдан кириши билан сўради онаси.

— Ҳеч ким ургани йўқ,— Танус жилдини бурчакка улоқтириди-да, чархнинг ёнига бориб ўтириди.

— Рангингда қатра қон қолмабди-ку, ўғлим?

Танус индамай калава ипни олиб, ўиғайгина чамба-ракка кийгизди. Кейин ишнинг учнин пайчага ўраб қўйиб ғилдиракни айлантирди. У шу кўйи найчани алмаштириш ёки янги ип зарур бўлиб қолгаңдагина тўхтаб, кўзларни бир хил оҳангда гувуллаб айланасетган ғилдиракдан узмай икки соатча ишлади. У чурқ этмай ишнин бажарар, фақат аҳенда бир эши билар-эши билас йўталиб қўярди. Онаси ишлаётгап дастгоҳ тинименз дўқирлайди. Она ўз фарзандини унтиб юборгаңдай, гамгин қўшиқ айтиб куйларди. У қайрилиб ўғли томонга боққанда, унинг стул суюнчиғига ёнбошлаб, ухлаб қолганини кўрди. Ғилдирак тўхтаб қолган, гёё у ҳам дам олар эди. Тануснинг уйқусида оғир уф тортиб хўрсанишлари юракни эзиб юборади.

— Уҳ, шўрликкимнинг аҳволини — юзлари заъфарон бўлиб, сарғайиб кетибди. Ўнга нима бўлднйкин? Со-вуқ еб йўталяпти. Устига бирон нарса ташлаб қўяй.

У оналарча меҳр билан ухлаб ётган фарзандини плашчга ўраб-чирмар экан, ўзига-ўзи гапирди: «Ҳали балоғатга етмасидан, гўдаклигига шунча ҳориб-чарчаши инсофданми? Буларки шундай бўлса, баҳтиёр турмушни худо кимларга буюрган?»

Танус анча — уч соатдан ортиқ ухлаб қолди. Тушида ойиси билан бирга тушлик овқатни еб, кейин домласи-нинг қўнғирорини эшишиб, мактабга қайтиб келган эмиш.

Домла савол бериб уни чақирганда, гёё тилдан қолиб, бор-йўқ билими миясидан учиб кетгандай, биронта ҳарфни ҳам ўқий олмаган эмиш. Ана шунда ўқитувчиси аввал соchlарини бураб тортибди, сўнгра, эрталаб Юсуфни ургандай, гоҳ ўнг қўлини, гоҳ чап қўлини столга қўйдириб савай бошлабди. Бироқ у Юсуф сингари чинқириб йигламади. Мушукка ўхшаб миёвлаб инграмади ҳам. Қўллари темирдай қаттиқ эканми, калтакларга бардош берди. Тағин бўш келмай домласига: «Айиқсан! Ҳай-вонсан!» деб бақирар ва жон-жаҳди билан унга ташла-нарди. Тақсирнинг бармоғини тишлидаки, то оғзида қон таъмини сезмагунча қўйиб юбормади. Домла жои аччиғида:

— Бармоғимни ғажиб юбординг-ку! Мана энди ҳо-лингга маймунлар йиглайди,— деб унинг нимжони, нигичка бўйнига човут солиб, бўға бошлади.

Танус унинг қўлини қўйиб юбориб, талабаларни ёрдамга чақирди. Аммо у юраксиз қўрқоқлар, михлаб қўй-

гандек қимирламай ўтиришарди. Атиги бир нечасигина мададга келишди. Улардан бири калтакни ола солиб, домланинг бошига туширди. Кейин ҳаммалари йўлбарс-дек деразадан ошиб ўтиб, чўлга қараб қочишиди.

Улар то тунгача чўлда қолиб кетишиди. Ер юзи туннинг қора чодирига ўралганда, болалар абадий бу ерда, улкан қоя паноҳида қолишга қасамёд қилишди.

Кун совиб кетган, муздек шамол эсади. Болалар совқотмаслик учун ғужканак бўлиб ўтиришарди. Кўкка боққанларида, осмон уларнинг назарида бепоён саҳро бўлиб туюларди. Олисдаги юлдузлар кишининг юрагига ғулғула солиб милтиллайди. Кўп ўтмай чиябўриларнинг увллашлари қулоққа чалинди. Зимистон кеча яна ҳам қўрқинчлироқ, ваҳималироқ тус олди.

Танус қоронғида сиртлоннинг олов каби ёниб турган бир жуфт кўзини кўриб қолди. Уни ўртоқларига кўрсатди. Улар ҳам шуни кўраётганликларини тасдиқлашганидан кейин, Танусни қалтироқ босди. Унинг ҳолати шерикларига ҳам ўтди. Уларнинг хаёлида атрофдаги баланд қояларга жон кириб, бостириб келаётгандек бўлди. Шу дақиқада ҳаммалари ўз уйларини, иссиқ тўшакларини қўмсашарди.

Танус ётган жойида қимирлаб уйғониб кетди. Унинг аъзойи бадани қақшар, жуда чўллаб кетган эди. Бўйни уйқусида қийшайиб қолганиданми, зирқираб оғрирди. Унинг кўзи бирдан ишидан тўхтаб, уни кузатиб турган онасининг кўзлари билан учрашди.

— Уйқунгда кимни «айиқсан» деб уришаётувдинг?— меҳр тўла кўзлари билан мулојим сўради она.

— Қўнғироқ чалиндими, ой?— Танус онасининг саволини мутлақо эшитмагандай эди.

— Йўқ. Тақсир пешиндан кейин аллакимни кўмиш маросимига кетди. Қорнинг очмадими, ўғлим? Қўвачадаги умоҷдан ўзингга қуйиб ича қол. Қўвача мана бу ерда турибди.

— Хўп бўлади. Олдин сув ичиб оламан. Ойижон, сиз мен ухлаб ётганимда овқат пишириб қўйдизми?

— Ҳа, ўзинг ҳам оғирдам ухладинг, болам. Уйқунгда кимни «ҳайвонсан» деб уришаётувдинг? Нега индамайсан, ўғлим?..

Эртаси Тануснинг онаси булоқдан сув олиб қайтаётгандага, ўғли ўқитувчисига тош отиб, бошини ёриб қочиб кетганини хабар қилишди.



## РАШИД ДАРГУТ

### ТОҒДАГИ ФЕРМАДА УЧРАШУВ

Абу Саид ўз фермасини тоғнинг ён бағрига қурган эди. Унинг даласида тотувлик ва фаровонлик ҳукм сурарди. Бутун уй ичи билан бу ерда тер тўкиб астойдил меҳнат қиласар, ер ҳам бунинг эвазига мўл ҳосил ва шириш-шакар мевалар тортиқ қиласарди. «Тоғ фермаси»нинг сути қўшниларнинг таърифича, энг яхши сут ҳисобланарди.

Абу Саиднинг полизидан чиққан сабзавотларни айтмайсизми? Улар шунчалик покизаки, хомлигича бемалол еявериш ҳам мумкин!

Халқимиз кўкни яхши кўради; бизда уни пишириб ҳам, хомлигича ҳам ейдилар, ундан зиравор тайёрлайдилар. Бунинг сабаби шуки, таъбирларга кўра, сабза

рангги — умид ранггини, кўкат эса, қалбни яшартади, ҳамда кинини тетик ва бардам қиласди.

Абу Саид олтмиши беш ёнга кирганига қарамай, ферма хўялигини ўзи бошқаарди. У бардам ва серғайрат кини, ҳеч қачон чарчашни ҳам билмас, умрида бирон марта касал ҳам бўлган эмас. Ёз кунларининг бирида, биз Абу Саид фермасига яқин жойда дам олаётганимизда ундан сўрадим:

— Абу Саид амаки, қандай қилиб сиз ҳалигача ўзингиздаги тетикликни сақлаб қолгансиз-а?

Чолининг кўзлари чақиаб кетди. Одатда узоқ яшаган одамларда бу ҳолни кўриш қийинроқ.

— Кетмои чопаман,— деди у.

Мен ернииг ҳаётбахш бўйидан тўйиб-тўйиб нафас оларканман, яна:

— Ҳадеб ерни титкилай бериш жонингизга тегмадими?—дедим.

Абу Саид ал-Мазраъани табассум қилди ва истеҳзоли кулимсираб туриб, деди:

— Жонингга тегмадими эмиш. Яхши кўрган ишинг жонингга тегармиди? Ер, менинг жони таним, мана шу қўлларим билан унга ишлов бераман.

У менга ўлчов идишини лиммо-лим тўлғазиб янгигина соғилган сутдан қуйиб берди. Унинг бундай сахиyllиги менга мамлакатимнинг қадимги олижаноб анъаналари, меҳмондўстлиги ва шу сингари асрлар давомида вужудга келган урф-одатларини эслатди. Эндиликда урф-одатларни бўғиб ташлашга ва одамлар қалбидан ўчириб юборишга уринмоқдалар.

Мен хушмуомала бу чолдан яна сўрадим:

— Абу Саид амаки, даладан, товуқ ва қуёnlарингдан бўшаган вақtingда нима иш қиласан?

— Мен билан бирга юр,— жавоб берди у,— бўш вақтимда нима иш қилишимни ўз кўзинг билан кўрасан-кўясан.

Мен унинг орқасидан эргашдим; у мени товуқхона, молхона, қуёnlхона ва бошқа жониворлар кўраларига бошлаб борди. Чол уларни силаб-сийпаб эркалар, уларга ем берар, сугорар ва содик қавмларига жон куйдираётган коҳиндек ғамхўрлик қиласди. Ҳали тамом айлануб чиқмай, бу соғдил ва меҳнатсевар деҳқонга разм солиб, кимки ерни, меҳнатни севар экан, у одамнинг ўзи ҳам тинч, қорни ҳам тўқ бўлишини фаҳмлаб олдим.

Ўша куни «тоғдаги ферма»дан қайтаётіб, кимда-ким ерга астайдыл күнгил қўйиб меҳнат қўлса, истаган фаровон ва гўзал турмушга эга бўлиши мумкин экан деб ўйладим.

Кеч кира бошлади. Ботаётган қуёшниңг сўнгги нурлари оловсизмон тўқ қизил шўъла бўлиб терак барглари ва қамиш пояларига тушди ва катта ҳовузниңг ойнадек текис юзида жилваланди.

Абу Саид бу ҳовузни ёмғир сувларини тўплаб, далани суғориш учун қазнган эди.

Сўқмоқдан бораётіб тасодифан бир қизии учратдим. Қиз афтидан, ҳозиргина чўмилиб чиққан шекилли, юзи эгнидаги майкасилик қип-қизил эди. Шамолда ҳилпираб турган қора, жингалак соchlарига ботаётган қуёшниңг шўълалари тушиб товланарди.

Бу учрашув мени шунчалик ҳайратда қолдирдикি, ҳатто эртасига фермага боришга ҳам юрагим дов бермади. Ахир, мен ҳам ёзда турмуш ташвишларидан нарироқда, холи дам олишни истовчи одамларданман да. Ундан сўнг ҳар ҳолда ёшман, шундай бўлгач, мен ҳам гўзалликни яхши кўришим, унга интилишим табиий, гарчанд унга етишиш мушкуллигини билсан ҳам интиlamан.

Бу жаннат боғига яна қайтиб бориш учун, донишмандлар маслаҳатига кўра яна, ўн кун, роса ўн кун кутиш керак эди. Аммо табиатнинг тортиш кучи ақл-идроқдан устун чиқади. Эртаси куни кечга бориб ферма томон йўл олганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ўша дамдан бошлаб ўзимни дунёда энг бахтли киши деб ҳисоблайман. Чунки, бу фаришта билан дўстлашиш бутун бандай мўминлар орасида фақат менгагина муюссар бўлди.

Ферма томон борар эканман, хаёлимда у. Чарчашиб ҳам эсимга келмас, тоғнинг тошли сўқмоқларидан юришга ярамайдиган шинппакда жадал одимлардим. Қаршимдаги дengиз қирғоқларидан ўрмалаб чиқаётган туманга аста-секин ўралаётган хушманзара табнат ҳам, водийнинг гўзаллиги ҳам мени ўзига жалб қилолмасди.

Қоялардаги, табнат кучлари томонидан ўйиб ясалган ва қадимги Рим даври устасининг ижоди — ажойиб планли амфитеатрга ўхшаш пиллапоя чиганоқларга ҳам эътибор бермас эдим.

Кўз ўнгимда, атрофдаги барча нарсаларни тўсиб, ўша нотаниш қизниңг сиймоси турарди. Менинг учун вақт

ҳам, фазо ҳам йўқ эди. Ҳаёлимда у маъшуқам билан жуда кўп учрашув муддатларини белгилар эдим.

Гўзал фаришта билан кеча учрашган жойга келсам, у йўқ. Уни тополмаганим ҳафсаламни пир қилишдан кўра кўпроқ ҳайратга солди.

\* \* \*

Фермада Абу Сайд мени аввалгидек самимий табасум ва очиқ чеҳра билан кутиб олди. Бу унинг қанақа одам эканидан далолат берарди. У табиати меҳнатда шаклланган, мардлиги эса озодлик учун тинмай олиб борилган курашда чиниққан, маданиятли ҳалқ орасидан чиққан эди. Чол ҳеч қанақа эгриликка олмасдан оддийгина қилиб деди:

— Оббо, қизи тушмагур-э! У мендан сени сўради. Ҳўш, тақсир, нега мунча ҳаяллаб қолдингиз?

Мен уялиб кетдим, лекин, гўё ҳеч нимани тушунмаётгандек, ўзимни анқовликка солиб сўрадим:

— Ким у, Абу Сайд?

Чол қошларини чимириб, кўзларини қисди ва сўнгра:

— Вой ҳийлагар-эй! Ҳали билмайман ҳам дегин? Суния. Ӯша ақлингни олиб қўйган қиз-чи! Ҳа, сен ҳам уни мафтун қилган қўринасан!

Мен Абу Сайдга ҳеч нима демадим. Лекин бу Суния ҳақида гаплашишни хоҳламаганимдан эмас эди. Секин гаплашаётган бўлсак ҳам, ҳар ҳолда гапимизни узун қулоқлар эшитиб қолишидан ҳадиксирап эдим. Чунки қулоқ фақат деворлардагина эмас. Айниқса қариндошларинг шаҳарда ёки қишлоқда сенга муносиб қаллиқ исташиб юрганда, зийрак қулоққа шамолнинг ҳам ёрдам бериши турган гап. Мен ҳазилсиз, жиддий оҳангда:

— Э, ҳа-а, Суния денг! У менинг мактабдошим-ку... Ҳозир у қаерда?— деб сўрадим.

Чол қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Мўйловларини силаб, сўнг деди:

— Оғайни, ҳали сиз, эҳтимол, Бразилиядагу түфилганим ҳам дерсиз?

Сал бўлса сир ошкор бўларди. У вақтда мен юридик факультетининг студенти эдим ва Рим ҳуқуқи тарихини ўрганишга шунча ўзимни мажбур қилсам ҳамки бўлмади... консервани еяолмаганимдек, бу фанни эслаганимда ҳам кўнглим гум-гум озарди.

Жавоб учун энди оғиз жуфтлаётган әдимки, қулоғимга қиз боланинг овози эшитилиб қолди.

Орқага ўғирилган ҳам әдимки, ўша қизга кўзим тушди. Рўпарада қадди-басти келишган бир жонон турарди. Унинг кўзлари қизил гардишли кўзойнак орқасидан худди атрофдаги оламга беозоргина қараб турган каклик кўзлари сингари жилмайиб, боқиб туриди.

Бир-биirimизни тушуниб олишимизга ортиқча сўзнинг ҳожати ҳам бўлмади. Турмушда шунақанги ажойиб учрашувлар ҳам бўлади! Баъзи бир кишилар биринчи кўришингдаёқ кўзингга эски танишдек кўринади. Суния худди ўшандайлардан эди. Ешлик барқ уриб турган бу қизнинг нозик, беғубор юзи, кибирсиз, оқ кўнгил, такаббурлик нима, билмаслигидан далолат бериб турарди. Шунинг учун ҳам у билан мана шу тоғдаги ферманинг ўзидаёқ, Абу Сайд амакининг ҳомийларча назари остида қийналмасдан гаплашавердим. Кейинчалик эса унинг дўсти, қадрдони сифатида бирга-бирга саёҳат қилдим. Мени у билан тил, ирқий ёки миллий келиб чиқишидан кўра кучлироқ, юксакроқ бир нима боғларди.

Сунияга:

— Менинг ватанимда нима сизни ўзига жалб қилаётir? У жуда кичик бўлса... Сизнинг ватанингиз эса дунёдаги энг катта мамлакатлардан бири!— дедим.

— Гўзаллик, катта жойларга нисбатан қадими жойларда кўпроқ бўлади... Мени бу кўхна мамлакатингизнинг ўзига хос гўзаллиги мафтун қилаётir.

Менинг севикили ватаним ҳақидаги илиқ сўzlари учун қизга миннатдорлик билдиридим-да:

— Соҳилда ҳам бўлдингизми? Дунёдаги энг қадими шаҳар ўша ерда,— дедим.

— Ҳали бўлганим йўқ, лекин у ерга бирга борсак, жуда хурсанд бўлардим,— жавоб берди қиз.

Биз соҳилга бориш учун қаерда учрашишни келишиб олдик-да, сўнгра бошқа бир нарса ҳақида ҳам сўзсиз ваъдалашдик, буни зийрак Абу Сайд ҳам назаримда, фахмламай қолди.

Бироқ Абу Сайд кечқурун мен билан гаплашаётганда билдимки, чолнинг эътиборидан ҳеч нарса четда қолмапти.

— Эҳтиёт бўлгин, сени у денгизнинг нар ёғига олиб кетиб қолмасин яна. Ўғлим Сайдни шундай қилишгаи,— деди у.

Мен кулиб юбордим, унинг кучли, дағаллашиб кетган қўлини қисдим ва дедим:

— Хотирингиз жам бўлсин, Абу Сайд амаки, мен ҳам сизга ўхшаб қадрли еримизга ишонаман ва уни шунчалик севаманки, ҳеч қандай жонон ҳам мени ундан жудо қиломайди.

Бу сўзларни шундай жаҳду жадал билан айтдимки, гўё муҳаббатга ва бир-бирига рақиб икки худо: муҳаббат худоси — хотин киши ҳамда ҳаёт худоси — ерга содиқ бўлиш учун қасамёд қилгандек бўлдим.

...Бир ойдан сўнг Суния институтда ўқишлиарини давом эттириш учун Америкага жўнаб кетди.

У билан портнинг кема боғлаб қўядиган жойида, қадрдон йўлдоши билан хайрлашаётган сайёҳдек хайрлашдим. Унга:

— Жоним Суния, эсингизда бўлсин, агар сиз Ливанга қайтиб келсангиз, бу ерда ўз севгили дўстингизни топасиз. Аммо унинг қадрдон юртига бўлган севгиси сизга бўлган севгидан кучлироқдир,— дедим.

У қўлимни сиқди-да:

— Борди-ю, агар сиз менинг мамлакатимга борсангиз, ёдингизда бўлсин, у ерда ҳам сизни севгувчи қизни топасиз. Аммо унинг сизга бўлган муҳаббати, сизнинг ўз юрtingизга бўлган муҳаббатингиздан кучлироқдир. Чунки сиз унинг учун инсоний олижанобликнинг тимсоли бўласиз.



## ҲАММА ЖОИДА ҲАМ ХОТИНЛАР АСҚАТАДИ

Тоғликлар одатда баджаҳллиги ва бâъзи қўполлиқлари билан ажралиб турадилар. Аммо менинг ватапим бўлмиш, Ливан тоғларида одамлар қанча баландда яшасалар, улар шунчали мулойим, қалби ҳам шунчашоиронадир. Зотан бу тоғлarda қандайдир ўзига хос латофат ва бутунлай бошқача жозибадорлик бор. Бизнинг энг яхши ёзувчиларимиз Жубран ва Нуаймеларнинг худди мана шу тоғлarda туғилганлиги ҳам бежиз эмас-да. Жубран бир учи осмону фалакка бориб туташган Бшарри тоғида, Нуайме эса юлдузларнинг қўшниси Шаҳрубда дунёга келганлар.

Мунани айтмайсизми? Бу тоғда менинг ягона севгим—гўзалликнинг тасавуримдаги камолатга етган ҳолати

гавдаланган. Муна қорлари чеҳрангни очиб, қалбингга муҳаббат алангасини ёқадиган чўққилардан бири. Сайёҳ водийни қоплаб ётган ва унга қандайдир сеҳрли, номаълум гўзаллик бағишловчи енгил туман ичига кириб бориши учун, фақат шунинг учунгина тоғларнинг бу чиройли манзарасидан кўзини узиши мумкин, холос. Энди чиқиб келаётган қуёш нурлари билан ҳали ёритилмаган кўм-кўк тоғ ён бағирларини айтмайсизми... Ахир, ҳаёт, тинчлик ва осоийшталиктининг замини шунда эмасми?

Ватаним тоғлари бўйлаб тонг-ла сайр қиларканман, мана шуларни ўйлардим.

— Амакижон, соат неча бўлдийкин айтмайсизми?

Орқамга қараган ҳам эдим, ёшгина бир қизни кўрдим. Унинг қизариб, бўртиб кетган юзи, қарашибдаги ҳорғинлик бу ерга чиқиша қанчалик қийналганининг сўзсиз гувоҳи эди. «Амакижон!» Бу сўз мени эсанкиратиб қўйди. Чунки ҳалигача биронта қиз бола менга бундай демаган эди. Таажжуб. Ажабо, бу қизни бу ёқларга келишга нима мажбур қилдийкин? Шуни билмоқ истаб, унга бошдан-оёқ синчков назар ташладим.

— Еттига яқинлашиб қолди,— жавоб бердим мен,— қаёққа борасиз, билсан бўладими? Истасангиз машинада элтиб қўяман.

Шундай деб баланд қоя ёнидан ўтган, йўл четига қўйиб келган кичкина машинамни кўрсатдим. Қиз яқинроқ келди. Унинг ёш, ҳорғин чеҳрасидан жасорат ва шиҷоат сезилиб турар эди, бу якка сайёҳ, қизнинг жоду кўз қарашлари менга қандайдир сирли туюлди.

У менинг ёнимга ўтириди. Ҳозир, афтидан ўзига ҳамроҳ учратиб қолганидан хурсанд кўринарди. Кузда ҳамма кўчиб кетиб бу ерлар ҳувиллаб қолади. Ер ва дарахтлар ёмғир билан ювилган, совуқ уриб тўклилаётган япроқларнинг турланиши, буларнинг ҳаммаси бу жойнинг ҳуснига ҳусн қўшади, латофат бағишлияди. Шамол ҳар бир кучайганда яланғоч шоҳлар тебранади, тўклиган япроқлар, гўё исиниш учун бир-бирларининг пинжига тиқилаётган қўй-қўзиларга ўхшаб бир уомга тўпланишади.

Қиз гап қотди:

— У шундай меҳрибон ўртоқ эдикни... Мактабда бирга ўқидик. Катта бўлганимизда мен уни ўзим учун, фақат ўзим учун сақлашим лозимлигини сеза бошладим.

— Бу эгаистик ҳиссиёт,— деб унинг сўзини бўлдим, мен.

— Йўқ, бу муҳаббат!— ғазаб бўлан деди, у.— Ҳа, севар эдим, унинг ҳам севишини чин юракдан истар эдим. Мен ўзимииз учун мана бу эман дарахтидаги каштарларнинг инига ўхшаш кичкинагина ин қуришни орзу қиласдирдим.

— Ажабо, шундай ҳуснингни кўрмаса-я! Бундан чиқди, кўзини шира босиб кетибди-да, а?— деб ҳазиллашдим мен.

Қиз ўзининг севгили дўсти учун менинг бу гапимдан қаттиқ ранжиди шекилли, шу заҳотиёқ эътиroz билдириди:

— О, унинг диди жуда нозик. У менга бир-неча бор: сен мен учун ватанимнинг бир заррачасисан, абадий гўззаликнинг бекиёс лавҳасини яратувчи ранглардансан,— деган.

Бу гал энди ҳазилсиз:

— У рассомми?— дедим.

— Йўқ, йўқ.

— Файласуфми?

— Йўқ.

— Адабиётчими?

— Йў-ўғ-эй!

— Устозми?

— Йўқ, ундан эмас.

— У холда ким экан?!— жаҳлим чиққан бўлиб, хитоб қилдим.

Қиз кулиб юборди. Унинг садафдай тишлари қорачадаи келган очиқ чеҳрасига ярашиб тушганди. Қизил гул баргига ўхшаш тил учини чиқарди-да.

— У ерга ишлов берувчи фаллоҳ, айни бир вақтда шоир ҳам, шеър ёзди,— деди.

Мен, бу қиз севган йигитига қараганда кўпроқ, бу қизнинг ўзидаи, фикрларининг жозибадорлигидан, унинг инсон меҳнатини қанчалик қадрлай олганлигидан завқланиб кулиб юбордим. Ахир, аксари аёллар ўзларига куёв танлаганларида эркак калтабин, ҳиссиз, туйғусиз, бетамиз бўлса ҳамки, пулдор, молу дунёси бўлсин дейдилар. Ана шундай бир пайтда, бу қиз ўз қадрдонини, аввало унинг ижодий қобилияти учун, сермаҳсул меҳнати учун севибида-да. Қиз, менинг ҳам ер-сувни ҳаммадан ҳам ўз она юртимни севишимни, унга ишлов берәтганларга

ўз мақсадини тушуниб, онгли равишда меҳнат қилаёт-ганларга, ақл қўллари билан ишлаётганларга эътиқодим зўрлигини фаҳмлагач, менга ишонди шекилли, машинамда олиб бориб қўйишимга ҳам қаршилик кўрсатмади. Оти Амал экан. У, икковимизнинг ҳам кўп нарсаларга қарашимиз, эътиқодимиз, юксак орзу-тилакларимиз бир эканлигини тушунганидан сўнг, мулоийим жилмайиб қўйди ва ўз севгиси ҳақида ҳикоя қила бошлади. Биз ҳали тоғ чўққинидаи денгизга томон тушадиган эгри-бугри йўлдан бир неча километр ҳам юрмай туриб, Амал менинг номимин атай бошлади.

— Ҳалил, сиз қандай деб ўйлайсиз? — сўради у, — менинг дўстим Ҳабиб қайтиб келармикан?

Мен атай тегажаклик қилиб, чалғитиб жавоб бердим, чунки уннинг жаҳл қилиши ўзига ярашади.

— Билмадим, Амал... Ҳаммаси сенинг ўзингга боғлиқ.

— Сиз, у мендан ҳам Американи кўпроқ севади деб ўйлайсизми?

— У сенга нисбатан қанақа-ю ва сен унга нисбатан қанақасан, буни ўзинг яхшироқ биларсан.

— Айтинг-чи, Ҳалил агар у йўл ҳозирлигини кўриб қўйган чоғда ҳам уни тўхтатиб қола олармиканман?

— Аввал менга айт-чи, у қайси бирини кўпроқ яхши кўради, қишлоқними, ёки икки ой илгари кўчиб қайтган шаҳарними?

— Аминманки, у кўпроқ қишлоқни яхши кўради.

— Бўлмаса, шаҳарга келиб қолишига уни нима мажбур қилди.

— Қишлоқда иш йўқ эди. Ғаллакорлик мавсуми қисқа, бизнинг жойларда эса бошқа иш топилмайди.

— Уни Америкага муҳожир бўлиб кетишга ундалган нарса шумиди ҳали?

— Билмадим, даллоллар бу жиноятни безаб-бежаб кўрсатиб, уни йўлдан урган бўлсалар керак.

Амал муҳожирликни жиноят деб атагани менга жуда маъқул тушди. Мен ҳам муҳожирликни энг яхши фарзандларни ватандан жудо қиладиган жиноят, деб ҳисоблардим...

— Амал, сен яхши айтдинг. Ҳақиқатан, одам агарда, бегона юртдан иш ахтариш учун бўлса ҳам, ўз ота-бобосининг юртидан воз кечиб юборса, бу катта жиноят. Агар ватанингни астойдил севсанг, бир ўзингми, ёки

бошқалар билан биргаликдами халқ учун керакли ва фойдали бўлган ишни доимо топишинг мумкин.

Бу учрашув бундан икки йил муқаддам, ёз фаслида, Ливанинг энг баланд тоғлари орасида, Жарулла әканимда бўлган эди. Мана, бугун уни худди ўша жойда, дўкондан чиқиб келаётганда қўққисдан кўриб қолдим. Бу мен ва Амал учун ҳам, унинг ёнида бирга келаётган эри Ҳабиб учун ҳам кутимаган, лекин кўнгилли учрашув бўлди. Амал бизни танишитирди. Ҳабиб худди эски танишлардек қўлимни қаттиқ қисиб кўришиди. Амал эрига ҳазиломуз деди:

— Сизнинг қайтиб келишингиз ва ўз она юртингизда қолиб кетишингизда Ҳалилнинг хизматлари кагта.

Ҳабиб кучли қўлини менинг елкамга ташлаб туриб, жавоб берди:

— Сиздан жуда миннатдорман, Ҳалил. Раҳмат. Мен тўнғич ўғлимга сизнинг чиройли исмингизни қўйишга қарор қилдим. Бизниги маҳмон бўлинг.

Биз, ўз мамлакатининг бу икки фарзанди — Амал билан Ҳабиблар туғилиб ўсган қишлоқда хайрлашдик. Бу ерда яна кичкина Ҳалил ҳам ўсади, улғаяди.

Дўстлар билан хайрлашаётib, уларнинг қўлларини қаттиқ сиқарканман ўзимча: «Агарда муҳожирликни ихтиёр қилган ҳар бир ливанликнинг орқасида Амал каби хотин турганда эди, бу одамларнинг кўпчилиги ўз ватанини тарк этмаган бўларди» — деб ўйладим.

Макр ҳам, вафо ҳам — ҳамма ишда хотинлар асқатади!



## МУҲАММАД ИБРОҲИМ ДАҚРУБ

### ПАРЧАЛАР

Шу куни эрта билан уйда бир яримта нондан бўлак ейдиган ҳеч нарса йўқ. Унинг ҳам яримтасини Марям қуритилган ялпиз сепиб еди. Қолган бир бутунини дадаси тенг иккига бўлди. Қизча тамадди қилиб олгач, парча-пурча, занглаған тунукалардан ясалган кулбадан чиқиб, узун тор кўча бўйлаб чопиб-чопиб кетди, ал-Қарантин даҳасининг сертупроқ кўчаларидаги ифлос ариқлардан мушукдай эпчилик билан сакраб ўтади!

Ҳали у ўн ёшга тўлмаган бўлса-да, елкасидан сира тушмайдиган бўз қопга кўнишиб қолган. Ҳалигача унинг қоп орқаламасдан юрганини ҳеч ким кўрган эмас. Қизча кечқурунлари уйига қайтаётганида қопда ойна парчалири шақир-шуқур қиласи, эрта билан сертупроқ, ифлос

кўчалардан кетиб бораётганида эса бўш, елкасида ли-  
киллаб борарди.

Марямнинг оёғида ёғоч кавуш, эгнида эса отасининг  
эски кўйлагини бузиб, қайта тикилган кўк, йиртиқ кўй-  
лак. Бу кўйлак унча иссиқ бўлмаса ҳам, онаси тикиб бер-  
ган кичкинагина кўкрак чўнтаги учун яхши кўради.  
Марям унга байрам куни сотиб олган ҳуштагини ва ойна  
парчалари териб юрганида топиб олган майдада-чўйда нар-  
саларини солиб юради.

Мовий кўзли, пучуқцина Марямнинг қуюқ, ялтироқ  
сочлари эрталабки совуқдан қочиб ювмаган кир юзига  
тушиб турап. Марям кўчаларда ва хилват жойларда ке-  
зиб юрганида ҳар хил нарсаларни орзу қилиб, хаёл сур-  
ди. Бугун эрта билан онаси унга бўш қопни бера туриб,  
отасининг кечадан бери иш ташлаш ўтказишгани учун  
ишдан қолганини айтди. Марям иш ташлаш нима экан-  
лигини тушунмайди, у фақат дадасининг ишда шикаст-  
ланган оёғини даволаш учун ўтган куни дорига бутун  
бошли ўн лира тўлаганини билади. Оиласга эса ярим ли-  
рагина қолди, холос; бу ҳатто тушлик овқатга ҳам ет-  
майди.

...Агар у ойна парчаларини кўпроқ териб бормаса,  
кечқурун овқатсиз қолишилари аниқ..:

Марям ҳадемай мана бу ифлос тор кўчалардан, занг-  
лаган тунука парчаларидан ясалган кулбалардан узоқ-  
лаб кетади, у онасининг кўзидан узоқлашганидан  
кейин кавушини ечиб қопга солади-да, оёқ яланг, енгил-  
таккина бўлиб олиб, Байрут кўчаларида кечгача ойна  
теради. Уйга қайтгач, онасидан ойнадан тушган пулга  
қовурилган колбаса сотиб олиб беришини сўрайди, у  
худди ўша қора фартуқли қизча берган булка орасида-  
ги колбасадан бўлиши керак..

Ўшандада изифирин шамол турди, у дарахтларни теб-  
рантирас, одамларни ҳайдар, шивалаб ёғиб келаётган  
ёмғир томчиларини ўйнарди. Марям баланд девор таги-  
га биқиниб олиб трамвай пойлай бошлади, унинг сочла-  
ри ва калтагина кўйлагининг этаги ҳўл бўлди. Ундан  
сал нарироқда ўзи тенги бир қизча ҳам турап эди. У қо-  
ра пешбанд таққан, унинг тўртта чўнтаккаси ва оқ белбо-  
ғи ҳам бор. Соchlари эса ҳаво ранг лента билан боғлан-  
ган эди. Бир қўлида китоб-дафтари солинган сўмкасӣ  
бўлиб, иккинчи қўлида эса каттагина булка еб туради.  
У ҳам кўприкдан ўтиб келаётган трамвайнни кутчоқда.

Трамвай етиб келди. Марям бошқалар билан бирга тез-роқ вагонга чиқиб олиш учун тиқилиб-сурилиб эшик томон ёпирилиб кела бошлади. Ҳалиги қиз уни итариб, юра бошлаган трамвайнинг зинасига лип этиб чиқиб олди. Булка унга халақит берарди. У йиқилиб тушмаслик учун қўлидаги нонини эпчиллик билан Марямга иргитди-да, тутқичга маҳкам ёпишиб олди. Марям бўлса, тош йўлда нонни ушлаганича ёмғир томчилари орасида узоқлашиб кетаётган трамвайнинг орқасидан анграйиб қолди.

У умрида бирон марта ҳам орасига нордон, маззали шарбат суртиб, устидан колбасачалар қўйилган мана шу булкадан ширинроқ нарса емаган эди.

\* \* \*

Марям уйидан узоқлашаркан, шуларнинг ҳаммасини бирма-бир эслади. У, трамвай остановкасигача анча юриб борди, кўприкнинг нари ёғида, қаердандир ғийчиллаб овози келаётган трамвайнинг кутди. Трамвайга чиққач, ҳам шамолдан қочиб, ҳам кондукторнинг кўзига кўринмаслик учун вагоннинг бир бурчагига биқиниб олади. Кондуктор ҳам қизчанинг баҳтига вагоннинг гавжумроқ бўлган нариги бошида эди.

Марям трамвайнинг биринчи остановкасида ҳам, иккинчисида ҳам тушмайди, кеча у бу ерларни зир айланиб озгина ойна ва шиша синиқларинигина терган эди. Онаси уни ҳаммаси бўлиб ўн пиастрга, ўз даҳаларидаги «Қоринбой» лақабли бир кишига пуллади. Одамлар унинг ҳақиқий исмини унутиб юборган ҳам эдилар. Марям боши кичкина, оёқлари калта-калта, хўппа семиз бу кишини кўрганида, унга гўё «Қоринбой»нинг туя қурсоғига ўхшаш қорни ўзига ўхшаган қизчалар тўплаб, сариф чақага пуллаган ойна синиқлари билан лиқ тўлага ўхшаб туюлади. Нима учундир мудом унинг бу қорнига бор кучи билан ургиси, ундаги ойна синиқларини туширгиси келарди.

...Трамвай ғизиллаганича ал-Бурш майдонидан ўтиб бормоқда. Совуқ шамол Марямнинг юз-қўлларига шиддат билан урилади, унинг калта, йиртиқ кўйлагининг этагидан ғувиллаб кираради. Вагон дириллайди, у ёқдан-бу ёққа тебраниб ғийчиллайди. Марям совуқдан тишларини такиллатиб деразадаги ойналарнинг дириллашига қулоқ солади. Оҳ, қани энди шу дириллашда ойналар

синса-ю, бу синиқларга қопини тўлатиб уйига қайтса. Ана ўшанда у иссиққина ўрнига кириб дадасининг ажо́йиб ҳикояларини тинглаган бўларди. Ҳаммадан ҳам «иш ташлаш»нинг нималигини сўраш эсидан чиқмасин! Бироқ қизчанинг орзуси ушалмайди. Трамвай ал-Жаҳлу вала деган жойга келиб тўхтайди. Марям вагондан тушади. Унинг соchlари тўзғиган, қопида эса ҳеч вақо йўқ. У кўчада секин кетиб бораркан, бирор синган-пинган ойна учраб қолармикин, деб дўкон ва магазинларни бирмабир кўздан кечирарди.

Бу ерда шиша кўп; шарбат, карамель, шоколад, писта ва ерёнгоқ солинган банкалар. Бу катта жой гирайлана токча бўлиб, унга ҳар хил ичимликлар солинган шишалар териб қўйилган. Марям хаёл билан шу ерга келиб тўхтайди-да, дўёнинг новча, қотма әгасига тикилиб қолади. Унинг ўзи ҳам бошидаги қора қалпоқча билан чўзинчоқ шишага ўхшаб кетарди. Бутерброд сотадиган қўшни дўкондан келастган хушбўй ҳид, колбасаларнинг ёқимли иси Маряннинг оғзидан сўлагини келтирап, қулт-қулт ютунишга мажбур қиласади. У яна қора пешбандли қиз билан учрашганини эслайди... Марям ўга қайтиб бориши биланоқ, онасидан худди ўшандақа колбаса сотиб олиб беришини илтимос қиласади. Аммо қопининг ҳали ҳам бўшлиги эсига тушганда ҳафсаласи пир бўлди. Унинг кўзи яна шишалар териб қўйилган токчаларга тушди. Қани, кошки эди, шу токчалардан бирортаси қулаб тушса-ю, устидаги шишалар чилпарчин бўлса. Шунда Марям дарров уларни қопига тиқади-ю, уйига жўнарди. Онаси ҳам унга колбаса сотиб олиб бера қолади. Ўзи бўлса иссиққина ўринга кириб дадасининг ранг-баранг гуллар очилган боғлар ва довюрак йигитларнинг қилмишлари ҳақидаги ҳикояларини тинглаб ётарди. У шуларнинг ҳаммаси содир бўлишини жудажуда хоҳлайди. Бироқ дўёнинг чўзинчоқ шишага ўхшаган әгаси токчалардаги чангни эҳтиёткорлик билан артарди. Марямга кўзи тушгач, унга хўмрайиб қўйди-да, қарсилдоғини ўқталди. Шунда бечора қиз қўрғон, катта катта уйлар жойлашган маҳаллага қараб жўнаиди. Беъбадавлат одамлар турадиган бу кўчалар, ўзларининг байрам кунларидагидек чиройлилиги, уйларининг беззатилган жимжимадор деворлари, ранг-баранг ойкази бозлохоналари билан доимо қизни мафтун қиласади. Бувдэй кўчаларда ойна парчалари бўлмаслигини Марям яхши

билади. Шунинг учун ҳам бу мисли кўрилмаган гўзал-ликларга охирги марта назар ташлади-да, сакраб-сакраб камбағаллар яшайдиган даҳага қайтиб кетади. Ҳамма вақт ҳам у ердан шиша, қандил ва пиёла синиқларини топиш мумкин...

Марям камбағаллар даҳасидаги ифлос кўлмаклардан мушукдек сакраб ўтади. У бир жойдан ҳар хил синиқ шишалар териб олади. Бирдан унинг кўзи ахлатлар орасида ётган лампа синифига тушиб қолади. У совуқда қалтираган қўллари билан уни олиб, тезда қопга яширади.

\* \* \*

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Маряминг қорни очлигидан ичини ит тирнаяпти. У шу аҳволда Завориб ал-Жамол, Хандон ал-Гамиқ, ал-Боста ат-тахта кўчаларини айланиб чиқди. У чарчаб, ҳолдан тойиб, ас-Суррайонига қайтади. Унинг оёқлари зирқирайди. Совуқ шамол юзига урилади. Калта, йиртиқ кўйлагининг этағидан шамол ғуриллаб ётади. Ўзи дир-дир титрайди, бироқ орқасидаги қопи салкам тўла, ундан синиқ шишаларнинг учи чиқиб турибди.

Марям яқинлашиб келаётган трамвайнинг овозини эшишиб қадамини тезлаштиради. Тўсатдан у тўхтаб қолади ва у ёқ-бу ёққа аланглайди. Унга қаттиқ жанжал ва... синаётган шишаларнинг овози эшитилади. Марям ифлос кўча бўйлаб ўша томонга югуриб кетади. Шу орада у, ёқа бўғишаётган икки кишини кўриб қолди. Улар сўкишиб, муштлашиб, бир-бирини у ёқдан-бу ёққа сургашарди. Бири ямоқ кийимда эди. Бирининг уст-боши ҳам бир аҳвол, унинг кўзларига қон қўйилиб кетган, оғизига боди кириб, шоди чиқар, соқолига оқиб тушган сўлаги шеригининг юзига сачарарди.

Марям бу можародан қўрқиб, трамвайга қараб қочиб қолгиси келди-ю, бироқ шиша синиқларини ташлаб кетишига кўзи қиймади. Ахир, унинг қопидаги шиша синиқларидан тушадиган даромад колбаса сотиб олишга ётмасди-да. Шу пайтда узун соқолли киши яна шиша ўқталади ва душманига отади. Шиша деворга келиб тегиб чил-чил бўлади. Жанжалкашлар қочиб қолишади, аммо уларнинг сўкинишлари ҳамон эшитилиб турарди. Марям атрофда ҳеч ким йўқлигини сезгач, хотиржам

урнш бўлган жойга оғради, сизди шини тарзни тафсилатни териб ҳонга жадархан, музарриғини ишланини тафсилатни бой»ни эслайди.

У жуда ҳам ҳудади тоғдан, бу берди шундайни биттагина оуллаҳи қадиғи кимасида замони, шундай ҳам са-да, қизча трамвай оғсанчашни ўзиши түшнини очган; ҳана эди ҳанузаан суни менавиши, куригинчи ялпизми, киёз билди тулини, оғаришр шаки бўлса ерди... Кейин-ча, исенк ўринга кирди, жана шини сизга ўтиради-да, «аш гаштанинни ишмалини турарди, кишини ҳайрон ҳосизлариган ажойиб ҳифозиарни тинглайди.

У трамвай тўхтайдиган жойга бориб қопни срига кўди. Кўприккача бендул борни унинг ҳадами келин, үрлади. Ахир, беш пнаастр ҳам ҳазимаким пул чиас! У трамвайга чиқади-ко, кондуктор етиб келгунича тушниб кетади. Шундай қилиб, трамвайма трамвай тушниб, уйига текинга етиб отади. Бу уйга тезроқ бориб овқатланиш ва дадасининг ҳикояларини тинглаш учун халақит берса ҳам бешқа иложи йўқ.

Марям дадасини жуда ҳам яхши кўради, у қизига довюрак йигитлар, ҳамда Али бобо ҳақидаги қиссани айтиб беради. У бундан бир ҳафта бурун онаси билан унга ўзи, фабрикада қилинадиган ишлар ва ўзига ўшаган ишчилар тўғрисида гапириб берди. Онаси унинг гапларига диққат билан кулоқ солди. Марям нима гап эканини тушунмади, кейин отаси унга:

— Ана, қизим ҳадемай бу қийинчиликлардан ҳам ўтиб ёруғликка чиқамиз, ўшанда сен ҳам тўйгунингча овқатланниб, хоҳлаганингча ўйнайсан. Янги, чиройли кўйлак кийиб мактабга борасан. Она қизим, эрта-индинг бизга ҳам пул тегади.

— Қандай қилиб, дадажон? — деди у ҳайрон бўлиб, — нима, фабрика сизники бўладими, шунда мен ҳам бойларнинг қизидек яшайманми?

— Йўқ, қизим, фабрика менини бўлмайди. Бироқ у, биз камбағалларнинг ихтиёрида бўлади. Заводлар, мактаблар, чиройли ва хушбўй гуллар очилган боғ ва парклар ҳам бизники бўлади. Эртага янги тоңг отади. У ҳаммага ҳам насиб бўлади. Шунда ҳамма ҳам бемалол яшайди. Ухла қизим, ухла..

Марям эртасига эрта билан уйғонганида уй аввалги-дек бўм-бўш эди. Яна бўз қопни олиб, мактаб тўғриси-

даги орзу-умидлар оғушида ойна синиқлари тергани кетди. Шунда у дадамнинг кечаги гаплари ҳам, довюрак йигитлар билан Али бобо ҳақидаги қиссага ўшаб шунчаки бир эртак экан деб ўйлади. Бироқ Марям икки кундан кейин кулбага дадаси билан учта бегона кишининг кириб келганини кўрди. Улар нималар тўғрисида-дир секин гапиришишди. Кейин яна бир неча марта келишди, ҳар сафар ҳам унинг бошини силаб, ўпид эркалашди.

Марям улардан боғлар, парклар, ажойиб гуллаэ, камбағалларнинг болалари ўқийдиган мактаблар тўғрисида кишини ҳаяжонлантирадиган ҳикоялар эшилди.

Ҳозир бўлса Марямнинг дадаси оёғи носоғлигидан уйда ўтирибди. Қани иложи бўлса, ҳозирнинг ўзидаёқ дадасининг олдида бўлиб қолса, унинг иссиққина бағрида ўтириб ҳикояларини тинглар эди. Фақат «иш ташлаш»нинг нималигини сўраш эсидан чиқмаса бўлгани!

Кондуктор вагон эшигидан бошини чиқариб бақирди.  
— Қани ёшлар, билет олинглар-чи!

Марям қопини кўтариб трамвайдан тушади-да, бошқасининг келишини кутади. Шунда девор тагида ётган синиқ стаканни кўриб қолади. У синиқларни териб, қопга солади, кейин қопни орқалаб иккинчи трамвайга чиқади.

\* \* \*

Марям ўз кулбасига яқинлашганида, Ум Ҳаснийнинг уйидан чиқиб келаётган онасини кўриб қолади-ю, унга қараб чопади.

— Ойи, ойижон!

Онаси унинг орқасидан қопни олади-да, у билан бирга «Қоринбой»нинг дўконига қараб юради.

— Ойижон, қорним жуда ҳам оч,— дейди Марям,— егани бирор нарса берасизми?

— Бир оз сабр қил, мана ҳозир ойналарни «Қоринбой»га сотамиз-да, пулига зофора оламиз.

Қизча чарчаганидан зўрға жавоб беради:

— Йўқ... йўқ... Французча булка билан колбаса олиб беринг.

Онаси индамайди... Марям бошини кўтариб онаси-нинг чиройли, заъфарон юзига ва қўнғир соchlарига қарайди-да, бошини қуий солиб, у билан «Қоринбой»нинг дўконига боради.

Дўкон оғизда, ойна парчалариниң ташиниришини  
мас ялтирад турган каганоён даромади узиниң симони  
Дўконда «Коринбийдан ошиқа ҳеч ким йўқ. Була ани  
жимжит, фақат узоқдаги кулоқда ошиқа шир бора» диге  
рибди.

Улар дўконга киршидали, Марям «Коринбийдан»ни  
ди. Унинг кўзлари қадамуминни кўшишни синенин, низи  
эса эзилган измидориниң радиотина Ҳизорони. Синанини  
лан Марям хўжайинин ойноларини ишишади тартиб  
бўлгунича кутсан турканарди. Марямниң уши курасини  
кўзи йўқ. Айниқса у онасига «ҳамма и чориб япрақ рига»  
нида, унинг қоринига шиа мушталини келди.

Онаси «Коринбийдан»га қараб сеънинина реди:

— Нега, килоси беш пиастрданми? Бундан ичири ичи  
бурун ўн пиастрдан тўлаган эдиниги ту.

— Ҳа, тўлаган эдим! Ҳодир бўлса ирои олими...  
Э... Э... ўзингиз қанақа адлесид

Унинг бароқ қошлари бирдан кўнгилсанни нириллашиб  
уча бошлайди. Буни кўрган Марям шиа унинг ойни, овиги  
ва пулга лиқ тўла қоринин тишиб юборгиси келади.

— Майли, йигирма беш пиастр беринг... Шунинг ўзи  
ҳам етади,— дейди рози бўлиб онаси.

— Нега эндиги, ундан кўпроқ тўлашим ҳам мумкини.  
Фақат... фақат,— дейди-да, у ёқ-бу ёққа қараб, яқин  
орада ҳеч ким йўқлигига ишонгач, ўйнашиб онасининг  
хипчагина белига қўл чўзади. Шунда онаси унинг юзига  
қараб бир тарсаки туширади-ю, дўкондан чиқиб кетмоқчи  
бўлади. Шунда «Коринбий», унинг қўлидан ушлаб,  
ўз бағрига тортади. Онаси қаршилик кўрсатади. Унинг  
юзларига уриб бақиради. Кўрқиб кетган Марям жонҳо-  
латда чинқириб, жирканч «Коринбий»га ташланади. бор  
кучини йиғиб, кичкинагина мушти билан ура бошлайди.  
Кўчада уришган мастрлар тўсатдан унинг эсига тушкад  
қолади. У ёқ-бу ёққа қараб ёғдан бўшаган синик ши-  
шани кўриб қолади, у шишани олиб «Коринбий»нинг од-  
шига туширади. Шу заҳотиёқ унинг қора сочлари қонга  
беланади. Қон тезда унинг юзига ҳам оқиб гумади.  
Воқеадан хабардор бўлган кинилар «қўшини ҳовли» за  
кулбалардан югуриб чиқа бошлайдилар. Марям кўр-  
қанидан жони борича уйига қараб югуради.

У кулбага киргач, дадасига ташланади. У оркаданни  
отасининг иссиқ бағрига киради-да, ором олади. У ҳада  
сининг довюрак йигитлар, тўйиб онқатланган камодага

лар, мактабга қатнайдиган болалар, боф ва паркларда очиладиган ажойиб гуллар тўғрисидаги ҳикоясини жуда жуда эшитгиси келади.

\* \* \*

Ойиси қайтиб келганидан кейин «Қоринбой»га нима қилганини гапириб беради. Отаси унинг гапини бўлиб, мутлақо эшитмаган ажойиб нарсалар тўғрисида гапиради. У Марям бундан кейин мутлақо ойна парчаларини термаслигини, яқинда келиб кетган учта ўртоқ бугун унинг оёғини даволаш учун янги дори олиб келишганини айтади. Оёғи тузалиши биланоқ ишга боради. Ҳамма қатори унинг иш ҳақи ҳам ошаркан, чунки «Иш ташлаш» ишчиларнинг ғалабаси билан тугабди.

Шунда Марям «Иш ташлаш»нинг нима эканини тушуниб олди. Бу эҳтимол чиройли, хушбўй гуллар очилган ажойиб боғларга олиб борадиган сўқмоқ йўлларнинг бири бўлса ажаб эмас.



## БОДОМДАН ШИРИН

Иккинчи жаҳон урушининг энг қизғин даври эди. Ёмғирли оқшомлардан бирида турмусларимни<sup>1</sup> сотиш учун қаҳвахона ва пивахоналар томон йўл олдим. Қўчага чиққач, ёмғирнинг сал пасайишини кутиб тунукали айвонча тагига бориб турдим. Ўшанда мен ҳали ўн иккига ҳам тўлмаган эдим. Эгнимда оқ шанта<sup>2</sup> ва катта акамдан қолган йиртиқ камзул. Қўлимда турмус солининган сават, ялангбошим жиққа ҳўл, соchlарим тўзғинган.

Атрофдаги қоронфилик, бобом айтиб берган айёр Ҳасан ҳақидаги ҳикояни эслатди. Ҳасан кирған форлар

<sup>1</sup> Т у р м у с — лўянинг бир тури. Турмус тузланинг холда ичкиликдан кейин истеъмол қилинади.

<sup>2</sup> Ш а н т а — узуи кўйлак.

шундай қоронғи эканки, ҳатто у ўз бармоқларини ҳам кўролмай қолган экан.

Айвончада туриб мен ҳам ўз панжаларимни кўрмоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим зое кетди. Кўча фонулари ўчган, уйларнинг деразаларига эса парда тутиб қўйилган эди. Фақат олисдаги бир неча уйнинг деразасидан хира, кўкимтири нур ёйилиб турарди. Кўчалар сув қўйгандай жимжит. Фақат тепамда ёмғир томчиларининг шитир-шитири, электр симларининг шамолдан фувилашлари, дengизнинг қирғоқ қояларига келиб урилаётган тўлқинининг тинимсиз шовқини эшлилиб турарди.

Тўсатдан салмоқдор оғир қадам товушини эшлишим билан кичкинагина юрагим қўрқувдан увушиб кетди. Бу — кўча айланиб юрган полиция-назоратчиси эди. Аҳён-аҳёнда улар, тоғлиқларга хос дағал овоз билан:

— Чироғларни ўчиринг!. Деразаларни беркитинг!..— деб қичқиришарди.

Совуқ ва қўрқувдан қалтирай бошладим. Шунда бир кўнглим уйга қараб чопай, бориб иссиқ ўринга кириб ётаман дедиму, тўсатдан онамнинг ваъдаси эсимга тушиб қолди: Агар саватчамдаги ҳамма турмусларимни пуллаб, олиб бориб берсам, ойим йиққан-терган пулларини унинг ёнига қўшиб, менга янги шанта олиб берадиган бўлди. Қотма гавдамни баъзўр ёпиб турган эски, йиртиқ шантам янги бўлади. Шунда мен дарров қўшнимизнинг қизи, Фотимани ўйладим. У янги шанта кийганимни кўрса, қандай қувонади! Бу кеча, ҳатто устимга тош ёғса ҳам, бутун қаҳвахона ва пивахоналарни айланиб чиқишга қатъий аҳд қилдим.

Панадан чиқиб, туртина-суртина балчиқларга ботиб, сандироқлай кетдим. Мен фақат Фотима ҳақида, унинг кичкина, нозик қомати, қол-қора, жингалак соchlари, доимо кулиб турувчи қора кўzlари, мулойим чеҳраси, юрагимни орзиқтирувчи шўх кулгисини эсладим.

Бир куни, тонг саҳарлаб, онаси уни бир товоқ туз сўратиб бизникига чиқарибди. Унинг соchlари тўзғиган, кўп ухлаганидан қовоқлари шишиб кетган эди. Аммо у менга ёқарди, назаримда, худди кичик маъбудага ўхшарди. Ўрнимдан секингина турдим-да, онам ва опаларимга билдирамай Фотиманинг орқасидан югурдим. Юрагим дукдук урарди. Унинг нозиккина қўлларидан ушладим...

Бехосдан ёноқларидан ўпиб олганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бу бўса бойларнинг боғидаги қип-қизил олмадан ҳам ширинроқ эди.

Фотима, қаҳ-қаҳ уриб кулганича қўлимдан чиқиб, ўйига югуриб кетди. Ўшанда у ҳам мени севишини билдим...

Шу куни эртадан-кечгача лўя сотувчи отамнинг дўконида ишлаб, ўзимни худди катталардек мустақил, кичик маъбуда— Фотиманинг севгисига лойиқ кишилардек ҳис этдим. Ҳозир у тўғрисидаги ўйларим ҳам қоронфилик олдидаги қўрқувимни тарқатолмасди. Тўсатдан оёғим остидан қандайдир жонивор увиллаб чиқди-да, теварагимда айланаверди. Қўрқиб кетганимдан ичимда жоним қолмади. Додлаб қоронғида «Марун» пивахонасига югуриб кирдим.

— Турмус, бодомдан ширин турмус... Кимга турмус? — деб, овозим борича бақиравердим. Кўзимни ёруғ нур қамаштирди. Димоғимга винонинг ҳиди гуп этиб урди. У ён-бу ёнимга аланглаган эдим, бирталай танишларни кўрдим. Одил Бархум бўғиқ овоз билан ҳаммага таниш бўлган ашулани хиргойи қиласарди:

Бизлар уч киши... уч араб эдик  
Я... я... ялил...

У хиргойи қилаётган нарса — Антар<sup>1</sup> ҳақида ёзилган ашула оҳангига эди. Абу Аббос ал-ОНта қора мўйлабини бураб, одатдагидек уруш ҳамда ҳозирги сиёsatдан сафсата/ сотарди. У доимо Гитлернинг ғалаба қилишини истарди; уни яхши кўргандан эмас, балки золим инглизлар ва французлардан қутулиш ниятида. Абу Али Перс ёқимсиз овозда одобсиз латифаларни ҳикоя қиласаркан хаҳолаб кулар, шунда унинг митти кўзлари қисиilib, пешонаси тиришарди. Қалин лабларидан тупуклари сачраб кетарди.

— Ҳой, бола, қани, икки франкли турмусингдан берчи...

Жаҳлим чиққанига қарамай, Перснинг олдига югуриб бордим. Ичимда эса уни роса сўкдим. Ҳозир унинг «Ҳой бола» дейиши менга қаттиқ тегда. Ажабо, Фотима

<sup>1</sup> Антар — афсонавий араб шонри ва араб эпосининг қаҳрамони.

мени севса-ю, нега энди бола бўларканман! Ўзимни бо-  
сиб стол устида турган ликопчага икки қисим турмусдан  
ва одатдагидек лўялардан солдим. Шу пайт Абу Али  
ўзига ўхшаган ароқхўр оғайниларига отам тўғрисида ла-  
тифа айтиб берарди. У бир куни отамга қандай қилиб  
қоқ қуритилган гўшт ўрнига бир бўлак резинка едирига-  
нини гапиради. Фазабим қайнаб қўлимга ўн пиастрим-  
ни қисдим-да, менга қараб ёқимсиз иржайиб турган маст-  
лар олдидан узоқлашдим. Қоп-қоронги кўчага чиққач,  
пулларимни чўнгатимда бир-биридан ажратиб ёдаки са-  
най бошладим: «Ўн пиастр сартарошдан... беш наммура<sup>1</sup>  
сотувчи — савдогардан, ўн беш—Хана Паши пивахонаси-  
дан!.. Ўн Абу Алининг «Марун» пивахонасидан.. ҳамма-  
си қанча бўлди, Муҳаммад... қанча... қанча? Аҳ-ҳа, роп-  
па-роса олтмиш пиастр... Олло таоло мададкор... Тезгина  
бошқа пивахоналарни ҳам айланиб чиқаман, энди эрта-  
га онам менга, албатта шанта олиб беради. Уни кийиб  
Фотима билан денгиз қирғоғига чиқамиз... Лекин қаер-  
дан борсак бўларкин? Ахир анчадан буён қирғоқни  
полициячилар ўраб олиб, у ерга ҳеч кимни қўймаяпти-  
лар-ку. Нега бундай қилишларига ақлим етмасди. Одам-  
ларнинг гапига қараганда француزلар немисларнинг сув  
ости кемаларидан қўрқармишлар. Ўша сув ости кемалар-  
ни, тунда сув ўзига чиққанида кимdir озиқ-овқат билан  
таъминлайди деган миш-мишлар тарқалган эди. Кеч-  
мен қўшнимиз—Фотиманинг отаси Абу ал-Ҳамиднинг  
йиртиқ кийимда қирғоқдан қайтиб келаётганини кўрдим.  
Елкасида балиқ тўри, қўлида эса бўш савати... Ҳатто  
балиқчиларни ҳам қирғоққа яқинлаштирма яптилар. Кеч-  
қурун қўшнимиз турмушнинг оғирлашиб бораётганидан,  
бир чақа ҳам тополмаётганидан, нарх-навонинг эса бор-  
ган сари ошиб кетаётганигидан, кўпчилик камбағаллар-  
нинг ҳатто бир бурда қора нонга ҳам зор эканидан зор-  
ланиб гапирди. «Урушгаям, уни бошлаганларгаям минг  
лаънат, буларнинг ҳаммасига немислар, америкаликлар  
ва француزلар сабабчи. Улар бизни хонавайрон қилди-  
лар, болаларимизни очликдан сириб қўйдилар. Еримизни  
пайҳон қилдилар, дунёни қонга булғадилар»,— дерди  
отасига.

Шу пайт узоқдан келаётган: «Чироғларни ўчиринг...  
ойналарни беркитинг...»—деган овоз хаёлимни бўлиб

<sup>1</sup> Н а м м у р а — шарқ ширинлиги.

юборди. Салмоқли қадамлар осойишталикни бузди ва қоронгида икки шарпа пайдо бўлди. Полициячилар! Мен қалтирай бошладим. Бирдан осмонда кўзни қамаштирадиган чақмоқ чақилди-да, босқинчи шайтонга ўхшаш қоп-қора уйларни ёритиб юборди. Сўнг яна ҳамма ёқни қоронғилик чулгади... Момақалдироқ гулдуроси дengiz шовқинларини босиб кетди, бамисоли чеки йўқ қора нафратлар сингари ёмғир шаррос қуиб кетди. Деворнинг тагига биқиниб олиб, чақмоқлар ялт-юлт этаётган осмонга термилардим. Қани энди ҳозир иссиққина ўрним бўлса-ю, кириб жиккак жисмимни иситсан деб орзу қилардим. Аммо саватда ҳали ҳам турмус қолганди. Ахир, жудаям янги шанта кийгим келяпти-да! Отам бир пиастр ҳам қўшолмайди. Бор буди-шудимизни ҳам бозор ямлаб ютди. Уч кун олдин, отам сотган шкафимизни, ҳаммоллар қисмларга ажратиб олиб чиқиб кетишаётганида, онам йиғлаб турганини кўрувдим. Ахир, бу шкаф онамнинг умрлиги эди. Авваллари онам унда ўз сепини сақлаб келганди, эндиликда бизнинг кийим-бoshimizni қўярди...

Муюлишга етганимда, Абул Фадл пивахонасидан келаётган ғала-ғовуруни эшийтдим. Мен зора қолган турмусими ни ҳам ароқхўрларга сотсан деган мақсадда у ерга равона бўлдим. Улоқтириб ташланган кучукчадек шаррос ёғаётган ёмғирда уйлар ва деворларга туртиниб-суртиниб югурадим. Ўткир нур яна кўзимни қамаштирас, анқиб турган вино ҳиди гуп этиб димофимга урилар, нафасими ни сиқарди. Пивахонада фақат бир стол банд эди. Стол атрофида, бочкадай хўппа семиз бир одам ўтиради. Бу Комил ат-Таюни эди. У ўтирган стул қирсиллар ва синай-синай дерди. Ёнида қорачадан келган, йўғон овозли даллол Абу Жавҳар ўтиради. Яқинда мен бу кишининг овозини бозорда: «Барча шаҳарликларга... Француз маслаҳатчисининг бўйруғига мувофиқ... дengiz қирғонига яқинлашиш ман этилади. Қимда-ким яқинлашаркан, у қамоққа олинади... Эшиитмаганларга эшиитганлар етказ-синлар...» деб эълон ўқиётганида эшиитганман. Абу Жавҳар ёнида ўтакетган ароқхўр — Радл Зарзур ўтиради. Унинг фикрича, «дунёда қайғурадиган ва ташвишлана-диган ҳеч нарса йўқ эмиш». Унинг севимли шиори: «Қоринни ўйлангу, ғамни ўйламанг», эди. У ҳаммани яхши кўрар, аммо катта ва кичик бариси уни калака қи-ларди.

Фадл ёнида, қорачадан келган, учта денгизчи маъюс ўтиради.

— Ҳа, Абу Ҳалил ўғли, саломатмисан! Қани, турмусингдан бер-чи, тирранча! — бақирган киши — Комил ат-Таюн эди. «Тирранча» деганини эшитдиму, ғазабим қайнаб, тишимни ғижирлатдим, шунга қарамай унинг олдига югуриб бордим-да, турмусни ўлчай бошладим.

— Қанча оласиз?

— Қанча деяпсанми? Чорак лиралик беравер-чи. Шунда қолган ҳамма турмусимни гарчи лўям йигирма пиастрга етмаса ҳам ликопчасига тўқдим. Комил ат-Таюн чорак лира бераётиб, хириллаб кулди-да, бўйнимга қўли билан секингина уриб қўйди. Олдинлари бунга чидардиму, аммо энди тоқат қилолмайман, бир қўполлик қилардиму, ўзимни баъзўр босиб қолдим-да. Унинг бундай муомаласини ўзим учун катта бир ҳақорат деб тушундим. Қалбида муҳаббат гули барқ уриб турган одам билан шундай муомалада бўлиш!. Тўсатдан унинг қийиқ кўзларида хижолат аломатлари пайдо бўлди. Устбошим титилиб кетган, бир аҳволда дийдираб турганимни кўриб, раҳми келди шекилли:

— Совуқотганга ўхшайсан, Мұҳаммад, бор, печканинг олдидা, исиниб ол!

Унинг бўшашибанини сезиб, печка олдига бордим-да, исина туриб, тушган даромадларимни ҳисоблай бошладим: «Йигирма беш... ўттиз беш.... эллик... етмиш беш... саксон... тўқсон. Тўқсон пиастр: Эртага яна бир сават турмус сотаман, шу билан индинга янги шанталик ҳам бўламан. Ана ўшанда кичик маъбудам — Фотимага ёқаман». Исиниб олдим.

Соат ўндан ошган эди, пивахонадан қоп-қоронғи соvuқ ва лой кўчага чиқдим. Ёмғир тинган, булутлар орасидан зангори осмон кўринар, юлдузлар милтилларди. Ҳаво, худди қиши бутунлай тугаб, ориққина жуссамни титратадиган шамол ва бўронлар ўтиб кетгандек, мусаффо эди. Денгиз шовқини тинган, бир неча деразалардан яна бояги-бояги хира, кўкимтири нур тарқаларди. Ажойиб туннинг осойишталигидан маза қиласидим. Фақат ташлаётган қадамларимгина чуқур сокинликни бузарди.

Тор кўчага бурилганимда, қоронғилик яна қуюқлашди, зулмат ва хавф-хатардан юрагим дук-дук уради. Ахир, ҳувиллаб ётган кўчада мендан бўлак жонвор йўқ-

да... Ҳавода қандайдир овоз янгради.. Қулоқ солиб, қоронфиликдан келаётган кучсиз шовқинни англадим. Шовқин аста-секин зўраярди. Бехосдан уни, оғир қадамлар ва навбатчининг овози босиб кетди:

— Чироқни ўчиринг... Деразаларни ёпинг..

Бир зумда қадамлар эшитилмай қолди-да, зўрайиб бораётган овоз эшитилди. Ҳа, албатта, осмонда самолёт гир айланяпти! Яна тағин навбатчининг бу гал қатъийлик ва ташвишли овози эшитилди:

— Хў, чўпоналдарлар, чироғларни ўчиринг!. Деразаларни беркитинг!..

Бир зумда деразалардан шўъла сочиб турган чироқлар ўчди, ҳамма ёқни яна зулмат қуршади. Шовқин тобора авжига чиқарди. У яқинлашган сари гувиллаб осмону фалакни ларзага соларди. Адашиб қолган самолётни кўрмоқ истаб осмонга қарадим. Лондон, Варшавага қилинган ҳаво ҳужумларини, бомбардировкадан қурбонлар, ҳалок бўлган болалар ҳақидаги ҳикояларни эсладим, сингилларим ва мана шу ҳужумлардан бири ҳақидаги ҳикояни бизга ўқиб берган катта акамни эсладим. Мен хаёлан вайронага айланган уйимиз, харобалар остида қолиб, бурда-бурда бўлиб ётган кичкина маъбудам Фотимани кўз олдимга келтирадим. Шу пайт бирдан қанотини ёйиб, гувиллаб бир бало, қоп-қора, баҳайбат уйлар тепасидан ўтиб қолмасми. Қўрқанимдан қичқириб юбордиму, тахтакачдек қотиб қолдим, дир-дир титрайман. Шунда қаёқданdir пайдо бўлган назоратчи олдимга келди-да:

— Бу ерда нима қилиб юрибсан лаънати?—деб ўшқирди.

— Ҳеч нима, жаноб назоратчи... Ҳеч нима қилаётганим ийќ... Турмус сотиб келяпман...

— Турмусинг билан қўшмазор бўл! Жўна, уйингга итвачча!

У, зил-замбил этиги билан бир тепганди, оғриғига чидомлай йифлаганимча уйга чопдим...

Ойим одатдагидай мени кутиб ўтирап эди.

— Нима бўлди қўзим? Қўрқанга ўхшайсан...

Онам қозиқда осиғлиқ сочиқни олди-да, олдимга келиб, юз, соchlаримни артаркан:

— Ҳа урушиям қуриб кетсин, уни бошлаганлар ҳам балога учрасин,— деди.

Бир оз сукунатдан сўнг у:

— Ҳамма турмусларингни сотиб бўлдингми, жоним?— деди.

— Ҳа, ҳа... ҳаммасини сотиб бўлдим.

— Жуда яхши... жуда! Юр ухлаймиз, дўмбоғим... Эртага сенга янги шанта олиб бераман.

Шалоббо уст-бошимни ечиб, ойимнинг кетидан ётгани кетдим. Лип этиб кўрпага кирдиму, ойимнинг пинжига тиқилдим. Титроғим босилмасди. Ҳозир навбатчининг салмоқдор қадамларига ва аста-секин йироқлашиб бора-ётган самолётнинг учайдиган овозига қулоқ солиб ётардим. Қўрқувим тарқалиб, мулойим, оромбахш иссиқлик мени илитар, онам мени қимматбаҳо буюмдек қаттиқ бағрига босаётганини сезардим...



## РИЯД ТАХА

### ЖИНЛАР ФОРИДА

Совуқ қиши оқшоми. Тоғ этагидаги Орант дарёси тармоқланадиган ерга жойлашган кўримсизгина АШ-шавоғир қишлоқчасини кўз илғамас қоронғилик чулғаб олган.

Тун чодири қишлоқ устига ёпилган, сукунат оғушида уйқуга толган. Ёлғиз мухторнинг<sup>1</sup> уйидагина чироқ мильтиллаб кўринарди. Қишлоқдаги эркаклар ишларини туғатиб, кечқурунлари шу уйга тўпланишарди. Бу ерда ачиқ кофе ичишиб ўтириб, бир-бирлари билан ўтган-кетган гаплардан гаплашар, латифа айтишар, экин-тикин, мол-ҳал дегандек — бариси ҳақида мириқиб гапиришиб олардилар.

<sup>1</sup> Мұхтор — қишлоқ оқсоқоли.

Ўша оқшом, ҳатто изғирин ҳам уларнинг одатдаги йиғилишлариға халақит беролмади. Диққинафаслик ва кундузги ташвишларидан қутулиб бир оз ёзилиб келарман деган умид уларни уй-уйларидан ҳайдарди. Ҳамма Шайх Ҳамада мухторнинг уйига йиғилган. Оёқ кийимларини пойгакка ечган ёшу қарилар бариси хонани тўлдириб ўтирадилар. Бирорлар иссиқ печка ёнига чўққайган, бошқа бирорлари манқалдан атрофига ўтиб олиб, чўғга қўлларини иситишар, вақти-вақти билан кимdir унинг ўтини кавлаб ҳам қўярди.

Папирос ва чилим тутунлари бир-бирига чирмалиб ҳавода муаллақ туради. Мухторнинг бўғиқ овози гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаяр, бу эса у гапириб бераётган мудҳиш ҳикояларнинг таъсирини оширади. Ўтирганларни ваҳима босар, улар чурқ этмай, шайхга тикилиб ўтиришарди, унинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзни қулоқларига қуйиб олишарди.

Шайх Ҳамад, жинлар ва ҳақиқий парини кўрганини, улар билан бўлган саргузаштларини ҳикоя қиласарди. Улар шайхнинг кўзига гоҳ мушук, гоҳ аёл бўлиб кўринар, ҳатто у билан гаплашган экан, сўнгра қўлидан ушлаб форнинг ичкарисига бошлаб кирибди. У ерда, пари унга базм қураётган жинларни кўрсатибди. Буни кўрган одам бу ерда тўй бўляптими?— дебди. Шайхнинг ҳикоясини ҳеч ким бузолмас, у ҳаммани ўзига маҳлиё қилиб қўйганди. Ўтирганларнинг юзида қўрқув. Улар бу ҳикояга астойдил ишонганларидан бир-бирларига қараб бош ирғаб ҳам қўйишарди.

Фақат Ҳошим бу гапларнинг унга дахли йўқдай бурчакда индамай ўтиради. Ҳошим, шайхнинг ҳикоясига қулоқ солмас, дўстларининг қўрқув ва ҳаяжонларига қўшилмас эди. У, фақат уйидан кетганига икки кун бўлиб, ҳанузгача келмаган укаси — Мусани ўйларди. Укаси, қишлоқдаги энг чиройли қиз — Зайнанинг ишқида кўп азоб чекди. Ҳошим Зайнанинг эри — Сулаймон Мәкери бир неча кун аввал пиёз ва анжир харид қилгани Ал-Қаа қишлоғига кетганлигини биларди. Ҳошим, қандайдир фалокат рўй беришини сезарди. У, ўз ўй-хаёллари билан банд.

— Сенга нима бўлди, Ҳошим?— деди мухтор.— Ҳа, жинлардан қўрқяпсанми?

— Жинлардан дейсизми? Булар бариси афсона-ку, шайх. Мен уларни ҳеч қачон кўрмаганман, шундай бўл-

гач, уларнинг борлиги ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Нима, менга ишонмайсанми?! Ёлғон гапиряпти, деб, ўйлајпсанми?

— Йўғ-э, ундаи эмас! Сен алдаётганинг йўқ, бу кўзларинг уйдирма хаёлларни кўришга мажбур қилиб, сени алдаган, сен бўлсанг уларни жин деб юрибсан.

— Бунга қаранглар! Оғзидан чиқкан гапга қаранг-а, халойик! Нима деяпти ўзи? У, мени жиннинг чиқариб қўйяпти-я. Хўш, жинларнинг борига ишонмас экансан, мард бўлсанг ҳозир жинлар ғорига бориб, қора тошлардан бир қоп олиб келгин-чи.

— Нима бўпти, бу ҳеч гап эмас. Қани, қоп беринглар...

Хошим иккиланмай ўрнидан турди. Тепага қайрилган узун мўйловларини бураб, қопни олди-да, ялангликка интилаётган бўронга ўхшаб, югуриб уйдан чиқиб кетди.

Ўтирганлар ҳайрат ва даҳшатдан данг қотиб қолди. Бўлмасам-чи! Агар Хошим, бундай қўрқинчли ишни бажаришга аҳд қилган бўлса, ақлдан озибди.

Ҳеч ким тарқалмади, ҳаммалари Хошимнинг қайтишини кутиб жим ўтиришди...

\* \* \*

Сокин тун. Хошим қуфияси<sup>1</sup> билан боши ва қулоқларини ўради. Сўнгра уни икки бувлади-да, оғзида тишлаб туриб, икки учига укал<sup>2</sup> — ўров солди. Жун плашчини елкасига ташлаганидан сўнг, совуқни сезмади.

Фақат шимолнинг қаттиқ шамолидан бурни қизарган эди. У шу кўйи баланд қояли тепалик этагида, тордараclarни ёриб, Оронт дарёсига қўйилаётган жилғалар бағрида жойлашган ғор томон кетиб борарди. Тоғолча дараҳтлари босиб ётган форга, ҳа унинг қишлоғига номи<sup>3</sup> берилган, ўша сойга қараб йўл олган.

Осоишталикни ҳеч нарса бузмасди. Фақат Хошимнинг салмоқли қадам товушигина дарёning даҳшатли ҳайқириғи ҳамда жилғаларнинг майнин шилдирашлари билан қўшилиб кетарди. Хошим, зулмат қўйнига шўнғиган дараадаги дараҳтлар орасидан ўта туриб, тоғолча

<sup>1</sup> Қуфия — арабларнинг бошига ўрайдиган матоси.

<sup>2</sup> Укал — қуфияни тортиб турадиган чирмов.

<sup>3</sup> Шавағир — арабчада дарани ёриб ўтадиган жилға дегани.

даражтига тўқнаш келди... Форга ҳам келиб қолибди..: Мана унга кирадиган йўл... Бир зум ҳам иккиланмасдан дадил қадам ташлаб уйим-уйим тошлар устидан сакраб олдинга, тўғри форга қараб юрди... Бир неча қадам босар-босмас, фор ичидан бир шарпани эшилди...

Ҳошим турганча қотиб қолди, соchlари типпатик бўлиб кетди..

Йўқ, у қўрқоқ эмас! Қўрқоқ деб беҳуда мазах қилишларини хоҳламайди ҳам. У олдинга қадам ташларкан, ўзини дадиллантириш учун оёғини қаттиқроқ ташлади.

Аммо фордаги овоз тиниш ўрнига аксинча яна ҳам зўрайди, янада яқинроқдан келди. Ҳошимни титроқ босди.

— Ким бор?— деб бақира олди у.

Юзига нимадир шарт этди. Бирдан кимнингдир қўли сирғалиб пастга тушгандай бўлди...

Ҳошим қалт-қалт титрар, тиззалари, қўллари, оёқлари бўшашиб, ҳар бир мускули титрар, юраги қинидан чиқиб кетгудай, гупурарди. Ҳозир Ҳошим жинлар ва парилар бор деган гапларга ишонган ҳам эди, у оз бўлмаса, қочмоққа шайланувди ҳам, аммо йигитлик фуури ушлаб қолди. У муздек терга ботиб, қўрқувдан мурдадек қотиб қолди.

Ниҳоят, ўзини босиб олиб, бор кучини ишга солди.

— Ким бор? Бу ким?—деди.

Шуни деб бўлмаган ҳам эдики, тўсатдан яна бир тарсаки тушди. У энгашиб, ер пайпаслай бошлаган ҳам эдики, қўли кимнингдир товонига тегиб кетди.

Уни ваҳима босди. У қочиб чиқиб ёрдамга чақирмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо қочолмади, қандайдир номаълум куч уни форнинг ичкарироғига итарарди. У тишларини ғижирлатиб, ғазабнок муштларини қисди-да, ўзини тутиб баланд овозда:

— Ким бор бу ерда?

— Мен,— деб жавоб берди аёл.

— Жинмисан ё одам?

— Одам... Менга тегмасликка онт ич!

Бу сўзлар уни ҳайратда қолдирди. Қасамнинг нима кераги бор?! Қўрқувчи ҳали босилмаган эди. Бир оз жим тургач, у:

— Қанақа қасам ичишим керак сенга?—деб сўради.

— Имоним ҳақи, сенга тегмайман, чертмайман ҳам, ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайман ҳам, деб онт ич...

— Сўз бераман. Соф виждонли бир кишига, онт ичишнинг ҳожати йўқ!

Аёл қўлидаги чақмоқтошни чақди, унинг хира шўласи қоронғи горни ёритди. Ҳошим аёлнинг бошдан-оёғига разм солиб қичқириб юборди:

— Зайна?! Сулаймон Макернинг хотини?! Бу сенмисан?! Бу ерда нима қилиб юрибсан, тентак?!

— Ҳеч нарса,— деди-ю, кўзига ёш олди... Ҳошимнинг кўзи ерга тушди. Зайнанинг оёғи остида бир қоп ётарди.— Ё, ажабо! бу одамга ўхшайди-ку... Ҳошим қопни ушлаб бир силкиган эди, ундан мурда тушди, Ҳошим уни дарров таниди.

— Укажон! Муса! Сени ким ўлдирди?!—деб ҳўнграб юборди, у.

— Мен ўлдирдим уни,— деди Зайна.

Ҳошим зор-зор йиғлади. Тўсатдан бир нарса чақиб олгандек, ўрнидан сапчиб турди. Қўлини белбоғига узатди. Қоронғиликда ханжар ялтиради.

— Йўқ... йўқ... Бу сенинг қўлингдан келмайди! Гапир, ким ўлдирди? Ҳеч кимга ҳеч нарса айтмасликка сўз берганман сенга? Ким? Мен укамнинг ўчини олишим шарт!

— Мен... мен ўлдирдим уни.

— Сен? Уни сен ўлдирдингми ҳали! Ҳм, энди ажалим етди деявер. Жодугар, ўлдираман сени?

Шундай деди-ю, аёлга ташланди, томоғига чанг солиб, бошини тошга ура бошлади. Қўзлари ғазабдан чақнار, хотинни лаънатларга кўмар, яланг овозини борича:

— Сени сўйман!— деб қичқиради.

Зайна бир силтаниб, Ҳошимнинг қўлидан қутулиб чиқди. У ғазабланган шердай Ҳошимга ташланди-да, юзини юмдалаб қичқириди:

— Қани, сўзингда турганинг, Ҳошим?! Қани сенинг эркаклик виждонинг?! Ахир сен, менга тегмаслик ва ишимга аралашмасликка ваъда берган эдинг-ку!. Майли, билганингни қил. Мен ўлимдан қўрқмайман.. У, менга қўрқинчли эмас. Мен номусимни ҳимоя қилиб, ўзимни шармандалиқдан сақладим. Укангни деб аёл кишидан уч олишинг уят эмасми. Уканг, эри йўқлигидан фойдаланиб, аёлнинг номусига тегмоқчи бўлди, шунга оринг келмайдими?! Уни шарманда қилмоқчи эди. Нима, сенинг сингилларинг йўқми? Агар сингилларингнинг номусига текканда сен жим турармидинг? Укангни мен ўл-

дирдим, уни ўтган куни тунда ўлдирдим. У ўз уйимга келиб мени шарманда-ю шармисор қилмоқчи бўлганида, унга ханжар урдим. Ўша тунда жиноятимни яшириш мақсадида унинг ўлигини яширмоқ учун мана шу форга олиб келгандим. Мен фақат ўз номусимни ҳимоя қилдим!.. Энди нима қилсанг қила қол... Мен сенга бор гапни батафсил айтиб бердим... Мана, сўй, ўчингни ол! Уканг-нинг қотилини ўлдир, мана... ёки бор бу қотиллик ҳақида ҳаммага жар сол ва мени суд қўлига топшир.

\* \* \*

Мухторникидагилар Ҳошимнинг қайтиб келишини кутишарди, ғала-ғовур борган сари ортди. У бўш қопни кўтариб, қайтиб келишига ҳаммани ишончи комил эди...

Ярим кечак, лекин Ҳошимдан дарак йўқ. Ҳар қандай гумон, тахминлар ёғила бошлади. Нега, у ҳаяллаб қолдийкин? Эҳтимол, жинлар уни чалиб кетгандир.

Тўсатдан эшик очилиб, хонага Ҳошим кириб келди. Бирданига ғала-ғовур босилди. Ҳамма ҳайратдан ҳангманг бўлиб қолишиди...

Атиги икки соат бурун, соchlари мумдай йигит шу уйдан чиқиб кетган эди. Энди эса, уларнинг олдида сочсоқоли оппоқ оқарган Ҳошим туради... Худди у бир неча ўн йилликларни ўз бошидан кечиргандай...

Ҳошим бўш қопни оstonага ташлаб, оҳиста юриб бурчакка ўтди-да, чўкка тушиб ўтирди. Унинг дарди-дунёси қоронғи кўринарди.

Ваҳимали сукунатни ҳеч нарса бузолмасди. Қўрққанларидан ҳеч ким чурқ этмасди.

Ниҳоят, уй эгаси йўталди ва Ҳошимдан:

— Форда нима кўрдинг, Ҳошим?— деб сўради.

— Мен, шайх Ҳамад жинларни кўрдим, ҳа жинларни кўрдим,— деди Ҳошим ғамгин хаста овоз билан.

<b>МУНДАРИЖА</b>		
<i>Сўзбоши. К. В. Одe-Васильева</i>	:	3
<b>АМИН РАЙХОНИЙ</b>		
<i>Баланд сарой. Хайри Гуломова таржимаси</i>	.	7
<i>Байрутда бир кун. Хайри Гуломова таржимаси</i>	.	16
<b>ҲАЛИЛ ЖАБРОН</b>		
<i>Бониялик Марта. Арабчадан Абдусодик Ирисов таржимаси</i>	.	23
<i>Варда ал-Хоний. Арабчадан Абдусодик Ирисов таржимаси</i>	.	35
<b>МИХАИЛ НУАИМЕ</b>		
<i>Зурёд кўрмаган аёл. Муҳсин Алиев таржимаси</i>	.	53
<i>Олмос тўй. М. Муҳиддинова таржимаси</i>	.	76
<b>МАРУН АББУД</b>		
<i>Милад. Аҳад Носиров таржимаси</i>	.	82
<i>Ӣӯқ, тақсир. Аҳад Носиров таржимаси</i>	.	89
<i>Чўқинтириш кечаси. Аҳад Носиров таржимаси</i>	.	97
<b>СЕЛЬМИ САЕХ</b>		
<i>Дираниялик Ҳайфа қиссаси. Анвар Каримов таржимаси</i>	.	109
<b>РАУФ ҲУРИЙ</b>		
<i>Болалик. Анвар Каримов таржимаси</i>	.	115

РАШИД ДАРҒУТ


- Тоғдаги фермада учрашув. С. Жалилов таржимаси . . . . . 123  
Ҳамма жойда ҳам хотинилар асқатади. С. Жалилов таржимаси. 129

МУҲАММАД ИБРОҲИМ ДаҚРУБ

- Парчалар. Ҳабибулла Пўлатов таржимаси . . . . . 134  
Бодомдан ширин. Саъдулла Йўлдошев таржимаси . . . . . 143

РИЯД ТАХА

- Жинлар горида. Саъдулла Йўлдошев таржимаси . . . . . 151



*На узбекском языке*

РАССКАЗЫ  
ПИСАТЕЛЕЙ ЛИВАНА

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1962*

*«Иностранныя литература» нашриётининг 1958 йил  
нашидан таржима*

Редактор *Х. Фуломова*

Рассом *А. Ф. Таран*

Муқова ва титул. *Г. Чигановники*

Расмлар редактори *Г. Остапенко*

Техн. редактор *Т. Скиба*

Корректор *И. Кобилов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 15|II 1962 й. Босишига  
руҳсат этилди 3|IV 1962 й. Формати 84×108<sup>33</sup>.  
Босма л. 5. Шартли-босма л. 8,2. Нашр л. 8,7.  
Индекс; ш/а. Тиражи 10000. УзССР Давлат  
баданий алабиёт нашиёти. Тошкент, Навоий  
кӯчаси, 30. Шартнома № 111—61.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-  
ният З-босмахонаси. Тошкент, Ленинград кў-  
часи, 15. 1962. Заказ № 92. Баҳоси 63 т.

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ДАВЛАТ БАДИЙ  
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Шу йилнинг охиригача босилиб чиқади:

СОХИБ ЖАМОЛ. Гули сиёҳ. Роман. 15,0 босма лист, баҳоси 60 т.

ГОМОЖО. Шеърлар. 5,0 босма лист,  
баҳоси 27 т.

Тўтинома. 6,0 босма лист, баҳоси 18 т.

МУҲАММАД ДИБ. Катта хона-  
дон. Роман. 6,0 босма лист, баҳоси 30 т.

СИБУРАПА. Истиқбол сари. По-  
весть. 7,0 босма лист, баҳоси 21 т.

ПРЕМ ЧАНД. Қисмат. Роман. 30  
босма лист, баҳоси 1 сўм 5 т.



63 т.

Чадаинанар

